

DCAF
Хавфсизлик соҳаси
бошқаруви масалалари
бўйича Женева маркази
20-ЙИЛЛИГИ

Ҳарбий хизматга чақирилувчилар ҳуқуқлари бўйича ҳуқуқий қўлланма



Елизавета Чмых
Д-р Гражвидас Ясутис
Ребекка Микова
Ричард Стейн

2020

НАШР ЭКСПЕРТЛАР ТАҲРИРИДАН ЎТГАН

Ҳарбий хизматга чақирилувчилар ҳуқуқлари бўйича қўлланма

Муаллифлар:

- Елизавета Чмых (Elizaveta Chmykh)
- Д-р Гражвидас Ясутис (Dr. Grazvydas Jasutis)
- Ребекка Микова (Rebecca Mikova)
- Ричард Стейн (Richard Steyne)

2020

Нашр эксперталар таҳриридан ўтган

DCAF

Хавфсизлик соҳаси
бошқаруви масалалари
бўйича Женева маркази

20-ЙИЛЛИГИ



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

DCAF ҳақида

DCAF – Хавфсизлик соҳаси бошқаруви Женева маркази демократик бошқарув, хукуқ устиворлиги, инсон ҳуқуқлари ва гендер тенгликка ҳурмат тамойиллари доирасида давлатлар ва инсонлар хавфсизлигини кучайтиришга ихтисослашгандир. DCAF 2000 йилда ташкил топган куниданоқ ҳамкор-давлатлар ҳамда бу давлатларни қўллаб-кувватлаётган халқаро акторларга ўз хавфсизлик соҳасини инклузив ва кенг қамровли ислоҳ қилишда ёрдам бериш орқали тинчлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга ўз хиссасини кўшиб келмоқда. DCAF инновацион дастурлар яратиб, қадриятлар ва илғор тажрибани ёймоқда, сиёsat ва юриспруденция масалаларида маслаҳатлар бермоқда, қизиқиш билдирган давлат ва нодавлат хавфсизлик секторини такомиллаштиришда ёрдам кўрсатмоқда. DCAF фондининг Кенгаши 60 аъзо-давлат ҳамда Женева кантонининг вакилларидан иборат. 80 дан ортиқ давлатда фаолият юритаётган DCAF хавфсизлик соҳасининг бошқаруви (SSG) ҳамда хавфсизлик соҳасини ислоҳ қилиш (SSR) борасида дунёнинг етакчи марказларидан бири сифатида тан олинган. DCAF ўз ишида бетарафлик, маъсулият, инклузив иштирок ва гендер тенглик тамойилларига асосланади. Қўшимча маълумотни сайтимиз www.dcaf.ch ҳамда Twitter саҳифамиз @DCAF_Geneva орқали олишингиз мумкин.

Ношир

DCAF - Хавфсизлик соҳаси бошқаруви Женева маркази

P.O.Box 1360

CH-1211 Geneva 1

Switzerland

info@dcaf.ch

+41 (0) 22 730 9400

Муаллифлар: Елизавета Чмых (Elizaveta Chmykh), Гражвидас Ясутис (Grazvydas Jasutis), Ребекка Микова (Rebecca Mikova), Ричард Стейн (Richard Steyne)

Муҳаррир: Ирина Шкатула (Iryna Shkatula)

Таржимон: Сардор Салимов

Дизайн: Иномжон Ўсаров

ISBN: 92-9222-548-0

Эътироф

DCAF ушбу қўлланмани тузища молиявий кўмак берган Швейцария Конфедерациясининг Мудофаа, фуқаро ҳимояси ҳамда спорт ишлари федерал вазирлигига (DDPS) ўз миннатдорчилигини билдиради.

Эслатма

Ушбу қўлланмада билдирилган барча фикрлар муаллифларга тегишли бўлиб, Швейцария Конфедерациясининг Мудофаа, фуқаро ҳимояси ҳамда спорт ишлари федерал вазирлигининг (DDPS) қарашлари ёки фикри эканлигини англатмайди.

Хужжатда келтирилган URL-адреслар қўлланма босмага берилган пайтда фаол эди. Уларнинг кейинги эҳтимолий ўзгаришларига на DCAF, на муаллифлар жавобгар.

@DCAF 2020. Барча ҳуқуқлар кафолатланган.

Мундарижа

▪ Европа Кенгашининг аъзо давлатлари	vii
▪ Европа ва Марказий Осиёда муддатли ҳарбий хизматга чақирув тартибига эга давлатлар	viii
▪ Қисқартмалар рўйхати	ix
▪ Сўзбоши	x
▪ Кириш сўзи	xi
— Тавсифлар ва муҳим тушунчалар	1
▪ Ҳуқуқлар таснифи	1
▪ Давлатларнинг позитив ва негатив мажбуриятлари	2
▪ Ҳуқуқларни чеклаш ёки улардан фойдаланишга таъқиқ	3
▪ Мутаносиблик	5
▪ Ихтиёр эркинлиги	6
▪ Ҳарбий интизом	8
— Ҳарбий хизматга чақирилган шахсларнинг ҳуқуқларини белгиловчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва нормалар	9
▪ Қийиноқ, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолашнинг турларини тақиқлаш ҳамда ҳаётга бўлган ҳуқуқ	9
▪ Эътиқод ва фикр эркинлиги	24

▪ Мажбурий ёки ЕИҲК 4-моддасига зид равишда бажарилиши шарт бўлган меҳнатни тақиқлаш	38
▪ Эркинлик, шахсий дахлсизлик ва адолатли судловга бўлган ҳуқуқ	44
▪ Фикр, виждан ва дин эркинлигига асосланган тарзда диний ёки бошқа эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортиш ҳуқуқи	55
▪ Йиғин ва уюшмалар эркинлиги	65
▪ Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи	72
▪ Шахсий ва оиласий ҳаёт, ёзишмалар дахлсизлиги ҳуқуқи	75
▪ Никоҳ тузиш ва оила қуриш ҳуқуқи	79
▪ Муносиб уйжой ҳамда турмуш шароитига бўлган ҳуқуқ	82
▪ Иш жойида иззатни ҳимоясига, соғлиқни ҳимоясига, жисмоний тегажоқликдан ҳимояга ва хавфсиз ишга бўлган ҳуқуқлар	83
▪ Муносиб ва етарли озуқаланишга бўлган ҳуқуқ	88
— Тавсиялар	89
— Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	93
▪ Ҳуқуқий ҳужжатлар	93
▪ Маҳкама амалиёти	95
▪ Бошқа манбалар	99

Европа Кенгашининг аъзо давлатлари




■ 2020 йилнинг ноябрь ҳолатига, 1950й. инсон хукуклари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш түғрисидаги Конвенциясини ратификация қилган давлатлар.

Канада, Ватикан, Япония, Мексика ва АҚШ Европа Кенгасида кузатувчи мақомига эга.

- Албания
- Андорра
- Арманистон
- Австрия
- Озарбайжон
- Бельгия
- Босния ва Герцеговина
- Болгария
- Хорватия
- Кипр
- Чехия
- Дания
- Эстония
- Финляндия
- Франция
- Грузия
- Германия
- Греция
- Венгрия
- Исландия
- Ирландия
- Италия
- Латвия
- Лихтенштейн
- Литва
- Люксембург
- Мальта
- Молдова
- Монако
- Черногория
- Нидерландлар
- Шимолий Македония
- Норвегия
- Польша
- Португалия
- Румыния
- Россия
- Сан-Марино
- Сербия
- Словакия
- Словения
- Испания
- Швеция
- Швейцария
- Туркия
- Украина
- Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги

Европа ва Марказий Осиёда муддатли ҳарбий хизматга чақирув тартибиға эга давлатлар



■ Ҳарбий хизматга чақирув тартибиға эга давлатлар

- Австрия
- Арманистон
- Беларусь
- Греция
- Грузия
- Дания
- Қозогистон
- Қирғизистон
- Кипр
- Литва
- Молдава
- Норвегия
- Россия
- Тажикистан
- Туркманистон
- Туркия
- Украина
- Ўзбекистон
- Финляндия
- Швейцария
- Швеция
- Эстония

■ Мажбурий ҳарбий хизматга чақирув тартибиға эга бўлмаган давлатлар

- Албания
- Андорра
- Бельгия
- Босния ва Герцеговина
- Хорватия
- Чехия
- Франция
- Германия
- Венгрия
- Исландия
- Ирландия
- Италия
- Латвия
- Лихтенштейн
- Люксембург
- Мальта
- Монако
- Черногория
- Нидерландлар
- Шимолий
- Македония
- Польша
- Португалия
- Румыния
- Сан-Марино
- Сербия
- Словакия
- Словения
- Испания
- Ватикан
- Буюк Британия ва
Шимолий Ирландия
Бирлашган
Қироллиги

Қисқартмалар рўйхати

ИХХАХ Инсон ва халқлар ҳуқуқларининг Африка хартияси

ИҲАК Инсон ҳуқуқлари Америка конвенцияси

ҚҚҚ Қийноқларга қарши конвенция (Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенция)

ЕК Европа Кенгashi

ИҲЕК Инсон ҳуқуқлари Европа конвенцияси (Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция)

ММК Мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенция (Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенцияни)

ФСҲХП Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт

ХМТ Халқаро Меҳнат Ташкилоти

ДИИҲБ ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси

ЕХХТ Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти


ИҲУД Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси

Сўзбоши

DCAF – Хавфсизлик соҳаси бошқаруви Женева маркази глобал миқиёсда ҳавфсизликни бошқаришда етакчи тажрибага эга муассасаса сифатида, узоқ йиллар давомида ҳарбий хизматчиларининг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида фаолият юритиб келмоқда. Оҳирги пайтларда бу фаолиятнинг асосий қисми ҳарбийлар орасида айниқса кўпроқ ҳимояга муҳтож қатлам бўлмиш муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга тўғри келмоқда. DCAF раҳбари сифатида мен ушбу қўлланмани – муддатли ҳарбий хизматга чақирилган шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари борасидаги халқаро-ҳуқуқий хужжат ва нормаларнинг кенг қамровли таҳлилини ғуур билан тақдим этмоқдаман. Қўлланмада Инсон ҳуқуқлари Европа конвенциясида кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларга алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, бу ҳуқуқлар муддатли ҳарбий хизматга чақирилган шахсларга нисбатан қонунан чекланиши ёки бошқа тарзда чегараланиши масаласи кўриб чиқилган. Инсон ҳуқуқлари Европа суди ва бошқа муассасалар томонидан тегишли ҳуқуқий нормаларни қўллаш амалиётининг таҳлили кўрсатишича, ҳарбий хизматга чақирилган шахсларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича ягона халқаро декларатив ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги давлатлар ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан белгилаши ва ҳимоя қилишига йўл очмоқда. Баъзи ҳолларда бу миллий амалиёт ва ҳуқуқда муносаб бошқарув тамойилларини ҳамда инсон ҳақларини қўллашни чеклашга олиб келмоқда.

Муаллифларга кўра, халқаро ва миллий суд амалиётидаги илғор тажрибани жамлаган ягона ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги ҳам давлат ичра, ҳам давлатлараро номувофиқликни туғдирмоқда. Шундай қилиб, ушбу қўлланмада ҳуқуқий режим, тамойиллар ва иш услублари ҳарбий хизматга чақирилган шахслар инсон ҳуқуқларининг мукаммал ҳимоясини таъминлаши борасида давлатлар ва халқаро ҳамжамиятга тавсиялар келтирилган.

Қўлланма ҳарбий хизматга чақирилган шахсларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашда, ҳимоя қилишда фаол бўлган барча инсонларга, шу жумладан мансабдорлар, сиёsatчилар, парламентарийлар, халқаро ташкилотлар, ҳарбий ҳуқуқшунослар, судьялар, профессионал ҳарбий уюшмалар ва ННТлар учун мўлжалланган. DCAF мазкур қўлланма халқаро ҳуқуқда эътироф этилган ҳарбий хизматга чақирилган шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини иложи борича тўла таъминлашдаги ҳатти-ҳаракатимизни дастаклайди деб умид қиласади.



Thomas Guerber

DCAF – Хавфсизлик соҳаси бошқаруви Женева маркази директори

Кириш сўзи

Совуқ уруш якунланиши билан Европанинг аксар давлатларида мажбурий ҳарбий хизмат бекор қилинган. Лекин Шарқий Европа, Кавказорти ва Марказий Осиёда (ШЕКМО) ҳарбий хизматга чақирув кенг тарқалган амалиётдир. Ҳусусан, Арманистон, Озарбайжон, Беларусь, Грузия, Қозогистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Украина ва Ўзбекистонда ҳамон бу амалиёт мавжуд. Бу давлатларнинг барчаси муддатли ҳарбий хизматга чақирув тизимидан фойдаланади. Шу билан бирга қуролли кучлар шахсий таркибида, эҳтимол, ҳимояга энг муҳтоҷ қатлам бўлмиш муддатли ҳарбий хизматга чақирилган шахсларнинг ҳуқуқий ҳимояси борасида тадқиқотлар деярли йўқ. Шунинг учун ҳам, DCAF раҳбарининг ўринbosари сифатида менга Европа ва Марказий Осиё бўлимидағи ҳамкасларимиз тайёрлаган ушбу қўлланмани тақдим этиш алоҳида завқ баҳш этмоқда.

Ушбу қўлланмада муддатли ҳарбий хизматга чақирилган шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари борасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ва нормалар келтирилган. Гарчи қўлланма ҳарбий хизматга чақирилган шахслар инсон ҳуқуқларини таъминлашда, ҳимоя қилишда фаол бўлган барчага мўлжалланган бўлса-да, унда ШЕКМО давлатларида қонунни қўллаш мисоллари келтирилганлиги боис қўлланма минтақа давлатлари учун айниқса долзарб маъно касб этади. Қонунни қўллаш амалиёти ШЕКМО давлатларининг қонунчилиги ҳарбий хизматга чақирилган шахслар инсон ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаши борасида салмоқли тарзда бир-биридан фарқ қилишини, миллий ҳуқуқий амалиётларни инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро ҳуқуқ билан мувофиқлаштиришга зарурат мавжудлигини кўрсатмоқда. Айниқса бу ШЕКМО давлатларининг аксарияти имзо чеккан Инсон ҳуқуқлари Европа конвенциясида кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларга тааллуқлидир.

Қўлланма DCAF ҳарбий хизматга чақирилган шахслар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш фаолиятига қатъий содиқлигини намойиш қилмоқда. Энг муҳими, мазкур қўлланма ҳам миллий, ҳам халқаро даражадаги манфаатдор томонлар ҳарбий хизматга чақирилган шахслар фуқаро сифатида ўз ҳуқуқларидан тўлиқ баҳраманд бўлиши учун керакли чораларни татбиқ этишига кўмак сифатида хизмат қилиши умидидамиз.



Darko Stančić

DCAF – Хавфсизлик соҳаси бошқаруви Женева маркази директори ўринbosари, Европа ва Марказий Осиё бўлими раҳбари

Тавсифлар ва муҳим тушунчалар

Хуқуқлар таснифи

Инсон хуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш түғрисидаги Конвенция (бундан бүён – Конвенция) томонидан кафолатланган хуқуқларни турлича таснифлаш мүмкін. Қыйдаги таснифлаш мұайян хуқуқларга нисбатан чекловлар жорий этишнинг эҳтимолий чегараси ва даражасини акс этади. Конвенцияда белгиланған хуқуқларни қыйдаги турларга бўлиш мүмкін:

Мутлақ хуқуқлар: давлат органлари ўз мажбуриятларидан ҳатто уруш ёки бошқа фавқулодда вазиятларда ҳам воз кечолмайди, ҳамда мутлақ хуқуқларни бошқа шахслар эҳтиёжи ёки жамоат манфаатига қарши қўйя олмайди. Икки мутлақхуқуқни қарши қўйиш мажбурияти туғилган ҳолатлар бундан мустасно.¹ Конвенцияда белгиланған тўрт хуқуқ мутлақ хуқуқ бўлиб, уларни чеклаш ёки тўхтатиб туришни ҳеч қандай оқлаб бўлмайди. Булар қийноқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ва шахс қадр-қимматини камситувчи муюмала ва жазо турларидан эрkin бўлиш хуқуқи (3-модда), Қуллик, қарамлиқдан халос бўлиш хуқуқи (4(1)-модда), Орқага қайтиш кучига эга бўлган жиноят қонунчилиги қўлланилишининг тақиқланиши (7-модда).² Бир қатор кенг чекловларга дучор бўлиши мумкин бўлган яшаш хуқуқи айни маънода мутлақ бўлмаса-да, у ҳам айни ҳолатдадир ва чеклови 15(2)-модда билан тақиқланған хуқуқлар доирасига киритилган.³

Чекланган хуқуқлар: мутлақ хуқуқлар каби, чекланган хуқуқларни ҳам бошқа шахслар эҳтиёжи ёки жамоат манфаатига қарши қўйиш мумкин эмас. Шу билан бирга, уруш ёки бошқа фавқулодда вазиятлар даврида бу хуқуқларнинг қўлланиш

1 Жиноий тергов қироллик хизмати. 2019. Инсон хуқуқлари ва жиноий тергов: Умумий қоидалар. (Хуқуқий қўлланма). Ҳавола: <https://www.cps.gov.uk/legal-guidance/human-rights-and-criminal-prosecutions-general-principles>

2 Jean-François Renucci. 2005. Introduction to the European Convention on Human Rights – The rights guaranteed and the protection mechanism (Council of Europe Publishing). Ҳавола: [https://www.echr.coe.int/LibraryDocs/DG2/HFILES/DG2-EN-HRFILES-01\(2005\).pdf](https://www.echr.coe.int/LibraryDocs/DG2/HFILES/DG2-EN-HRFILES-01(2005).pdf)

3 Ўша ерни қаранг.

доираси чекланиши мумкин.⁴ Бундай ҳуқуқларга шахсий ҳаёт дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ (5-модда) ва адолатли суд жараёнига бўлган ҳуқуқ (6-модда) мисол бўла олади.

Шартли ҳуқуқлар: давлат органлари, етарли, зарурий ва асосли сабабларга кўра шартли ҳуқуқларни чеклаши мумкин. Шартли ҳуқуқлар шундай ҳуқуқларки, уларни бошқа шахслар ҳуқуқи ёки жамоат манфаатини ҳимоя қилиш йўлида чеклаш мумкин. Қоида сифатида, бундай ҳуқуқ белгиланган модданинг иккинчи қисмида бу ҳуқуқни чеклаб туриш учун қонуний асослар келтирилган бўлади.⁵ Шартли ҳуқуқларга шахсий ва оиласвий ҳаёти ҳурмат этилиши ҳуқуқи (8-модда), виждан ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи (9(1)-модда), фикрлаш ва сўз эркинлиги (10-модда) ҳамда уюшиш ва йиғилишлар эркинлиги (11-модда) мисол бўла олади.

Давлатларнинг позитив ва негатив мажбуриятлари

Инсон ҳуқуқлари борасида давлатлардан кутилган ҳатти-ҳаракат тегишли мажбуриятлар турига қараб ўзгаради. Бу борада давлатларнинг позитив ва негатив мажбуриятлари мавжуд. Биринчисига кўра, давлат органлари Конвенцияда белгиланган ҳуқуқларни фаол ҳимоя қилиш талаб этилади. Иккинчисига кўра, давлат органлари Конвенцияда назарда тутилган ҳуқуқларни асоссиз чеклашга қаратилган ҳаракатлардан тийилиши лозим.⁶ Конвенцияда белгиланган аксар ҳуқуқлар давлат учун негатив мажбуриятни ҳосил қиласди. Позитив мажбуриятлар Конвенция матнида тўғридан тўғри белгилаб қўйилмаган бўлса-да, улар Инсон ҳуқуқлари Европа судининг (ИҲЕС, бундан бўён - Маҳкамা) амалиётидан келиб чиқкан ҳолда назарда тутилади. Аксар ҳолларда позитив мажбуриятлар давлатлар ижросини таъминлаши мажбур бўлган талаблар ҳажмини кенгайишига олиб келади.⁷ Масалан, қийноқларни тақиқланиши давлат учун ҳам позитив, ҳам негатив мажбурият туғдиради. Негатив мажбурият давлатдан инсонларни қийноқка солмасликни талаб этса, позитив мажбурият қийноқка солинмаслик ҳуқуқини кафиллайдиган амалий ва самарали чоралар татбиқ этилишини давлатдан талаб этади. Бундай кафилликлар қаторига нафақат мансабдор шахслар, балким бошқа

4 Жиноий тергов қироллик хизмати. 2019. Инсон ҳуқуқлари ва жиноий тергов: Умумий қоидалар. (Ҳуқуқий қўлланма). Ҳавола: <https://www.cps.gov.uk/legal-guidance/human-rights-and-criminal-prosecutions-general-principles>

5 Ўша ерни қаранг.

6 Jean-François Akandji-Kombe. 2007. Positive obligations under the European Convention on Human Rights: A guide to the implementation of the European Convention on Human Rights. Ҳавола: <https://rm.coe.int/168007ff4d>

шахслар томонидан ҳам тазийққа учрашни олдини олувчи ҳуқуқий нормалар, ҳамда шафқатсиз муносабат ҳолатларини муносиб тергов қилиш (масалан, айборларни аниқлаш ва жазолашга олиб келадиган самарали расмий тергов) борасидаги процессуал мажбуриятлар киради.⁸

Ҳуқуқларни чеклаш ёки улардан фойдаланишга таъқиқ

Умуман олганда, Конвенцияда белгиланган ҳуқуқларни чеклаш ёки улардан фойдаланишга таъқиқ ўрнатиш 18-модда билан тартибга солинади. Унда айтилишича: “Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқлар ва эркинликлар хусусида ушбу Конвенцияда йўл қўйиладиган чеклашлар ўзи назарда тутилганидан бошқа мақсадлар учун қўлланилмаслиги лозим”. Бу модда ҳуқуқ ва эркинликлар назарда тутилган Конвенция қоидаларини тўлдиради.⁹

Ҳуқуққа бўлган чеклов қоидабузарликни ташкил этишини аниқлаш учун қўйдаги схемадан фойдаланилади, у асосан Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенциясининг 8-11 моддаларига нисбатан қўлланилади:

1. Бу чеклов қонунчилиқда кўзда тутилганми? Тутилган бўлса, унда
2. Бу чеклов орқали тегишли модда билан белгиланган мақсадлардан бирига эришиш кўзда тутилганми? Тутилган бўлса, унда
3. Бу чеклов демократик жамият учун зарурий ҳамда мутаносибми? Ҳа бўлса, унда
4. Бу чеклов камситувчи тусдами?

Чеклов қоидабузарлик эканлигини кўриб чиқаётганда Маҳкама юқоридаги саволларни навбатма навбат муҳокама қиласи.¹⁰ Агарда илк учтасига жавоб “Йўқ” бўлса, ёқитўртингисаволгажавоб “Ҳа” бўлса, унда чеклов ноқонуний ва Конвенцияга

8 Aisling Reidy. 2002. The prohibition of torture: A guide to the implementation of Article 3 of the European Convention on Human Rights. Ҳавола: <https://rm.coe.int/168007ff4c>.

9 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. 2018. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенциясининг 18-моддасини қўллаш бўйича йўриқнома. Ҳавола: https://www.echr.coe.int/Documents/Guide_Art_18_ENG.pdf

10 Одатда Маҳкама 4-саволни автоматик тарзда кўриб чиқмайди, то 14-модда бўйича арз тушмагунча. Конвенцияда бошқа моддаларда кўзда тутилган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишда камситилмаслик кафолатланган, шунинг учун 4-саволга жавоб ижобий бўлса, бу 14-моддда бузилганлигини англатади.

зид деб топилади. Бу схемадаги биринчи пунктни “қонун устиворлигига текшириш”, икки ва учинчисини “демократик жамиятда жоизлигига текшириш” деб аташади. Тўртинчи пункт эса 14-моддага (Камситишнинг тақиқланиши) тааллуклидир. Чеклов “қонунчиликда кўзда тутилган бўлиши” ёки “қонунга мувофиқ бўлиши” шарти ижроия ҳокимиятнинг ҳуқуқни асоссиз тасарруф этиш имконияти қонун чиқарувчи ёки суд ҳокимияти томонидан чекланишини кафолатлади.¹¹ Чеклов “қонунчиликда кўзда тутилганлигини” ёки “қонунга мувофиқ бўлганини” аниқлаш учун Маҳкама қўйдаги қўшимча саволларни муҳокама қиласди: ушбу қоидабузарликка ички давлат ҳуқуқий тизими санкция берганми? Тегишли ҳуқуқий нормадан фуқаро хабардор бўлиши учун шароит мавжудми? Ушбу ҳаракатнинг натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни фуқаро кўра биладиган даражада ушбу ҳуқуқий норма аниқми? Қонунчиликда тегишли моддий ҳуқуқларни етарли асосларсиз чеклашдан ҳимоя қиласдиган муносиб ҳимоя мавжудми?¹²

Демократик жамиятда бундай чеклов мақсадга мувофиқлиги, жоизлиги масаласи чекловнинг қонунийлигини баҳолашда энг мураккаб фактордир. Заруриятнинг ўзи етарли эмас; чеклов долзарб ижтимоий эҳтиёждан келиб чиқсан ҳолда асосли ҳам бўлиши шарт. Зарурият мавжудлиги муайян ишнинг тафсилотлари ҳамда мамлакатда ўша даврда шаклланган шароитга асосланиб аниқланади.¹³ Давлат оқилона, босиқ ва вижданон ҳаракат қилганини аниқлашдан ташқари, чеклов мутаносиб ва етарлича жиддий сабабларга кўра зарурӣ бўлганини аниқлаш ҳам лозим.¹⁴ Мутаносиблик ва зарурият чамбарчас боғлиқ бўлиб, Маҳкама қўйилган мақсадга эришишнинг камроқ чекловлар билан эришиш йўллари мавжуд бўлганлигини ҳам муҳокама қиласди. Шартли ҳуқуқни чеклашдаги қонунийликни аниқлашда қийматга эга яна бир, сўнгги критерий ушбу чеклов камситувчи тусга эгалиги масаласидир. Конвенцияда эътироф этилган ҳуқуқлар ва эркинликлардан фойдаланиш жинси, ирқи, терисининг ранги, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқоди, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, кам сонли миллатларга мансублиги, мулкий ҳолати, туғилиши ёки ҳар қандай бошқа белгиларига кўра бирон-бир камситишсиз таъминланиши кераклиги 14-моддада белгиланган. Бу модданинг бир ўзи қийматга эга эмас, у Конвенциянинг бошқа муҳим қоидаларини дастаклайди. Шу тарзда бу модда ҳуқуқ ва эркинликларни белгилаб берувчи ҳам бир бошқа

11 Steven Greer. 1997. The exceptions to Articles 8 to 11 of the European Convention on Human Rights (Council of Europe Publishing). Ҳавола: [https://www.echr.coe.int/LibraryDocs/DG2/HRFILES/DG2-EN-HRFILES-15\(1997\).pdf](https://www.echr.coe.int/LibraryDocs/DG2/HRFILES/DG2-EN-HRFILES-15(1997).pdf). 9-бет

12 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Крузлен (Kruslin) Францияга қарши” (11801/85), 24.04.1990. Ҳавола: [https://hudoc.echr.coe.int/eng/#%22itemid%22:\[%22001-57626%22\]](https://hudoc.echr.coe.int/eng/#%22itemid%22:[%22001-57626%22]), 27-36 боблар

13 Steven Greer. 1997. The exceptions to Articles 8 to 11 of the European Convention on Human Rights (Council of Europe Publishing). Ҳавола: [https://www.echr.coe.int/LibraryDocs/DG2/HRFILES/DG2-EN-HRFILES-15\(1997\).pdf](https://www.echr.coe.int/LibraryDocs/DG2/HRFILES/DG2-EN-HRFILES-15(1997).pdf).

модданинг ажралмас қисмига айланган.¹⁵ Бу модда асосий қоидалар билан ўзаро муносабатда бўлса ҳам, унда олдиндан тегишли моддий ҳуқуқнинг бузилиши кўзда тутилмаган.¹⁶ Бундан келиб чиқади-ки, шартли ҳуқуққа камситувчи тусда бўлган чеклов Конвенцияда кафолатланган ҳуқуқларнинг поймол этилишидир.

Мутаносиблик

Мутаносиблик ғояси бутун Конвенциянинг асосий мавзусидир¹⁷. Мутаносиблик доктринаси Конвенция билан кафилланган асосий инсон ҳуқуқлари ва жамият ҳуқуқлари ўртасида баъзан вужудга келиб қолиши мумкин бўлган зиддият ўртасида адолатли мувозанатни топишда муҳим ўрин эгаллайди.¹⁸

Мутаносиблик бир неча шаклда акс этилади: бирор зарурый чоранинг таркибий қисми сифатида (2 ва 8-11 моддалар), муносабатда фарқлиликларни ҳолис ва расо асослаш контекстида (14-модда) ёки давлатларнинг позитив мажбуриятининг асоссловчи қисми сифатида.¹⁹ Демак, мутаносиблик назарда тутилаётган мақсад ва унга эришиш воситаси ўртасида пропорционал нисбатни ҳамда аризачининг манфаатлари билан жамият манфаатлари ўртасида мувозанатни талаб этади.²⁰

Бундан “мутаносиблик тамойили кўриб чиқилаётган ҳаракат ёки чеклов “долзарб ижтимоий зарурат”га эга бўлишини, ҳамда мақсадга мувофиқ бўлишини талаб этиши” келиб чиқмоқда.²¹ У ёки бу чорани мутаносиблигини аниқлаш учун қўйдаги қирралар аҳамиятлидир: тегишли жамият манфаатларини ҳимоя қилишнинг муқобил, чекловларсиз ёки камроқ чекловларни талаб этувчи воситалар мавжудми; чекловни асоссловчи сабаблар “муҳим” ва “муносибми”; чеклов қарорини қабул қилиш жараёни шаффофи, адолатлими; ҳукумат кўраётган чоралар устидан самарали назорат мавжудми.²²

15 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. 2020. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенциясининг 14-моддасини ҳамда Конвенцияга № 12 Протоколнинг 1-моддасини қўллаш бўйича йўрикнома. Ҳавола: https://www.echr.coe.int/Documents/Guide_Art_14_Art_1_Protocol_12_ENG.pdf

16 Ўша ерни қаранг.

17 Karen Reid. 2015. A Practitioner’s Guide to the European Convention on Human Rights (5th Ed, Sweet and Maxwell), 75-6.

18 Жиноий тергов қироллик хизмати. 2019. Инсон ҳуқуқлари ва жиноий тергов: Умумий қоидалар. (Ҳуқуқий қўлланма). Ҳавола: <https://www.cps.gov.uk/legal-guidance/human-rights-and-criminal-prosecutions-general-principles>.

19 Karen Reid. 2015. A Practitioner’s Guide to the European Convention on Human Rights (5th Ed, Sweet and Maxwell), 75-6.

20 Ўша ерни қаранг.

21 Phillip Leach. 2017. Taking a Case to the European Court of Human Rights (4th edition, Oxford), 188-6.

22 Ўша ерни қаранг.

Ихтиёр эркинлиги

“Ихтиёр эркинлиги” деб Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенциясидаги ўз мажбуриятларини адо этишда давлатларга Страсбургдаги институциялари тақдим этишга тайёр бўлган ҳаракат доирасига айтилади; бу истилоҳ на ИХЕКнинг матнида, на қўшимча ҳужжатларда мавжуд, илк бор у Кипрдаги инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳақида Греция Қўшма Қиролликка қарши берган арз натижалари борасидаги 1958 йилдаги Инсон ҳуқуқлари Европа комиссиясининг ҳисоботида учрайди²³. “Маъмурӣ таъсир чораларини қайта кўриб чиқиш борасида ички суд амалиёти асосида ишлаб чиқилган Доктрина Страсбург томонидан аввал 15-моддага мувофиқ фавқулодда ҳодисалар даврида Конвенция қоидаларидан истисно сифатида қабул қилинган эди, кейинчалик эса тақлид асосида инқизоризий тусга эга бўлмаган “фавқулодда” вазиятларга ҳам қўлланилган. Шундан сўнг у Конвенциянинг барча қисмига “кириб кетган” ва ҳозирда “Страсбург прецедент ҳуқуқининг асосий қоидаларидан бирига айланган”.²⁴ Мутаносиблик ғоясига қўшимча сифатида 8-11 моддаларда қўллашдан ташқари ихтиёр эркинлиги бошқа контекстларда ҳам долзарбdir, масалан 5-модда учун (“руҳий касал” бўлган шахсни ҳибсга олиш қарорини қабул қилишда), 6-модда учун (масалан, шахсни судга бўлган ҳуқуқини чеклаш масаласини кўриб чиқаётганда), 14-модда учун (қолган барча жиҳатлари teng бўлган ҳолатлардаги фарқлиликлар қонун бўйича турлича ёндашишна нақадар ҳақли эканлигини баҳолаётганда), 15-модда (фавқулодда вазият мавжудлигини баҳолаётганда), № 1 Протоколнинг 1-моддаси (мол-мулкни тасаррuf этишни назорат қилиш мақсадида давлат қонунларни қабул қилиш ҳуқуқининг ҳажми ўрганилаётганда), № 1 Протоколнинг 2-моддаси (давлат мактабида ҳочни тақиб юришнинг таълим ҳуқуқига таъсирини ўрганилаётганда), № 1 Протоколнинг 3-моддаси (масалан, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини чеклашни баҳолаётганда).²⁵

Аарон Островскийнинг (Aaron Ostrovsky) фикрича, доктрина Конвенция доирасида матний асосга эга эмас, у Маҳкамама томонидан аввалам инсон ва жамият ўртасидаги қадриятлар тўқнашувини талқин этиш; сониян ҳар қандай жамоа маҳаллий даражада ҳал қила оладиган масалаларни ҳамда моҳиятан ўта муҳим

23 Steven Greer. 2000. The Margin of Appreciation: Interpretation and Discretion under the European Convention on Human Rights. Ҳавола: [https://www.echr.coe.int/LibraryDocs/DG2/HRFILES/DG2-EN-HRFILES-17\(2000\).pdf](https://www.echr.coe.int/LibraryDocs/DG2/HRFILES/DG2-EN-HRFILES-17(2000).pdf)

24 Steven Greer. 1997. The exceptions to Articles 8 to 11 of the European Convention on Human Rights (Council of Europe Publishing). Ҳавола: [https://www.echr.coe.int/LibraryDocs/DG2/HRFILES/DG2-EN-HRFILES-15\(1997\).pdf](https://www.echr.coe.int/LibraryDocs/DG2/HRFILES/DG2-EN-HRFILES-15(1997).pdf) 15-16 - бетлар

бўлгани учун ҳар бир давлатга, маданий фарқлиликлардан қатъий назар, бир ҳил талаб қўйилиши керак бўлган масалаларни аниқлаш воситаси сифатида ишлаб чиқилган.²⁶ Шунга қарамай, Конвенцияга ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги № 15 Протоколи орқали Конвенция преамбуласи субсидиарлик тамойили ҳамда ихтиёр эркинлигига ҳавола билан тўлдирилди.²⁷

Умуман олганда, ўз мажбуриятларини ижро этиш чора ва усуллари борасида давлатларга муайян эркинлик берилиши лозим. Шунинг учун устидан арз киритилган ечим ёки чоранинг мутаносиблигини белгилашда авваллари Маҳкаманинг функцияси қабул қилинган муайян қарорда адолатли мувозанатга эришилганлиги муҳокамаси билан чекланган эди.²⁸ Лекин сўнгги йилларда Маҳкама айни мақсадга эришишда муқобил воситалардан фойдаланиш имкониятини ҳам кўриб чиқиши бошлаб, аввалги ўз ёндашувини бирмунча ўзгартирган.²⁹ Ихтиёр эркинлигининг кенглиги бир қанча омиллар, жумладан у қўлланилаётган ҳуқуққа қараб ўзгаради. Масалан, ихтиёр эркинлиги қоидаларидан воз кечиб бўлмайдиган 2- ва 4-моддаларга нисбатан деярли қўлланилмайди. Лекин у 8-11- моддаларга мувофиқ мутаносибликни белгилаш контекстида шахсий ҳуқуқлар ва жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни баҳолашнинг муҳим қисмидир. Шундай қилиб, мутаносиблик ихтиёр эркинлигининг муҳим аспектидир, чунки Маҳкама фойдаланилганда аризачининг ҳуқуқлари камроқ тегиниш мумкин бўлган муқобил ечимлар мавжудлиги текшириб чиқади. Бундай муқобил ечимлар мавжуд бўлса, Маҳкама кўриб чиқилаётган чоралар мутаносиб деб топила олмаслиги ҳақида қарор чиқаради.³⁰

Ихтиёр эркинлигининг қай тури ва қай вазиятда тақдим этилаётганини аниқлаш борасидаги Маҳкама амалиётини таҳлил қилган адабиётларда қўйдаги қўшимча факторлар аниқланган: “ушбу амалиёт бошқа аъзо-мамлакатларда ҳам кенг тарқалганми, муайян ҳуқуққа нисбат берилган аҳамият, чеклашнинг характеристи ва асослари, Конвенциянинг муайян қоидаси ва контекст (масалан, фавқулодда

26 Aaron A. Ostrovsky. 2005. What's so Funny about Peace, Love, and Understanding? How the Margin of Appreciation Doctrine Preserves Core Human Rights within Cultural Diversity and Legitimises International Human Rights Tribunals, Hanse Law Review, Vol. 1.

27 Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинларни тўғрисидаги Конвенцияга ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги № 15 Протокол, № 213 Шартнома ҳақила батафсил маълумот. Ҳавола: <https://www.coe.int/en/web/conventions/full-list?module=treaty-detail&treatynum=213>

28 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Хаттон (Hatton) ва бошқалар Қўшма Қироллигига қарши” иши (36022/97), 08.07.2003. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-61188>, 123-банд; Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Джеймс (James) ва бошқалар Қўшма Қироллигига қарши” иши (8793/79), 21.02.1986. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng/?i=001-57507>

29 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Сейдич (Sejdic) ва Финчи (Finci) Босния ва Герцеговинага қарши” (27996/06 ва 34836/06), 22.12.2009. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-96491>, 76-б

30 Karen Reid. 2015. A Practitioner’s Guide to the European Convention on Human Rights (5th Edition, Sweet and Maxwell), 76-б.

вазият мавжудлиги), ушбу чора тенг муқобил чоралардан бирими, асосли қарорга келиш учун техник тажриба ёки маҳаллий шароитдан яхши хабардорлик зарурми".³¹

Ҳарбий интизом

Ҳарбий интизом – асосан гарнizonда ёки жанг шароитидаги қўшин бошқаруви ёки раҳбарлик тарзи бўлиб, ҳарбий хизматнинг қоидалари ва низомидан иборатdir.³² Маҳкама томонидан ҳарбий интизом аҳамиятининг эътироф этилиши кўпинча Конвенциянинг муайян қоидалари ҳарбий хизматга чақирилган шахслар ва оддий фуқароларга нисбатан фарқли қўлланишини очиқлаб беради. Масалан, Маҳкама "Энгель (Engel) Нидерландларга қарши" ишига доир қарорида 10-моддада қайд этилган фикр ва сўз эркинлиги ҳарбий хизматчиларга ҳам, Иштирокчи давлатлар юрисдикциясидаги барча фуқароларига ҳам тааллуқли эканлигини таъкидлаган.³³ Шу билан бирга, "қуролли кучларнинг муносиб фаолиятини ҳарбий интизом бузилишини олдини олувчи ҳуқуқий нормаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди".³⁴ Маҳкама таҳлилида ҳарбий интизомнинг аҳамияти қўйда кўриб чиқлади.

Маҳкама шунингдек эътироф этишича, "ҳарбий касбни танлаган аризачи ўз истаги билан бошқа фуқароларга нисбатан қўйилиши мумкин бўлмаган баъзи ҳуқуқ ва эркинликларнинг чеклови ҳарбий хизматчиларга нисбатан жорий этилиши жоиз бўлмиш ҳарбий интизом тизимига рози бўлган. Шунингдек, давлатларга ўз қўшинларида у ёки бу феъл-атворни ман этувчи интизомий қоидалар жорий қилишга рухсат этилади".³⁵ Бу дегани, фуқаровий контекстдан фарқли ўлароқ, ҳарбий хизматнинг ажralмас қисми бўлмиш ҳарбий интизом муайян ҳуқуқларнинг амал қилиш ва уларни чеклаш ҳусусиятини алоҳида урғулайди.

31 Steven Greer. 2000. The Margin of Appreciation: Interpretation and Discretion under the European Convention on Human Rights. Ҳавола: [https://www.echr.coe.int/LibraryDocs/DG2/_HFILES/DG2-EN_HFILES-17\(2000\).pdf](https://www.echr.coe.int/LibraryDocs/DG2/_HFILES/DG2-EN_HFILES-17(2000).pdf). 7-6

32 Guillaume Le Blond. 2008. Military Discipline. Ҳавола: <http://hdl.handle.net/2027/spo.did2222.0000.967>.

33 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. Энгель (Engel) ва бошқалар Нидерландларга қарши" (5100/71; 5101/71; 5102/71; 5354/72; 5370/72), 08.06.1976. Ҳавола: http://hudoc.echr.coe.int/_tur?i=001-57479.

34 Европа Кенгаши. 2013. Миллий хавфсизлик ва Европа прецедент ҳуқуқи. Ҳавола: https://www.echr.coe.int/Documents/Research_report_national_security_ENG.pdf. 18-6, 52-банд.

35 Европа Кенгаши. 2013. Миллий хавфсизлик ва Европа прецедент ҳуқуқи. Ҳавола: https://www.echr.coe.int/Documents/Research_report_national_security_ENG.pdf. 24-6, 70-банд. Яна қаранг: Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. "Калаш (Kalaç) Туркияга қарши" (20704/92), 01.07.1997. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-58042>.



Ҳарбий хизматга чақирилган шахсларнинг ҳуқуқларини белгиловчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва нормалар

**Қийноқ, инсонийликка зид ва
қадр-қимматни камситувчи муомала
ва жазолашнинг турларини тақиқлаш
ҳамда ҳаётга бўлган ҳуқуқ**

1. Таърифи ва ҳуқуқий ҳужжатлар

Қийноқ, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолашнинг турларини тақиқлаш ҳаётга бўлган ҳуқуқдан фарқланади. Лекин, бунга қарамай, ҳарбий хизматга чақирилган шахсларнинг ҳарбий хизмат вақтидаги ўлими борасидаги жиноий ишлар кўпинча қийноқ ёки шафқатсиз муомала айлови билан очилади, Инсон ҳуқуқлари Европа суди ҳам бу иккала ҳуқуқни ўз амалиётининг салмоқли қисмида татбиқ этган. Шундай экан, қийноқлар айлови билан қилинган арзларининг аксариятида Маҳкамама давлат ҳаётга бўлган ҳуқуқ борасида ўз позитив ва негатив мажбуриятларини бузганлигини текширади.³⁶

36 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Мосенду (Mosendz) Украина га қарши” (52013/08), 17.04.2013. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/fre?i=001-115887>. 115-банд; Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Мурадян (Muradyan) Арманистон га қарши” (11275/07), 24.02.2017. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-168852>. 161-банд.

Қийноқларга қарши Конвенцияда³⁷ (ҚҚҚ) қийноқقا қуидаги таъриф берилган: “оғриқ ёки қўрқитиш давлат мансабдор шахси ёки бошқа расмий фаолият билан боғлиқ бирор шахс томонидан, улар режаси ёрдамида амалга ошириладиган, уларнинг айби ва бундай ҳаракатларга жим туришлари билан содир этиладиган маълум бир шахсга қасдан ундан ёки учинчи шахсдан маълумот олиш ҳамда унинг содир этган ҳаракати, учинчи шахс ёки у гумон сифатида кўрилаётган ишларда тан олдириш мақсадида кучли жисмоний ёки руҳий таъсир ўтказиш, қўрқитиш, шунингдек, камситиш сифатида тавсифланувчи, шахсни ёки учинчи бир шахсни қўрқитиш ҳамда мажбурлаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат”.³⁸ Айни моддадаги таърифга кўра, ҚҚҚ бўйича мажбуриятлар қийноққа тенглаштирилмаган муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи бошқа турларига ҳам тааллуқлидир, “бундай ҳаракатлар давлат мансабдор шахси ёки бошқа расмий фаолият билан боғлиқ бирор шахс томонидан, улар режаси ёрдамида амалга ошириладиган, уларнинг айби ва бундай ҳаракатларга жим туришлари билан содир этиладиган” бўлса.³⁹

Қийноқларни тақиқлаш аксар ҳалқаро ҳужжатларда, шу жумладан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (ИҲУД),⁴⁰ Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пакт (ФСҲХП)⁴¹ ва ҚҚҚда кўзда тутилган. Қийноқларни тақиқлаш мажбурий тусга эгалиги фақатгина шартномалар билан чекланмаган, чунки у умумий ҳалқаро ҳуқуқнинг таркибий қисмидир, ва демак, Ҳалқаро суд томонидан тан олинган.⁴² Ундан ҳам муҳими, қийноқлар ҳалқаро ҳуқуқнинг императив нормаси (*jus cogens*) бўлиб,⁴³ иерархияда қолган ҳалқаро ва миллий қонунлардан устундир ва бу нормани айланиб ўтиб бўлмайди. Шунингдек, бу норманинг *erga omnes* эканлиги давлат ҳалқаро ҳамжамият олдида маъсул эканлигини англатади.⁴⁴ Бундан

37 Қийноқ, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолашнинг турларига қарши Конвенция (10 декабрь 1984 йилда қабул қилинган, 26 июнь 1987 йилда кучга кирган).

38 ҚҚҚ, 1-модда

39 ҚҚҚ, 16(1)-модда

40 Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (10 декабрь 1948 йилда кучга кирган).

Ҳавола: https://www.ohchr.org/EN/UDHR/Documents/UDHR_Translations/eng.pdf. 5-модда;

41 Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пакт (23 март 1976 йилда кучга кирган). Ҳавола: https://treaties.un.org/doc/Treaties/1976/03/19760323%2006-17%20AM/_Ch_IV_04.pdf.

7 – ва 10(1)-моддалар.

42 Геноцид жиноятини олдини олиш ва уни жазолаш тўғрисидаги Конвенцияни Қўллаш (“Хорватия Сербияга қарши”), Ҳалқаро Суднинг Қарори (Ҳуқуқий баҳо, 3 февраля 2015 йилда кучга кирган).

Ҳавола: <https://www.icj-cij.org/public/files/case-related/118/118-20150203-JUD-01-00-EN.pdf>, 98-банд; Жиноий терговни бошлиш ёки экстрадиция мажбурияти борасидаги масалалар (“Бельгия Сенегалга қарши”), Ҳалқаро суд қарори (Ҳуқуқий баҳо, 20 июль 2012 йилда кучга кирган).

Ҳавола: <https://www.icj-cij.org/public/files/case-related/144/144-20120720-JUD-01-00-EN.pdf>. 99-банд.

43 Инсон ҳуқуқлари Кўмитаси, Ҳалқаро жиноялар учун давлатларнинг маъсулияти борасидаги моддалар лойҳаси, изохлари билан, 2001 йил. Ҳавола: https://legal.un.org/ilc/texts/instruments/english/commentaries/9_6_2001.pdf.

44 Собиқ Юgosлавия бўйича Ҳалқаро жиноий трибунал. “Прокурор Анто Фурунд’иҷага (Anto Furund’ija) қарши”, 10.12.1998. Ҳавола: <https://www.icty.org/x/cases/furundzija/tjug/en/fur-tj981210e.pdf>. 151-154 боблар.

ташқари, инсон ҳуқуқлари борасидаги турли минтақавий норматив ҳужжатлар ҳам қийноқларни тақиқлайди. Буларга масалан Конвенция,⁴⁵ Инсон ҳуқуқлари Америка конвенцияси,⁴⁶ Инсон ва халқлар ҳуқуқлари Африка хартияси (Банжул хартияси)⁴⁷ киради. Деярли барча давлатлар имзо чеккан КҚҚ ҳар бир давлатга ўз юрисдикцияси остида бўлган ҳар қандай ҳудудда қийноқ билан боғлиқ ҳолатларни олдини олиш бўйича самарали қонунчилик, маъмурӣ ва бошқа чораларни кўриш мажбуриятини юклаган:⁴⁸ “Ҳар бир иштирокчи давлат ҳамма қийноқ ҳаракатлари унинг жиноят қонунчилигига мувофиқ равишда кўриб чиқилишини таъминлайди. Айни шу нарса қийноққа ва исталган шахснинг азоблашда шериклиги ёки қатнашувидан иборат ҳаракатларига ҳам тегишилди. Ҳар бир иштирокчи давлат бундай жиноятлар учун уларнинг оғирлиkhусусиятиниҳисобга олган ҳолдате гишилчажазолар тайинлайди”.⁴⁹ Бундан ташқари, “ҳар бир иштирокчи давлат қийноқни тақиқлашга тегишли ўқув материаллари ва ахборотлар ҳуқуқни татбиқ этувчи органларнинг ходимларини, фуқароларга оид ёки ҳарбий, тиббий ходимларни, давлатнинг мансабдор шахсларини ҳамда ҳар қандай шаклда ҳибсга олинган, ушланган ёки қамоққа олинган шахсларни ушлаб туриб, сўроқ қилишга ёки улар билан муомала қилишга муносабат билдириши мумкин бўлган шахсларни тайёрлаш дастурларига тўлиқ равишда киритилишини таъминлайди. Ҳар бир иштирокчи давлат бу тақиқни ҳар қайси шундай шахсларнинг вазифа ва функцияларига оид қоида ёки йўриқномага киритади”.⁵⁰ Тергов масаласида, “ҳар бир иштирокчи давлат унинг ҳуқуқий тобелигига бўлган ҳар қайси ҳудудда қийноқ қўлланган деб ўйлашга етарлича асос бўлганда унинг органлари тез ва холис текширув ўтказишларини таъминлайди”.⁵¹ Давлат шунингдек “унинг ҳуқуқий тобелигига бўлган исталган ҳудудда қийноқ қўлланилди деб тасдиклайдиган ҳар бир шахсга шу давлатнинг ваколатли ҳукуматларига шикоят қилиш ҳуқуқини ҳамда улар томонидан бундай жиноят тез ва холис кўриб чиқилишини таъминлайди. Даъвогар ва гувоҳларни ҳар қандай шакллардаги ёки унинг шикояти ёки ҳар қандай гувоҳлик кўрсатмалари муносабати билан қўрқитишдан ҳимоя қилишини таъминлаш чоралари кўрилади”.⁵² Бу ҳуқуқ шунингдек қийноқларнинг қурбони ҳуқуқий ҳимояга бўлган ҳуқуқига тааллуқлидир.⁵³

45 Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари Конвенцияси (4 ноябрь 1950 йилда қабул қилинган, 3 сентябрь 1953 йилда кучга кирган). Ҳавола: https://www.echr.coe.int/documents/convention_eng.pdf. 3-модда.

46 Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси (22 ноябрь 1969 йилда қабул қилинган, 18 июль 1978 йилда кучга кирган). Ҳавола: <https://treaties.un.org/doc/publication/unts/volume%201144/volume-1144-i-17955-english.pdf>. 5-модда.

47 Инсон ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка хартияси (27 июнь 1981 йилда қабул қилинган, 21 октябрь 1986 йилда кучга кирган). Ҳавола: <https://treaties.un.org/doc/Publication/UNTS/Volume%201520/volume-1520-I-26363-English.pdf>. 5-модда.

48 ҚҚҚ, 2(1)-модда

49 ҚҚҚ, 4-модда

50 ҚҚҚ, 10-модда

51 ҚҚҚ, 12-модда

52 ҚҚҚ, 13-модда

53 ҚҚҚ, 14-модда

Қийноқ билан шафқатсиз, қадр-қимматни камситувчи муомала ўртасидаги фарқ даража фарқи бўлиб, қийноқлар шафқатсиз, қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолашнинг ўта кетган кўриниши деб тушунилади.⁵⁴

Қадр-қимматни камситувчи муомаланинг мақсади эса кейинчалик шахсиятига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракат орқали инсонни камситиш ёки таҳқиrlашдир.⁵⁵ Қийноқ ҳам, ноинсоний муомала ҳам фақатгина жисмоний ҳатти-ҳаракат билан чекланмайди, улар қурбонга руҳий азоб беришга қаратилган ҳаракатлардан ҳам иборат бўлиши мумкин.⁵⁶

Ҳаётга бўлган ҳуқуқ ҳам аксар инсон ҳуқуқлари бўйича ҳалқаро ва минтақавий ҳужжатларда белгиланган. Бу ҳуқуқнинг ҳимояси давлатга негатив ва позитив мажбуриятларни юклайди. Давлат нафақат ҳаётдан маҳрум қилишдан тийилиши керак (бундай ҳуқуқни чекловчи баъзи истиснолардан ташқари), балким одамларни ўлимдан ҳимоя қилишга қатъий чоралар кўриши шарт. Бундай позитив мажбуриятларга мисоллар: куч ишлатар органларга мутлақо шарт бўлгандагина ўлимга олиб келиши мумкин бўлган воситалардан фойдалишни уқтириш, ҳаёт учун муайян таҳдидни олдини олувчи чораларни кўриш, инсон ўлимини олдини олувчи қонунчиликни татбиқ этиш (масалан, касалхона ва тиббиёт ҳодимларининг фаолиятини назорат қилиш), ўлимга сабаб бўлган жиноятларни тергов қилиш ва жазолаш, қамоқдаги шахслар фаровонлиги учун маъсулиятни ўз бўйнига олиш.⁵⁷

“Россия ва Кипрга қарши Рантев”⁵⁸ ишидан чиқартмада ҳисобга олиниши керак бўлган уч позитив мажбурият яққол ва лўнда келтирилган: “”2-модда давлатга нафақат мақсадли ва ноқонуний тарзда ҳаётдан маҳрум этишдан тийилишни, балким унинг юрисдикциясидаги шахсларнинг ҳаётини ҳимоя қилиш учун самарали қонун чиқариш, маъмурий, судлов ва бошқа чораларни кўришни буоради [бу позитив мажбуриятлар мавжудлиги борасидаги умумий тусдаги изоҳдир]. Аввалам,

54 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Ирландия Кўшма Қироллигига қарши” иши (5310/71), 18.01.1978. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-57506>, 167-банд; БМТ Бош Ассамблеяси. Қийноқ, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолашнинг турларидан барча инсонларни ҳимоя қилиш Декларациясини ўз ичига олган 3452 (XXX) Резолюция, 09/12/1975. 12-модда.

55 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Янков (Yankov) Болгарияга қарши” (39084/97), 11.03.2004. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/fre?i=001-61539>.

56 БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси. Умумий тарздаги изоҳ № 20: 7-модда (Қийноқ, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолашнинг турларини тақиқлаш), Инсон ҳуқуқлари бўйича Кўмитанинг 44-сессияси, 10 март 1992 йил. 5-банд.

57 Ҳалқаро ҳуқуқ бўйича ресурс маркази. Ҳаётга бўлган ҳуқуқ: таҳлил. Ҳавола: <https://ijrcenter.org/thematic-research-guides/right-to-life/>

58 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Рантев (Rantsev) Кипр ва Россияга қарши” (25965/04), 07.01.2010. Ҳавола: https://www.unodc.org/res/cld/case-law/2010/case_of_rantsev_v_cyprus_and_russia_application_no_2596504.html/Rantsev_vs._Cyprus_and_Russia.pdf. 218-232- бандлар

бу мажбурият давлатдан ҳаётга бўлган ҳуқуқни қонунни қўллаш механизми томонидан дастакланаётган инсонга қарши жиноятни олдини олишга қаратилган жиноий қонунчилик нормаларини жорий этиш орқали таъсирчан кафиллигини яратишни талаб этади [бу тизим яратиш мажбуриятидир]. Шунингдек, бу ҳаётига таҳдид бўлаётган инсонни бошқа шахснинг жиноий ҳаракатларидан ҳимоя қилишга қаратилган превентив чораларни кўриш мажбуриятини ҳам англатади [бу тезкор ҳимоя билан таъминлан мажбуриятидир]”. Кейин Маҳкамама тергов қилиш мажбуриятига ўтади:⁵⁹ “Маҳкамама бир неча бор таъкидлаганидек, Конвенциянинг 1-моддасидаги ҳуқуқ ва эркинликларни ўз юрисдикциясидаги барча инсонларга таъминлаш мажбурияти билан биргаликда кўриладиган Конвенциянинг 2-моддасидаги ҳаётга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш мажбурияти, куч ишлатиш натижасида шахслар ўлса у ёки бу тарзда самарали расмий тергов олиб боришни талаб этади”.

БМТ Инсон ҳуқуқлари Қўмитаси ўзининг 6-Умумий тусдаги Изоҳидатта ғайриқонуний ўлдиришларни ҳам олдини олиш учун чоралар кўриши шарт. Давлат вакили томонидан инсон ҳаётдан маҳрум қилишни олдини олиш ва жазолаш учун чора кўриши керак, балким ўз куч ишлатар хизматлари томонидан ғайриқонуний ўлдиришларни ҳам олдини олиш учун чоралар кўриши шарт. Давлат вакили томонидан инсон ҳаётдан маҳрум қилиниши ўта жиддий масаладир. Шунинг учун ҳам, қонунчиликда инсон давлат вакили томонидан ҳаётдан маҳрум қилиниши шарт-шароитлари қатъиян назорат қилиниши ва чекланиши лозим”.⁶⁰ “Мажбурий ҳарбий хизматни ўтаётган шахслар, Маҳкамама аввал ҳам таъкидлаганидек, ҳудди қамоқдаги шахслар каби, давлат ҳокимиятининг мансабдор вакилларининг мутлақ назоратидадир, чунки фақатгина мансабдор шахсларгина қуролли кучлардаги вазиятдан у ёки бу даражада хабардордирлар, ва демак, мансабдор шахслар ҳарбий хизматга чақирилганларни ҳимоя қилишга мажбурдирлар”.⁶¹

59 Ўша ерни қаранг.

60 Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт бўйича Халқаро Қўмита. 16-сессия (1982): Умумий тарздаги изоҳ № 6: 6-модда (Ҳаётга бўлган ҳуқуқ).

61 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Малик Бабаев (Malik Babayev) Озарбайжонга қарши” (30500/11), 01.09.2017. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-173776>.

2. Қийноқ, қадр-қимматни камситувчи муомалани тақиқлашга ҳамда ҳаётга бўлган ҳуқуқларни чеклашлар

Ҳаётга бўлган ҳуқуққа чекловлар Инсон ҳуқуқлари Европа конвенциясининг 2(2)-моддасининг контекстида баҳоланиши керак. Моддада айтилишича, “ҳаётдан маҳрум қилиш жорий модданинг бузилиши ҳисобланмайди, агарда у: а) ҳар қандай шахсни ноқонуний зўравонликдан ҳимоя қилиш; б) қонуний асосда ҳибсга олинган шахсларни тутиш ёки қочишини олдини олиш; в) қонунга мувофиқ, исён ёки ғалаёнларни бостириш мақсадида мутлақо зарурий бўлган куч ишлатишнинг натижасида ҳосил бўлса”. Мутлақо зарурий даражадан ошириб куч ишлатиш ёки 2(2) пунктидаги сабабларга мувофиқ бўлмаган, мансабдор шахс сабабчи бўлган ҳар қандай ўлим ушбу 2-модданинг бузилиши деб ҳисобланади.⁶² Бу ўлчовлар қатъий талқин қилинган.⁶³ Бундан ташқари, Конвенциянинг 15-моддасида урғуланганидек, ҳаққоний ҳарбий ҳаракатларнинг натижасидаги ўлим ҳолларидан истисно, 2-модданинг қоидаларидан чекланиш йўл қўйилмайди.

ҚҚҚ қийноқ, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолашнинг турларини тақиқлашни мутлақ ҳуқуқ сифатида эътироф этади. Бу ҳуқуқни, қурбоннинг ҳатти-ҳаракатидан қатъий назар на чеклаб, на тўхтатиб туриш мумкин.⁶⁴ Конвенцияда айтилишича, “ҳоҳ, уруш ҳолатими ёки уруш хавфими, ички сиёсий бекарорликми ёки бошқа исталган фавқулодда ҳолатми эканлигидан қатъи назар, қийноқни оклашга хизмат қилолмайди”.⁶⁵ Шунингдек, бу ҳар қандай фавқулодда ҳолатга ҳам тааллуқидир.⁶⁶ Конвенциянинг 3-моддаси унинг мутлақ ифодаси бўлиб, унда эҳтимолий чекловларни кўзда тутган иккинчи қисм мавжуд эмас.⁶⁷ Қийноқ, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолашнинг турларида айбор деб топилганлари авф этиш ёки амнистия борасидаги қонунчиликни уларга нисбатан қўллаш ҳам халқаро ҳуқуқда

62 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Макканн (McCann) ва бошқалар Кўшма Қироллигига қарши” иши (18984/91), 27.09.1995. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-57943>.

63 Халқаро ҳуқуқ бўйича ресурс маркази. Ҳаётга бўлган ҳуқуқ: таҳлил. Ҳавола: <https://ijrcenter.org/thematic-research-guides/right-to-life/> [мурожаат санаси: 19 май 2020 йил].

64 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Ранинен (Raninen) Финляндияга қарши” (152/1996/771/972 -Арз № 20972/92), 16.12.1997. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-58123>.

65 ҚҚҚ, 2(2)-модда

66 ИХЕК, 15(2)-модда

67 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Ирландия Кўшма Қироллигига қарши” иши (5310/71), 18.01.1978. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-57506>, 163-банд.

тақиқланган.⁶⁸ Демак, қийноқ, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолашни тақиқлашни чеклаш масаласи бу мажбуриятга оид чекловларни белгилаш эмас, кўпроқ, аввалам, бундай актайнан қайси ҳаракатлардан иборат эканлигини аниқлаш масаласи, сониян бундай актларни олдини олиш бўйича давлат мажбуриятларининг ҳажмини аниқлаш масаласига тақалади. Биринчи масалага келсак, “З-моддага тушиш учун, ёмон муомала шафқатсизликнинг минимал даражасига етиши лозим, бунда ишнинг барча тафсилотлари эътиборга олинади, ҳусусан бундай муомаланинг давомийлиги, унинг жисмоний ва руҳий оқибатлари, қурбоннинг ёши ва соғлиғининг ахволи, ва ҳоказо”.⁶⁹ Одатда З-модданинг бузилиши деб қараш мумкин бўлган кўпгина ҳатти-ҳаракатлар қуролли кучлар содир бўлганда ёмон муомала даражасига етмаслиги мумкин, агар бундай муомала қуролли кучлар олдига кўйилган, масалан жанговор шароитга тайёрланиш каби, муайян вазифани бажаришга кўмаклашса.⁷⁰ Лекин “Маҳкамама аскар ва муддатли ҳарбий хизматга чақирилганларга нисбатан қўллаб бўлмайдиган муомалага тобора кўпроқ таъриф бермоқда. Шахс ҳарбий хизматни инсон шаънига мос шароитларда ўташи лозим; ҳарбий тайёргарлик услуби ва тартиби сабабчи бўлаётган қийинчилик ва уқубатлар ҳарбий интизомга ҳос бўлган минимал қийинчиликлар даражасидан кўпроқ бўлмаслиги керак; инсон соғлиғи ва фаровонлиги тиббий ёрдам тақдим этиш орқали муносиб кафолатланган бўлиши лозим”.⁷¹

“Муомала ёки жазолаш З-моддага мувофиқ тарзда “камситувчи тусда” эканлигини кўриб чиқаётган Маҳкамама муомаланинг мақсади тегишли шахсни таҳқирлаш ва ҳўрлаш бўлганини, шахсга салбий таъсир қилганини кўриб чиқади”.⁷² Масалан, “Россияга қарши Лялякин” ишида Маҳкамама З-модда бузилган деган тўхтамга келган, чунки Россия давлати ҳарбий хизматни ўтаётган аризачини яланғоч қилиб қўйиш нега кераклигини асослаб бера олмаган. Жўяли сабаблар келтирилмагач, аризачига нисбатан бўлган бу муомала З-модданинг амал доирасига тушадиган даражага етиб келган деган ҳулоса қилинган.⁷³ ҚҚҚ масаласига келсак, АҚШ каби бъязи давлатлар авваллари ушбу халқаро мажбуриятнинг экстерриториал

68 БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси. Умумий тарздаги изоҳ № 20: 7-модда (Қийноқ, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолашнинг турларини тақиқлаш), Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитанинг 44-сессияси, 10 март 1992 йил. 15-банд.

69 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Ранинен (Raninen) Финляндияга қарши” (152/1996/771/972 -Арз № 20972/92), 16.12.1997. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-58123>. 55-банд; Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Ирландия Кўшма Қироллигига қарши” иши (5310/71), 18.01.1978. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-57506>, 162-банд.

70 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Чембер (Chember) Россияга қарши” (7188/03) иши, 01.12.2008. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-87354>. 49-банд

71 Karen Reid. 2015. A Practitioner’s Guide to the European Convention on Human Rights (5th Edition, Sweet and Maxwell), 364-6.

72 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Ранинен (Raninen) Финляндияга қарши” (152/1996/771/972 -Арз № 20972/92), 16.12.1997. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-58123>. 55-банд

73 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Лялякин (Lyalyakin) Россияга қарши” (31305/09), 14.09.2015. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-152726>. 77-78-банлар

қўллашга асос йўқлигини айтиб келган.⁷⁴ Шунга қарамай, бундай ҳуқуқий чекловларнинг асослари судда муҳокама қилинган ва ҚҚҚ Маҳсус маърузачиси 2015 йилдаги ҳисоботида давлатлар экстерриториал қийноқ аклари учун ҳам умумий жиноий юрисдикцияни жорий этиши лозимлигини урғулаган ҳамда давлатларни қийноқ ва ножоиз муомала қаерда қилинганидан қатъий назар жавобгарликни киритишга чақирган.⁷⁵ Позитив мажбурият давлатлар “ўз юрисдикциясидаги шахсларни қийноқлардан, бошқа қаттиқ, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларидан муҳофаза қилишга қаратилган чораларни кўришга ундаиди. Бундай чоралар, ҳусусан ҳарбий хизматни ўтаётган шахслар каби ҳимояга муҳтож қатламларни самараали ҳимоя қилиши лозим, бунда давлат хабардор бўлган ёки хабардор бўлиши лозим бўлган ножоиз муомалани олдини олиш учун ҳам муносиб чоралар кўрилиши лозим”.⁷⁶

Шу билан бирга замонавий жамиятда ҳуқуқни муҳофаза қилиш билан боғлиқ қийинчиликларни, инсон ҳатти-ҳаракатини олдиндан башорат қилиб бўлмаслигини ҳамда афзалликлар ва чекланган ресурслар шароитида танлаш заруриятини ҳисобга олиб, Маҳкамамуҳофаза қилиш борасидаги давлатларнинг позитив мажбуриятлар ҳажмини чеклади.⁷⁷ Шунинг учун ҳам, ушбу мажбурият “давлат органларига номутаносиб ёки амаллаб бўлмайдиган маъсулиятни юклаб қўймайдиган тарзда талқин этилиши лозим” ҳамда “ҳар қандай арз этилган таҳдид ҳам давлатнинг Конвенцияга мувофиқ бундай таҳдидни олдини олиш мажбуриятига мувофиқ ҳаракат қилишини англатмайди”.⁷⁸ Демак, давлат органлари уша пайт ҳаёт учун бевосита ҳамда реал таҳдид бўлганини билганини ёки билиши кераклигини, ўз ваколати доирасида бундай таҳдидни олдини олишга қаратилган чораларни жорий қилмаганлиги ҳақидаги фактни аниқлаш лозим.⁷⁹

74 Charlie Savage. U.S. Seems Unlikely to Accept that Rights Treaty Applies to Its Actions Abroad, The New York Times, 6 March 2014. Ҳавола: <https://www.nytimes.com/2014/03/07/world/us-seems-unlikely-to-accept-that-rights-treaty-applies-to-its-actions-abroad.html>; Sarah Cleveland. 2014. The United States and the Torture Convention, Part I: Extraterritoriality, Just Security. Ҳавола: <https://www.justsecurity.org/17435/united-states-torture-convention-part-i-extraterritoriality/>

75 Қийноқ, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолашнинг турлари ҳақида Maҳsus Maъruzachining oraliq Hisoboti (A/70/303), 2015 йил. 70-банд. Айни хулоса 2018 йилдаги Қийноқ, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолашнинг турлари ҳақида Maҳsus Maъruzachining oraliq Hisobotida (A/HRC/37/50), 13-бандда қайтарилган.

76 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Плачи (Placi) Италияга қарши” иши (48754/11), 21.04.2014. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/fre?i=001-140028>, 50-банд; Қаранг: Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Абдулла Йилмаз (Abdullah Yilmaz) Туркияга қарши” (21899/02), 17.09.2008. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-87046>. 67-72- боблар.

77 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Осман (Osman) Кўшма Қироллигига қарши” иши (87/1997/871/1083), 28.10.1998. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-58257>. 116-банд.

78 Айни жойда. Қаранг: Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Малик Бабаев (Malik Babayev) Озарбайжонга қарши” (30500/11), 01.09.2017. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-173776>. 66-банд.

79 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Осман (Osman) Кўшма Қироллигига қарши” иши (87/1997/871/1083), 28.10.1998. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-58257>. 116-банд.

3. Масалага доир ишлар

Инсон ҳуқуқлари Европа суди қийноқ, қадр-қимматни камситувчи муомалани тақиқлаш ҳамда ҳаётга бўлган ҳуқуққа оид кўпгина ишларни кўриб чиқади. Булардан баъзилари доирасида Маҳкамама шунингдек бузилган ҳуқуқнинг самарали тикланишга бўлган ҳуқуқлар (13-модда) каби бошқа ҳуқуқларни ҳам кўриб чиқади, хатто Маҳкамама 3-модданинг эҳтимолий бузилишларини моҳиятан кўриб чиқмаётган бўлса ҳам.

“Абдуллоҳ Йилмаз (Abdullah Yilmaz) Туркияга қарши”:⁸⁰ арз ҳарбий хизматни ўтаётганда сержант таркибидаги зобитнинг калтаклаши натижасида ўзининг жонига қасд қилган 20 яшар сафдорнинг отаси томонидан киритилган. Зобитга нисбатан икки жиноий иш очилган. Биринчисининг натижасида зобит 5 ойлик қамоқ жазосига ҳукм этилган, лекин намунали аҳлоқи деб жазони ўташдан дарҳол озод этилган. Иккинчи иш эса зобитнинг қилмиши ва суиқасд ўртасидаги боғлиқлик исботланмагани сабабли тўхтатилган. Маҳкамама давлатлар ўз юрисдикциясидаги шахсларни бошқа шахс ёки мансабдорлардан ҳимоя қилиш позитив мажбурияти мавжудлигини инобатга олган ҳолда, бу мажбурият жумладан ҳарбий хизматни ўтаётган шахсларга ҳам тааллуқли эканлиги ҳақидат тўхтамга келган. Бумажбуриятга шу жумладан ҳарбий хизматга чақирилганларга нисбатан ҳатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги 2-моддага мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин бўлган профессионал ҳарбий хизматчилар орасида юқори касбий малака ва стандартларни таъминлаш мажбурияти ҳам киради. Иш тафсилотлари раҳбарлигига ҳарбий хизматни ўтаётган сафдорларнинг жисмоний ва руҳий даҳлсизлигини таъминлаши керакр бўлган сержант ҳарбий мутахассиснинг маъсулиятига мос бўлмаганидан далолат беради. Маҳкамага кўра, бу норматив-ҳуқуқий базадаги камчиликлардан дарак беради, ва демак, давлат органлари жабрланувчини ўз раҳбарларининг номуносиб ҳаракатларидан муҳофаза қилишга етарлича чора кўрмаган. Маҳкамама шунингдек кўрилаётган иш 2-моддага мувофиқ ҳаётга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш стандартига мос эмаслигини таъкидлаган.

“Мосендж (Mosendz) Украинага қарши”:⁸¹ арз ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳалок бўлган шахснинг онаси томонидан киритилган. Онанинг фикрича, бу ишда Конвенциянинг 2-, 3- ва 13-моддалари бузилган. Ўлим расман ўз жонига қасд этиш сифатида қайд этилган. Маҳкамама ўз ҳукмини айни тусдаги “Сергей Шевченко

80 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Абдулла Йилмаз (Abdullah Yilmaz) Туркияга қарши” (21899/02), 17.09.2008. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-87046>.

81 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Мосендж (Mosendz) Украинага қарши” (52013/08), 17.04.2013. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/fre?i=001-115887>.

Украинага қарши ишига асосланиб чиқарган,⁸² унга кўра, ўз жонига суюқасдишлари умуман олганда ҳаётга бўлган ҳуқуқни истисно қилиш руҳида талқин этилмаслиги лозим. Аксинча, ушбу қоидадан келиб чиқадиган позитив мажбуриятлар, шу жумладан ўз жонига суюқасдеб ҳисобланаётган ҳолларни самарали тергов қилиш процессуал мажбурияти, у ёки бу шахс ўзига зиён етказиши таҳдидидан келиб чиқади. Давлат позитив мажбуриятининг муҳим аспектлари борасида Маҳкамама нафақат уруш даври билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган ҳаётга ёки жисмоний даҳлсизликка таҳдид, балким оддий фуқаро ҳарбий хизматга чақирилганда долзарб тус оладиган инсон фактори билан боғлиқ муносаби нормаларни ҳам қабул қилиш давлатнинг бирламчи вазифаси эканлигин таъкидлаган. Бундай нормалар ҳарбий хизматга чақирилган оддий фуқарони ҳарбий ҳаётга хос таҳдидлардан ҳимоя қилиш билан бирга, турли даражадаги ҳарбий қўмондонлар томонидан қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликларни аниқлашга қаратилган самарали чоралардан иборат бўлиши лозим.⁸³ Миллий амалиётни баҳолаётганда Маҳкамама узоқроқ муддат хизмат қилаётганларнинг хизматга янги чақирилганларга нисбатан шафқатсиз муносабати бўлмиш “дедовщина” амалиётини, бу амалиёт жавобгарсизлик ва чегарадан чиқишга олиб келаётганини инобатга олган. Маҳкамама шунингдек давлатларга муҳокама қилинаётган қоидабузарликни инкор этувчи ишончли далилларни келтириш маъсулияти юкланганини таъкидлаган. Давлат органлари томонидан тақдим этилган далилларни баҳолар экан, Маҳкамама муқобил сабаблар ўрганилмаганлиги, ҳамда терговдаги камчиликлар ва хатолар боис давлат органлари арз қилувчининг фарзанд ўлими борасида самарали тергов ўтказиш мажбуриятини муносаби адо эта олди деб ҳисоблаб бўлмаслигини таъкидлаган. Жабрланувчи ўз жонига суюқасд қилишига ҳарбий раҳбарлари томонидан таҳқирланиши сабаб бўлганлиги аниқлангач, унинг ўлимида давлат айбдор деб топилган. Натижада Маҳкамама ҳам жисмоний, ҳам процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳаётга бўлган ҳуқуқнинг поймол этилиши ҳолатини аниқлаган. Арз қисман Конвенциянинг З-моддасига ҳам тааллуқли бўлгани учун, Маҳкамама З-модда қоидаларининг эҳтимолий бузилиши борасида алоҳида тергов шарт эмаслигини таъкидлаган. Бундан ташқари, Маҳкамама 13-модда бузилганлигини аниқлаган.

“Переведенцевлар Россияга қарши”:⁸⁴ арз ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳалок бўлган шахснинг ота-онаси томонидан киритилган. Маҳкамама бу ишда ҳам узоқроқ муддат хизмат қилаётганларнинг хизматга янги чақирилганларга

82 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Сергей Шевченко Украинага қарши” (32478/02), 04.07.2006. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-73040>. 56-банд.

83 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Килинч (Kilinç) ва бошқалар Туркияга қарши” (40145/98), 07.09.2005. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-69269>. 41-банд.

84 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Переведенцевлар (Perevedentsevy) Россияга қарши” (39583/05), 13.10.2014. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-142516>.

нисбатан шафқатсиз муносабати бўлмиш “дедовщина” амалиётини, бу амалиёт жавобгарсизлик ва чегарадан чиқишга олиб келаётганини инобатга олган. Бу ерда Маҳкамама **“Мосенձ (Mosendz) Украинаға қарши”** ишидаги айни формулировкани келтирган, яъни ҳарбий хизматга чақирилганлар давлат органларининг мутлақ тасарруфида бўлишини, ва демак, ҳарбий хизматнинг ўташ шароитлари ҳам давлат органлари мутлақ қўлида эканлигини таъкидлаган. Шунинг учун ҳам, давлат органлари ҳарбий хизматга чақирилганларни муҳофаза қилиши шарт.

Маҳкамама давлат органлари ҳарбий хизматчининг ҳаётига бевосита ёки билвосита таҳдид борлигини билишини ёки билиши кераклигини, ҳамда бу таҳдидни олдини олиш учун барча зарурый чоралар кўрганлигини текшириб чиқсан. Маҳкамама аниқлашича, давлат органлари бу ҳарбий хизматчининг руҳий тусдаги муаммолари борлигини аввалдан билган, лекин характеристири ва жиддийлиги ҳаётига кейинчалик таҳдид бўлиши мумкин бўлган бу муаммога етарлича аҳамият бермаган ва таҳдидни олдини олиш бўйича тегишли чораларни кўрмаган. Шундай қилиб, Маҳкамама ҳаётга бўлган ҳуқуқнинг бузилиши ҳолатини аниқлаган. Процессуал жиҳатларга келсак, Маҳкамаманинг ҳулосасига кўра, тергов мустақил ва ҳолис бўлган, лекин турли сусткашликлар натижасида тезкор ўtkazilmagan. Маҳкамама шунингдек тергов батафсил ўtkaziliishi талаби бузилганини аниқлаган, чунки тергов жараёнида ҳалок бўлган сафдорнинг хатларида янграган таҳқирлаш, пул товлаш ҳамда ўз хизматдошлари томонидан калтакланаётганлиги ҳақидаги иддаолари текширилмаган. Хизматдошлари ҳам сафдорнинг ўлимидан уч ҳафта ўтиб сўроқ қилинган, шунинг учун уларнинг жисмоний шикастлари битиб кетиши ва кўринмаслиги мумкин эди. Маҳкамама аризачиларнинг яқин қариндош сифатидаги манфаатлари адолатли ва муносиб ҳимоя қилинмаганини, тергов жамоатчилик томонидан муносиб назорат қилинмаганини аниқлаган. Натижада, Маҳкамама ҳаётга бўлган ҳуқуқнинг процессуал жиҳатлари ҳам бузилганини аниқлаган.

“Лялякин (Lyalyakin) Россияга қарши”:⁸⁵ жабрланувчи ҳарбий хизмат давомида унга нисбатан шафқатсиз муомала бўлганини ҳамда ваколатли органлар томонидан бу тергов қилинмагани ҳақида арз киритган. Арздаги шафқатсиз муомала аризачини кийимсиз, яланғоч қилиб қўйиш, бошига тўппонча тираб, отиб ташлаш таҳди迪, жазира мақсадида кимиёвий муҳофаза формасини кийдириб, югиритириш ҳамда пешанасига қизил юлдузни чизиш ва камар билан савалаш ҳамда жинсий зўрлаш таҳдиидидан иборат бўлган. Маҳкамама З-модданинг моҳияти борасида таъкидлаганидек, таҳқир ва азоблар қонун доирасидаги муомала ёки жазонинг ўтиб тушиши лозим. Бошқа шароитда шафқатсиз ёки таҳқирловчи муомала деб малакаланиши мумкин бўлган

85 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Лялякин (Lyalyakin) Россияга қарши” (31305/09), 14.09.2015.
Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-152726>.

муомала баъзан мажбурий ҳарбий хизматда жоиз деб топилиши мумкин, агарда бундай муомала муайян ҳарбий вазифани, масалан, жанговор шароитда сафдор ҳаракатланишини ўргатилаётган имитация вазифасини, амалга ошириш учун лозим бўлганлиги исботланса. Бундай муомала жамоат олдида қилингандиги ҳам уни таҳқирловчи муомала сифатида малакаланишида ён босувчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шахс ҳарбий хизматни инсон шаънига мос шароитларда ўташини; ҳарбий тайёргарлик услуби ва тартиби сабабчи бўлаётган қийинчиллик ва уқубатлар ҳарбий интизомга ҳос бўлган минимал қийинчилклар даражасидан кўпроқ бўлмаслигини; инсон соғлиғи ва фаровонлиги тиббий ёрдам тақдим этиш орқали муносиб кафолатланганлигини таъминлаш давлатнинг бирламчи мажбуриятидир.⁸⁶ Айбловлар “асосли шубҳадан ҳоли” мувофий критерийгага асосланган ҳолда етарли далиллар билан исботланиши лозим, лекин шу билан бирга, улар аниқ, мос ва кучли ҳулосалар ёки фактлари ўхшаш ва инкор этилмаган фаразларга ҳам асосланиши мумкин. Сафдор яланғоч қилиб қўйилиши борасида, Маҳкамама бундай чоранинг лозимлигини исботлайдиган етарли фактлар келтирилмаганини, бу иш жамоа кўз олдида қилингани учун аризачи таҳқирланганини, аризачининг ёши айбни оғирлаштирувчи омил эканлигини таъкидлаган. Шунга асосан Маҳкамама бу масалада З-модданинг қўпол бузилиши содир бўлган деган ҳулосага келган. Бу ҳолат “аризачининг бутун бўлинма кўз олдида яланғоч қилиб қўйилиши З-модда қўлланишига тушадиган даражада шафқатсиз ёки таҳқирловчи муомала эканлиги” борасида Маҳкамама томонидан кўриб чиқилган биринчи иш бўлган.⁸⁷ Бошқа арзларга келсак, Маҳкамама уларни кўриб чиқишни лозим топмади, қисман далиллар камлиги учун, қисман самарали тергов ўтказилмагани боис. Давлат органлари номуносиб муомала ҳақидаги арзни самарали тергов қилмагани учун Маҳкамама З-модданинг процессуал жиҳати бузилганлигини аниқлаган, шу билан бирга 13-модда ҳам бузилган деган тўхтамга келган.

“Мурадян (Muradyan) Арманистонга қарши”:⁸⁸ аризачи ҳарбий хизматни ўтаётган даврда қорнига, ҳусусан қораталоғига берилган зарбалар натижасида вафот этган сафдорнинг отаси бўлган. Аризачига кўра, армияда ўғлига нисбатан шафқатсиз муомала бўлган, унга ўз вақтида тиббий ёрдам берилмаган, давлат органлари ҳам ишни ёпди-ёпди қилишган. Маҳкамама бу ишда ҳам аввалги формулировкага мурожаат қилган, яъни ҳарбий хизматга чақирилганлар давлат органларининг мутлақтасарруфида бўлгани учун давлатуларга маъсулдир, ва демак, ҳарбий хизмат

86 Инсон ҳукуқлари Европа Маҳкамаси. “Чембер (Chember) Россияга қарши” (7188/03) иши, 01.12.2008. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-87354>. 49-банд

87 Европа Кенгаши – Инсон ҳукуқлари Европа Маҳкамаси амалиётининг таҳлили 2015 (Wolf Legal Publishers, 2016). Ҳавола: https://www.echr.coe.int/Documents/Short_Survey_2015_ENG.pdf. 72-бет.

88 Инсон ҳукуқлари Европа Маҳкамаси. “Мурадян (Muradyan) Арманистонга қарши” (11275/07), 24.02.2017. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-168852>.

даврида олинган ҳар қандай шикаст ёки ўлим учун давлат асосли тушунтиришлар келтириши шарт. Самарали тергов ўтказиш мажбурияти натижа эмас, ҳаракат мажбуриятидир: давлат ушбу ҳодиса бўйича далилларни, ҳусусан гувоҳларнинг кўрсатмаларини, суд-мед экспертиза ҳулосаларини, шу жумладан мурдан ёриш натижасида олинган клиник ҳулосаларни сақлаш учун барча мазмунли чораларни кўриши лозим. Ундан ташқари, тергов ҳулосалари барча тегишли элементларнинг батафсил, ҳолис ва ҳақоний таҳлилига асосланиши керак. Ҳаётга бўлган ҳуқуқнинг процессуал жиҳатини баҳолаган Маҳкаманинг таъкидлашича, айбор мансабдор шахслар ўзаро келишиб олиши ҳавфини олдини олиш учун етарлича чоралар кўрилмаганлиги терговнинг жиддий камчилиги бўлган. Маҳкамама шунингдек тергов давомида шафқатсиз муомала ҳақидаги аризалар етарлича кўриб чиқилмаганига; ўзидан кўрқсан гувоҳларга ишониб бўлмаслигига, бу қўрқувни олдини олиш учун ҳеч нарса қилинмаганига; ишда бир-бирини инкор этувчи тиббий ҳулосалар мавжудигига эътибор қаратган. Бундан ташқари, терговда арзнинг кўпгина жиҳатлари, шу жумладан ғурраларнинг келиб чиқиши тегишлича ўрганилмаган. Маҳкамама таъкидлашича, ишни кўриб чиқиш давомида Арманистон Қуролли кучлари сафида ҳукмрон бўлган шафқатсиз муомала ва маъсулиятсизликка бутун бошли бўйим бағишиланган Европа Кенгашининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссарининг ҳисоботи ҳам эътиборга олинган. Шундай қилиб, Маҳкамама ҳаётга бўлган ҳуқуқнинг процессуал жиҳатларида бузилиш содир бўлган деган тўхтамга келган. Бу тўхтамга асосланган ҳолда Маҳкамама 3- ёки 13-модданинг бузилганлигини кўриб чиқишни лозим топмади.

“Залин (Zalyan) ва бошқалар Арманистонга қарши”:⁸⁹ арз икки собиқ ҳарбий хизматчи томонидан киритилган. Аризачиларга кўра, улар иккиси сафдорнинг гўлимида айбланиб ҳибста олинган ва ҳибса қийноқ ва бошқа шафқатсиз муомалага дучор бўлган, бу ҳақидаги шикоятлари эса тергов қилинмаган. Маҳкаманинг аниқлашича, аризачилар уларга нисбатан 3-модда бузилганлиги борасида, ҳусусан тақдим этган тиббий ҳулосаларида, етарли далилларни келтира олмаган. Шу билан бирга, Маҳкамама уларнинг ишидаги терговда жиддий камчиликлар бўлганини эътироф этган. Маҳкаманинг ҳулосасига кўра, давлат органлари бу собиқ ҳарбийларнинг ҳибса қийноқ ва бошқа шафқатсиз муомалага дучор бўлганлиги ҳақидаги шикоятларини муносиб тергов қилмаган. Маҳкаманинг таъкидлашича, полиция ёки бошқа мутасадди давлат органлари 3-модданинг бузганлиги ҳақида арз ёки ишончли иддао қилинганида, қоидага кўра, расмий ва самарали тергов ўтказилиши шарт.

89 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Залин (Zalyan) ва бошқалар Арманистонга қарши” (36894/04 ва 3521/07), 17.06.2016. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-161408>

“Стяжкова (Styazhkova) Россияга қарши”:⁹⁰ арзни ҳарбий хизматни ўтаётган даврда биқини ва бош тарафида икки ўқ жароҳати натижасида ўлик топилган сафдорнинг онаси киритган. У 2-, 3- ва 6-моддалар бўйича арз қилган. Мазмуний жиҳатдан 2-моддани кўриб чиқаётган Маҳкаманинг таъкидлашича, бу арз ҳарбий хизматга чақирилган руҳий касал бўлган инсон ўз жонига қасд қилиши (“Малик Бабаев (Malik Babayev) Озарбайжонга қарши”), ёки шахс салмоқли вақт давом этган қатор тадрижий воқеалар натижасида ўз жонига қасд қилиши кўриб чиқилган ишлардан (“Абдуллоҳ Йилмаз (Abdullah Yilmaz) Туркияга қарши”) мазмунан фарқланади. Ҳарбий хизматга чақирилган шахсга нисбатан қилинган нодуруст муомала ва унинг ўз жонига қасд қилиши ўриасида қисқа вақт ўтган, бу шароитда ҳарбий раҳбарлар ўз жонига қасд қилиш таҳди迪 мавжудлигини аввалдан кўра олмаслиги ва буни олдини ола олмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда инсон кайфияти ўзгарувчанлигини инкор қилиб бўлайдиган омил сифатида қабул қилиб, давлатларнинг позитив мажбуриятини давлат органига у бажара ёки эплай олмайдиган номутаносиб маъсулиятни юклашдан тийилиш маъносида талқин қилиш лозим. Давлат органларида аризачининг ўғли ўз жонига суюқасд қилиши мумкинлигига ишорат қилувчи, буни олдини олиш учун чора кўришга ҳеч қандай асос ёки далил бўлмагани учун Маҳкамама мазмунан 2-модданинг бузилганлиги фактини аниқламади. Процессуал жиҳатдан Маҳкамама тезкор, ҳолис ва жамоатчилик назоратида ўтказилган терговдан мамнун эканлигини таъкидлаган. Лекин, ўлимнинг ўз жонига қасд қилишдан бошқа эҳтимолий сабаблари тафтиш қилинмагани, сафдорни калтаклаган хизматдошлари аниқланмагани ҳамда жиноий суд амалиётида тегишли тартибга амал қилинмагани боис Маҳкамама 2-моддадан келиб чиқувчи процессуал мажбуриятлар бузилганлиги аниқлаган, ва шунинг учун 3- ёки 13-модданинг процессуал жиҳатларини ўрганишни лозим топмаган. Маҳкамама, шунингдек, шафқатсиз ёки ҳаёт учун ҳавфли муомала билан боғлиқ жиноятни содир этган шахслар авф қилиниши ножоиз эканлигини таъкидлаган. Демак, амнистия ҳақидаги қарор тергов даврига тўғри келганда ҳам, тегишли ҳукуқларни бузганинг айбини аниқлаш учун тергов ҳаракатларини бекор қилинмаслиги лозим эди. Мазмунан 3-моддани муҳокама қилган Маҳкамама давлат органлари берган маълумотлар асосида ушбу модда бузилганлигини аниқлаган. Маҳкаманинг хулосасига кўра, ҳарбий хизматга чақирилган қурбонга берилган жазо унинг қаттиқ жисмоний азобланишига, таҳқирланишига сабаб бўлган ҳамда ҳарбий интизом учун хос бўлган қийинчиликлар ва нодуруст муомаланинг минимал даражасидан анча юқори бўлган.

90 Инсон ҳукуқлари Европа Маҳкамаси. “Стяжкова (Styazhkova) Россияга қарши” (14791/04), 14.01.2020.
Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-200311>.

4. Бошқа арзлар

Инсон ҳуқуқлари Европа Маңқамаси. “Ябансу (Yabansu) ва бошқалар Туркияга қарши” (43903/09) иши, 12.02.2014. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-128041>.

Инсон ҳуқуқлари Европа Маңқамаси. “Чембер (Chember) Россияга қарши” (7188/03) иши, 01.12.2008. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-87354>.

Инсон ҳуқуқлари Европа Маңқамаси. “Малик Бақаев (Malik Babayev) Озарбайжонга қарши” иши 01.09.2017. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-173776>.

Инсон ҳуқуқлари Европа Маңқамаси. “Плачи (Placi) Италияга қарши” иши (48754/11), 21.04.2014. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/fre?i=001-140028>.

Эътиқод ва фикр эркинлиги

1. Таърифи ва ҳуқуқий ҳужжатлар

Жон Стюарт Милл (John Stuart Mill) “бутун одамзод бир фикрда бўлса-ю, биттагина одам бу фикрнинг аксида сабит турса, одамзод унинг овозини ўчиришга ҳеч қандай ҳаққи бўлмаганидек, бу якка инсоннинг ҳам, гарчи бунга етарли қудрати бўлса ҳам, қолганларнинг овозини ўчиритиришга ҳаққи йўқ” лигини таъкидлаган. Миллнинг қўшимча қилишича, “маданий жамиятда бирор шахсга нисбатан куч фақатгина бошқа бир шахсга нисбатан зиённи олдини олиш мақсадидагина қўлланиши мумкин”.⁹¹ Сўз ва фикр эркинлиги жонли демократиянинг ҳаётий манбаси бўлиб, у очиқ мунозара орқали турли манфаат ва нуқтаи назарларни эътиборга олинишини, келишган ҳолда сиёсий қарорларни қабул қилишга кўмаклашади.⁹²

Сўз эркинлиги ҳуқуқи аксар ҳалқаро ҳужжатларда, шу жумладан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (ИҲУД), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пакт (ФСҲХП), Банжуль хартияси, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа Конвенцияси, Асосий эркинликлар бўйича Европа Иттифоқининг Хартияси, Фикр билдириш ҳуқуқининг тамоийларининг декларациясида кўзда тутилган.⁹³

ИҲУД 19-моддасида таъкидланишича, “ҳар бир инсон фикр эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз фикрига эга бўлиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита орқали, давлат чегараларидан қатъий назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади”. БМТ Инсон ҳуқуқлари Қўмитасининг баёнотида айтилишича, фикр эркинлиги ва фикрни ифодалаш эркинлиги баркамол шахс сифатида шаклланишнинг зарурый шартларидан бўлиб, ҳар қандай жамият учун ўта муҳим ҳисобланади, бу эркинликлар озод ва демократик жамиятнинг асосини ташкил этади. Бу икки эркинлик ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, фикрни ифодалаш эркинлиги фикрлар алмашинуви ва фикр ҳосил бўлиниши воситасидир.⁹⁴ EXХТ ҳам ҳар ким ўз фикрини

91 John Stuart Mill. 1863. On Liberty. Boston: Ticknor and Fields. 35-6.

92 Фридом Хаус (Freedom House). Фикрни ифодалаш эркинлиги. Ҳавола: <https://freedomhouse.org/issues/freedom-expression>.

93 Ҳужжатлар рўйхати учун: <https://www.ohchr.org/EN/Issues/FreedomOpinion/Pages/Standards.aspx>.

94 Инсон ҳуқуқлари Қўмитасининг 102-сессияси, 11-29 июль 2011 йил. Умумий тарздаги изоҳ № 34. Ҳавола: <https://www2.ohchr.org/english/bodies/hrc/docs/gc34.pdf>

ифодалаш, жумладан муроқат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини урғулайди. Бу ҳуқуқ ўз фикрига эга бўлиш эркинлигини ҳамда давлат амалдорлари ёки чегараларидан қатъий назар, фикр излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади. Бу ҳуқуқ фақатгина халқаро стандартларга мувофиқ тарзда қонунчиликда кўзда тутилган чекловлар орқали чекланиши мумкин.⁹⁵

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенциясининг 10-моддасида айтилишича, “ҳар ким ўз фикрини эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуққа ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни давлат амалдорлари ёки давлат чегараларидан қатъий назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади. Ушбу модда Давлатларга радио, телевидение ва кинематография соҳасида лицензиялаштиришига тўсқинлик қилмайди”. Моддада вазифалар, маъсулиятлар ва эҳтимолий чекловларга ҳам тўхталган. “Мажбурият ва маъсулиятни келтириб чиқарадиган ушбу эркинликларга амал қилиш муайян чекловлар, шартлар ёки санкциялар каби расмий чоралар орқали чекланиши мумкин. Демократик жамиятда зарурий бўлган ва қонунчиликда белгиланган ушбу расмий чоралар миллий хавфсизлик ва ҳудудий яхлитликни таъминлаш, оммавий тартибсизлик ёки жиноятларни олдини, умум фаровонлиги ва соғлиқини сақлаш, бошқа шахсларнинг шаъни ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, конфиденциал тарзда олинган маълумотлар тарқаб кетишини олдини олиш, судлов ҳолислигини ва нуфузини таъминлаш мақсадидагина қўлланиши мумкин”⁹⁶. Маҳкамама кейинчалик ўз қарорларида “10-модда нафақат ғоя ва ахборот моҳиятини, балким улар ифодаланган шаклини ҳам ҳимоя қиласди” деб яънада аниқлаштирган.⁹⁷

Маҳкамама ўз амалиётида 10-модда Интернетга ҳам тўлиқ тааллуқли эканлигини тасдиқлаган.⁹⁸ 10-модда нафақат шахснинг ахборот тарқатиш ҳуқуқини, балким жамоатчиликнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқини ҳам кафолатлади. Интернет жамоатчилик ахборот олишида ва уни тарқатишида асосий воситалардан бири бўлгани, сиёсий ҳамда жамоат ҳаётига тааллуқли масалаларни мухокама қилинишига муҳим шарт-шароит яратишини ҳисобга олиб, интернет ҳам

95 EXXX 1990 йилдаги Копенгаген ҳужжатлари. Ҳавола: <https://www.osce.org/odihr/elections/14304?download=true>

96 ИХЕК, 10-модда

97 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “News Verlags GmbH & Co.KG Австрияга қарши” (31457/96), 11.04.2000. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-58587>. 39-банд.

98 Европа Кенгаши: Информацион жамият ва ОАВ бўйича Етакчи қўмита. 2014. 1197 Йиғилиш – 5 ОАВ “Вазирлар Кўмитасининг Интернет фойдаланувчиларининг инсон ҳуқуқлари борасидаги CM/Rec(2014)6 Тавсияси – Изоҳловчи меморандум”. Ҳавола: <https://rm.coe.int/CoERMPublicCommonSearchServices/DisplayDCTMContent?documentId=09000016804d5b31>. Қаранг: Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. 2020. Маълумотнома – Янги технологиялар. Ҳавола: https://www.echr.coe.int/Documents/FS_New_technologies_ENG.pdf.

10-модда таъминлайдиган ҳимоя доирасига кириб кетади.⁹⁹ Маҳкаманинг таъкидлашича, “Интернетнинг оммаболлиги ҳамда улкан маълумотлар ҳажмини узатиш ва сақлаш имкониятларини ҳисобга олсак, интернет жамоатчиликнинг ахборот олиш ва тарқатиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим ўрин тутади. Фойдаланувчиларнинг интернетдаги фаоллиги фикр ифодалаш эркинлигини рўёбга чиқаришда бекиёс платформа сифатида хизмат қилмоқда”.¹⁰⁰

Интернет қуролли кучларда ҳам муҳим коммуникация воситасига айланган, жумладан ҳарбий хизматга чақирилган хизматчилар учун ҳам, шунинг учун улар интернетдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши керак, агарда бу миллий қонунчиликка ва жойлардаги ҳавфсизликка зид бўлмаса. Ҳарбий хизматга чақирилган шахслар муайян шартлар доирасида ўз фикрига эга бўлиш ҳамда давлат органлари аралашувисиз, давлат чегараларидан қатъий назар ахборот ва ғояларни тарқатиш ҳуқуқига эга. Улар шунингдек ахборот олиш, баъзиларда ҳарбий қўмондонлар ихтиёридаги ахборотни ҳам олиш ҳуқуқига эга.¹⁰¹ Бу қоидага эҳтиром ва тўлиқ риоя қилиш қуролли кучлар учун ўта муҳим. ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари Бюросининг маъсул ходими Грациэлла Павоненинг (Graziella Pavone) таъкидлашича, “сўз эркинлиги ўзини ифодалаш, мулокот ва ҳамкорлик билан боғлиқ бўлгани учун Қуролли кучлар бу эркинликни рўёбга чиқаришда кўмаклашиши зарур, чунки бу армиядаги шаффоффлик ва юқори маънавиятга ижобий таъсир қиласи”¹⁰².

2. Фикр эркинлигини чеклаш ёки уни рўёбга чиқаришга тўскинлик қилиш

Фикрни ифодалаш ҳуқуқи мутлақ ҳуқуқ тоифасидан бўлмагани учун баъзи шароитларда чекланиши мумкин. ФСҲТХП 19-модданинг З бандига кўра, бу чеклашлар қонун билан белгиланиши ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрў-эътиборини ҳурмат қилиш учун; давлат ҳавфсизлигини, жамоат тартибини,

99 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Times Newspapers Ltd Қўшма Қироллигига қарши” иши (3002/03 ва 23676/03), 10.06.2009. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-91706>. 27-банд ва Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Ченгиз (Cengiz) ва бошқалар Туркияга қарши” (48226/10 и 14027/11), 01.03.2016. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-159188>. 49-банд.

100 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Ченгиз (Cengiz) ва бошқалар Туркияга қарши” (48226/10 ва 14027/11), 01.03.2016. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-159188>. 52-банд.

101 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Тарласаг а Жабадсагйогокерт (Társaság a Szabadságjogokért) Венгрияга қарши” (37374/05), 14.07.2009. Ҳавола: http://hudoc.echr.coe.int/_eng?i=001-92171. 20-банд

102 ЕХХТ. Ҳарбий хизматдаги сўз ва фикрлаш эркинлиги ДИИХБ ва ЕАВОП дикқат марказида, 17 сентябрь 2018 йил. Ҳавола: <https://www.osce.org/odihr/395732>.

аҳоли саломатлигини ёки ахлоқини муҳофаза этиш учун зарур бўлиши лозим. Юқорида қайд этилганидек, Конвенциянинг 10(2)-моддасига кўра, ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиш алоҳида мажбуриятлар ва алоҳида масъулият юклайди, шунинг учун айрим чеклашлар билан боғлиқ бўлиши мумкин, лекин бу чеклашлар “қонун билан белгиланиши”, “демократик жамият учун зарурий бўлиши” ҳамда бир ёки бир неча аввалдан белгиланган мақсадлар манфаатида бўлиши лозим. “Жамоатдаги тартибсизлик ёки жиноятни олдини олиш” ҳарбий хизмат контекстида “аниқ ижтимоий гуруҳ доирасидаги” бетартибсизлик профилактикасини назарда тутиши белгиланган, ва демак, ҳарбий интизомни сақлаб туришни қамраб олади (“Энгель (Engel) Нидерландларга қарши”). 10-моддада кўзда тутилган ҳуқуқларнинг чеклаш масаласига келсак, муайян чеклов ёки тақиқ ва/ёки жазоларнинг қонунийлиги борасида савол туғилиши мумкин. Зўравонликка ундаш 10-модда билан таъминланадиган ҳимоя доирасига кирмайди, агарда зўравонликка ундаш мақсадида тўғридан-тўғри формулировкалардан фойдаланилган бўлса ва бунинг натижасида зўравонлик амалга ошиши реал эҳтимоли пайдо бўлса. Озчиликларга нисбатан нафрат руҳидаги баёнотлар ҳам 10-модда билан ҳимоя қилинмайди.¹⁰³ Ушбу 10-моддада шунингдек ҳуқуқларни суиистеъмол қилишнинг тақиқловчи 17-модданинг қоидалари билан бирликда таҳлил қилиниши мумкин, унга кўра Конвенциядаги ҳеч нарса бирон-бир давлат, бирон-бир шахслар гуруҳи ёки бирон-бир шахс Конвенцияда эътироф этилган ҳуқуқлар ва эркинликларни бекор қилиш ёки уларни Конвенцияда назарда тутилганидан кўпроқ даражада чеклашга қаратилган бирон-бир фаолият билан шуғулланиш ёки бирон-бир ҳаракатни содир этиш ҳуқуқига эга деб талқин қилиниши мумкин эмас. Демак, 10-модда сабабсиз ҳақорат ёки этник зўравонлик масаласи кўриб чиқилаётган ишларда татбиқ этилмайди.¹⁰⁴ Масалан, “Рујак (Rujak) Хорватияга қарши” ишида¹⁰⁵ аризачи бошқа ҳарбий хизматчи билан ўзаро мунозарада ишлатган иборалари учун олган тарбиявий жазоси борасидаги шикояти 10-модда амал доирасига кирмайди.¹⁰⁶ Маҳкаманинг тўхтамига кўра, “ягона мақсади таҳқирлаш бўлган муайян иборалар, ҳусусан беадаб ва уят иборалари, фикрни ифодалашда муҳим ўринга эга эмас”.¹⁰⁷ Ушбу 10-модда бўйича ҳимоя татбиқ этилган ҳолларда, модданинг ўзида давлат фикрни ифодалаш эркинлигига тўсиқ қўйиши ёки чеклаши мумкин бўлган мақсадлар келтирилган. Маҳкама ҳарбий хизматда 10-моддада белгиланган

103 Dominika Bychawska-Siniarska. 2017. Protecting the right to freedom of expression under the European Convention on Human Rights: A handbook for legal practitioners. Council of Europe. Ҳавола: <https://rm.coe.int/handbook-freedom-of-expression-eng/1680732814>.

104 Karen Reid. 2015. A Practitioner’s Guide to the European Convention on Human Rights (5th Edition, Sweet and Maxwell), 368-6.

105 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Владимир Рујак (Vladimir Rujak) Хорватияга қарши” ишидаги биринчи тўхтам (57942/10), 02.10.2012. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-114145>.

106 Karen Reid. 2015. A Practitioner’s Guide to the European Convention on Human Rights (5th Edition, Sweet and Maxwell), 368-6.

107 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Владимир Рујак (Vladimir Rujak) Хорватияга қарши” ишидаги биринчи тўхтам (57942/10), 02.10.2012. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-114145>. 29-банд

ҳуқуқларни чекловчи чораларнинг қонунийлигини бир неча бор кўриб чиқсан. Бундай чекловларнинг диққатга сазоворларидан бири ҳарбий хизматчининг жамоатчилик ахборотини олиш имконияти билан боғлиқ. Маҳкамама эътироф этишича, қуролли кучларнинг муносаби фаолият юритиши ҳарбий интизомнинг бузилишини олдини олувчи қоидаларни тақозо этади. Баъзи ҳолларда бу муайян ахборотларни (масалан, миллий хавфсизлик билан боғлиқ маҳфий ахборот) олиш қонунан чекланишини англатади.¹⁰⁸ Бу эса қуролли кучлар қайсиdir даражада давлатнинг акси бўлгани учун, улар сафида хизмат ўтаётганларнинг фикр ифодалаш эркинлиги ҳарбий хизматнинг моҳиятига мувофиқ муайян тарзда чекланиши мумкинлиги ҳақидаги кенгроқ тасаввурнинг ифодасидир. Ҳарбийлар, масалан, ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқи асосли равишда чекланиши жоиз бўлган ҳарбий амалиётда ёки дала машқларида иштирок этаждан бўлиши мумкин. Бу фараз муддатли ҳарбий хизматга илк бор чақирилган шахсларга ҳам, профессионал ҳарбийларга нисбатан ҳам тааллуқлидир, гарчи уларга нисбатан муомала турлича ва нотенг бўлиши мумкин бўлса ҳам. Энгель (Engel) ишида Маҳкаманинг таъкидлашича, армияга хос бўлган иерархик тузилма ҳарбийнинг рутбасига қараб дифференциацияни тақозо этади. Ҳар бир рутбанинг ўзига яраша мажбурияти бор, бу эса ўз навбатида интизомий чораларни қўллашдаги муайян нотенгликни оқлади.

Шундай қилиб, Европа конвенцияси давлатнинг ваколатли органларига ҳарбий хизматчиларнинг турли категориялари билан фарқли муомалада бўлишда салмоқли эркинликни беради.¹⁰⁹

Маҳкамама шунингдек эътироф этишича, ҳарбий хизматга чақирилган шахслар фикрни ифодалаш эркинлиги қонунан чекланган каби шароитларда бўла туриб ҳам ҳарбий интизом ва қоидаларга амал қилиши, миллий хавфсизлик билан боғлиқ турли вазифаларни бажариши зарурдир. Албатта, ҳарбий интизомни таъминлаш важининг якка ўзи фикрни ифодалаш эркинлигини чеклашга қаратилган барча чораларни оқлаш учун етарли эмас. “Йокшас (Jokšas) Литвания қарши” ишида Маҳкамама чиқарган хулосага кўра, гарчи Иштирокчи-давлатлар ҳарбий интизомга “реал таҳдид” мавжуд бўлганда қонуний асосда фикрни ифодалаш эркинлигига чекловлар жорий этиш ҳуқуқига эга бўлса-да, улар фикрни бўғиши учунгина бундай чекловларни жорий эта олмайди, бу фикрлар институт сифатидаги армияга қарши билдирилган бўлса ҳам.¹¹⁰

108 Karen Reid. 2015. A Practitioner’s Guide to the European Convention on Human Rights (5th Edition, Sweet and Maxwell), 366-367 -6.

109 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Энгель (Engel) ва бошқалар Нидерландларга қарши” (5100/71; 5101/71; 5102/71; 5354/72; 5370/72), 08.06.1976. Хавола: <http://hudoc.echr.coe.int/tur?i=001-57479>.

110 Stefan Kirchner & Vanessa Maria Frese. 2014. The Freedom of Expression of Members of the Armed Forces Under the European Convention on Human Rights in Jokšas v. Lithuania. Baltic Journal of Law & Politics 7:1. 12–28 6.

Маҳфий маълумот ва давлат сири ҳарбий хизматнинг ажралмас қисми бўлиб, бу соҳада миллий ҳавфсизлик нуқтаи назаридан фикр ифодалаш эркинлигига нисбатан муайян қўшимча чекловлар киритилиши мумкин. “**Хаджианастассиу (Hadjianastassiou) Гречияга қарши**” ишида ҳарбий хизматчи маҳфий тоифадаги маълумотни тарқатиб юборгани учун жазолангани кўриб чиқилган. Ҳарбий хизматчи муайян қурол ҳақида муайян маълумотни тарқатиб юборган, шунинг учун ҳам миллий ҳавфсизликка жиддий путур етказганликада айбдор деб топилган. Маҳкаманинг қарорига кўра, айблов фикрни ифодалаш эркинлигига нисбатан қўйилган чеклов бўлса ҳам, аслида асосли бўлган.¹¹¹

Чекловлар шунинdek Қуролли кучларнинг сиёсий бетарафлигини таъминлаш билан ҳам асосланиши мумкин. Бундай асос ҳалқаро қонунчиликда ҳам, инсон ҳуқуқлари борасидаги процессуал нормаларда ҳам тан олинган. ЕХХТ ҳарбий-сиёсий ҳавфсизлик борасидаги Аҳлоқ кодексининг 23-бандида давлатнинг алоҳида ҳарбий хизматчининг фуқаровий ҳуқуқларини таъминлаш мажбурияти билан бир қаторда ўз қуролли кучларининг сиёсий бетарафлигини ҳам таъминлаши лозимлиги таъкидланган.¹¹² 2011 йилда Афғонистондаги НАТО ва АҚШ қўшинларининг қўмондони генерал Джон Р. Аллен (John R. Allen) НАТО ўқув миссияси раҳбарининг ўринбосари, генерал- лейтенант Питер Фуллерни (Peter Fuller) ишдан бўшатиб юборган. Бунга Фуллернинг Афғонистон президенти Қорзой ҳақида жамоатчиликка берган ножӯя изоҳлари сабаб бўлган. Фуллер Қорзойни беқарор ва гапини эплаб гапира олмайдиган раҳбар деб атаган, ҳамда афғон сиёсати ҳақида бошқа танқидий мулоҳазалар билдирган.¹¹³ Қуролли кучларнинг сиёсий бетарафлиги масаласи “Реквенъи (Rekvényi) Венгрияга қарши” иши доирасида ҳам муҳокама қилинган.¹¹⁴ Ишда полиция ва ҳавфсизлик органлари ходимларига сиёсий партияга аъзо бўлиш ёки бошқа сиёсий фаолият билан шуғулланиш тақиқланиши ҳақидаги конституциявий ўзгартиришлар кўриб чиқилган. Аризачига кўра, Венгрия конституциясининг 40/B-моддасидаги сиёсий фаолиятга қўйилган тақиқ унинг фикр ифодалаш эркинлигини асоссиз чеклаш бўлиб, Конвенциянинг 10-моддасининг қўпол бузилишидир. Маҳкаманинг изоҳига кўра, давлат хизматчиларининг муайян тоифасига, ҳусусан полиция ходимларига, сиёсий фаолликдан тийилиш мажбуриятининг юклатилиши тегишли хизматларнинг сиёсатга аралashiшини олдини олишга қаратилган бўлиб, мамлакатда плюралистик

111 Dominika Bychawska-Siniarska. 2017. Protecting the right to freedom of expression under the European Convention on Human Rights: A handbook for legal practitioners. Council of Europe.
Ҳавола: <https://rm.coe.int/handbook-freedom-of-expression-eng/1680732814>.

112 ЕХХТ. 1994. Ҳавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий қирраларига оид аҳлоқ Кодекси. 3 декабрь 1994 йил.
Ҳавола: <https://www.osce.org/fsc/41355?download=true>.

113 Rod Nordland, 5 November 2011. General Fired Over Karzai Remarks. New York Times. Ҳавола: <https://www.nytimes.com/2011/11/06/world/asia/us-general-fired-over-remarks-about-karzai.html>.

114 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Реквенъи Венгрияга қарши”, 20.05.1999.
Ҳавола: <https://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-58262>

демократияни қўллаб-қувватлаш учун зарурийdir. Полициячилар фуқароларнинг ҳатти-ҳаракатини тартибга солиш ваколатига эга, баъзи давлатларда уларга ўз вазифасини бажараётганда қуролдан фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Шунинг учун ҳам, фуқаролар полиция ходими билан тўқнашгудек бўлса, полициячидан сиёсий бетараф муомалани кутишга ҳақлидир, бунинг акси эса полициячи ўз вазифасини сиёсий қарашларидан ҳоли бўлмаган тарзда бажаришига олиб келиши мумкин. Маҳкаманинг фикрича, сиёсий фаолиятга руҳсат полиция жамиятдаги ўз муҳим вазифасини ҳолисона бажаришига тўсқинлик қилиши мумкин, шунинг учун ҳам баъзиларда полициячиларнинг фикр ифодалаш эркинлигига чеклов қўйиш демократик тамоилларга мувофиқдир.¹¹⁵ Ҳудди шундай ёндашув ҳарбий хизматчиларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.¹¹⁶ Муддатли ҳарбий хизматга чақирилганларнинг бу соҳадаги ҳуқуқлари бузилганлигини кўриб чиқиш амалиёти мавжуд бўлмагани учун, уларга сиёсий нейтралитет талаби ва бу билан боғлиқ чекловлар нақадар тааллуқли эканлиги ноаниқдир. Бир томондан, муайян чекловлар муддатли ҳарбий хизматга чақирилганларга нисбатан ҳам қўлланишини кутиш адолатдандир. Иккинчи томондан эса, ҳарбий хизматга чақирилганларнинг мақоми профессионал ҳарбийлар мақомидан фарқланади. Ҳарбий хизматга чақирилганлар ўз эркинликларини чекланишига розилигини билдирамаган, ҳарбий ҳизматчи сифатидаги мақоми эса муайян муввақатдир. Бундан ташқари, уларнинг вазифаси жанговор шайлик билан чекланади, уларга бошқа ваколат берилмаган. Демак, ҳарбий хизматга чақирилганларга нисбатан профессионал ҳарбийларга қўйладиган чекловларнинг қўйилиши номутаносибликни келтириб чиқаради. Бу ерда “фаол” ва “нофаол” сиёсий иштирокни фарқлаш адолатдан бўлса керак. Ҳарбий хизматга чақирилганлардан фаол сиёсий иштирокини (масалан, сайловолди кампанияларда, йиғилишларда иштироки, сиёсий талаблар билан чиқиш ва ҳ kz) ҳизмат даврида тўхтатиб туриш талаб этиш жоиз бўлса, улардан нофаол сиёсий иштирокни, масалан, сиёсий партиядаги аъзолигини тўхтатишни талаб қилиш ножоиз бўлса керак.

Умуман олганда, ҳарбий интизом, миллий ҳавфсизлик, оммавий тартибсизлик ва жиноятни олдини олиш, маҳфий маълумотларни ҳимоя масалалари ҳарбий ҳизматга чақирилган шахсларнинг фикр ифодалаш эркинлигини чеклаш ва тўсқинлик қилишда давлат учун асос бўла олади. Масалан, Энгел (Engel) ишида Маҳкама 10-модда билан таъминланган фикр билдириш эркинлиги жумладан ҳарбий хизматчиларга ҳам тааллуқли эканини яна бир бор таъкидлаган. Лекин армиянинг муносиб фаолияти ҳарбий хизматчилар ҳарбий интизомни бузишига

115 Инсон ҳуқуқлари Евropa Маҳкамаси. “Реквенъи Венгрияга қарши”, 20.05.1999. Ҳавола: <https://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-58262>

116 DCAF, ЕХТ/ДИИХБ. 2008. Ҳарбий хизматчиларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари хақида Маълумотнома. Ҳавола: <https://www.dcaf.ch/sites/default/files/publications/documents/HandbookHumanRightsArmedForces-080409.pdf>

йўл қўймайдиган ҳуқуқий режимни тақозо этади, Маҳкамама ҳарбий хизматчига “конкрет вазифа ва маъсулнот” юкландиганинга ҳам кўз юмолмайди.¹¹⁷ Шунинг учун ҳам давлат маҳфий маълумотни ошкор қилган ва тарқатиб юборган аризачиларни жазолаши Конвенциянинг 10-моддасининг бузилиши деб топилмаган.

“Ле Кур Гранмезон (Le Cour Grandmaison) ва Фриц (Fritz) Францияга қарши” ишида ҳам айни шу масала кўтарилиган. Германия Федератив Республикасида хизмат ўтаётган шикоятчиларга шартли бир йиллик қамоқ жазоси белгиланган эди. Улар француз ҳарбийларининг Германия тупроғида туришини танқид қилиб, француз қўшинларини Германиядан олиб чиқиб кетилишини талаб қилган варақаларни сафдошлари орасида тарқатгани учун тартибсизликлар чиқаришда айбланган. Шикоятчиларга кўра, Ҳарбий адлия кодекси ва Армиядаги умумий интизом қоидалари ҳақидаги Низомнинг қўлланилиши уларнинг фикр, эътиқод ва эркинлигини чеклаш бўлиб, Конвенциянинг 9- ва 10-моддаларига зиддир. Маҳкамама бу фикрга қўшилмаган, шикоятчиларга берилган жазо миллий хавфсизлик ҳимояси ва қуролли кучларда тартибсизликни олдини олиш ҳавотири билан асосланганлигини таъкидлаган.¹¹⁸

Бу ишлардан фарқли арз сифатида “Австрия солдатларининг демократик имтифоқи (Vereinigung demokratischer Soldaten Österreichs) ва Губи (Gubi) Австрияга қарши” ишини келтириш мумкин.¹¹⁹ Маҳкаманинг фикрича, армияда тарқатиладиган даврий матбуот рўйхатига муайян журнални қўшишдан бош тортиш қуролли кучларни сафида тартибни сақлаш ҳавотири билан ҳақли равища изоҳлнаса ҳам, лекин бундай қарор мақсаддага мувофиқ бўлмаган, чунки ушбу журнал “танқидий ва сатирик руҳда” бўлса ҳам, унда оммавий тартибсизликлар ёки зўравонликка чақирилмаган, шунчаки камчиликлар ва бу камчиликларни бартараф этиш йўллари аниқ кўрсатилган. Бу танқид ва таклифлар “демократик жамиятда ҳам, ушбу жамиятга хизмат қилаётган армияда ҳам мақбул бўлган” чегаралар доирасида изҳор қилингани Маҳкамама томонидан эътироф этилган. Ҳудди шундай, “Григориадес (Grigoriades) Грецияга қарши”¹²⁰ ишида ҳам ҳарбий хизматга сафарбар этилган зобитнинг ўз қўмондонига йўллаган мактубида “қизишиб

117 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Энгель (Engel) ва бошқалар Нидерландларга қарши” (5100/71; 5101/71; 5102/71; 5354/72; 5370/72), 08.06.1976. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/tur?i=001-57479>.

118 Anna-Lena Svensson-McCarthy. 1998. The International Law of Human Rights and States of Exception with special reference to the travaux préparatoires and case-law of the international monitoring organs. Brill. 179-6.

119 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Австриянинг Демократик солдатлар уюшмаси (Vereinigung demokratischer Soldaten Österreichs) ва Губи (Gubi) Австрияга қарши” (15153/89), 19.12.1994, Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-57908>.

120 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Григориадес (Grigoriades) Грецияга қарши” (121/1996/740/939), 25.11.1997. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/app/conversion/pdf/?library=ECHR&id=001-58116&filename=001-58116.pdf>

билдирилган” фикрлар уни жазолашга етарли асос ташкил этмаслиги, ва демак, Конвенциянинг 10-моддаси бузилганлиги аниқланган.

Чекловлар, жумладан фикр билдириш борасидаги чекловлар ҳам, муайян мезонларга мос бўлиши керак, ҳусусан мутаносиблик, демократик жамиятда ўринлиги вабетараф қўлланилиши мезонларига. Ушбу чекловлар шунингдек миллий қонунчиликда аниқ белгиланган бўлиши керак. Фикр билдириш эркинлигини чекловчи чоралар ўзбошимчаликдан етарли ҳимоя қилиши ва олдиндан таҳмин қилина олиши керак.¹²¹

Умуман олганда, Маҳкамама, қоида тариқасида давлатларга ҳарбий хизматчиларнинг, жумладан муддатли ҳарбий хизматга чақирилганлар ҳуқуқларини ўз ихтиёрига кўра чеклашга кенг имконият беради.¹²² Бу қисман “миллий хавфсизлик” тушунчасининг мавхумлиги ва турлича талқинга эгалиги билан боғлиқ. Лекин давлат ушбу чекловлар мустаҳкам ҳуқуқий асосга эгалигини кўрсата билиши лозим. Ихтиёр эркинлиги шаффоф эмаслигича қолаётгани қайд этилган. Маҳкаманинг қарорлари ҳам фарқланиши мумкин, судья Лохмус (Lothmus) ўзининг алоҳида изоҳида таъкидлаганидек: “Давлатнинг эркин ихтиёри доктринасини қўллашда Маҳкамама 10-модда доирасида фарқлиликларни эътироф этади. Баъзи ишларда қўлланган ихтиёр эркинлиги кенг бўлса, бошқа ҳолларда у чеклангандир. Лекин ушбу ихтиёр эркинлигининг чегарасини айнан қайси тамойиллар белгилашини аниқлаш мураккаб ишдир”.¹²³

Конвенция тизимида қўлланиладиган мутаносиблик тести қонуний мақсадни кўзлаб қўлланилган чеклов ёки ҳуқуқдан тўсиш нақадар асосли бўлганлигини инобатга олишни тақозо этади. Масалан, миллий хавфсизлик билан боғлиқ барча маълумотларни ошкор қилишни мутлақо ва сўзсиз, истисносиз тақиқлайдиган қонунлар бу билан хавфсизлик хизматлар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишгатўсқинлик қиласи. Бундай қоидажоиз мақсадда қўлланилаётган бўлса-да, аслида 10-модданинг қўпол бузилишидир, чунки бундай чекловлар “демократик жамиятда жоиз эмас”.¹²⁴ Шу каби мисоллар қўйда келтирилган. Ихтиёр эркинлиги, умуман олганда, ўта кенглигига қарамай, Маҳкамама бир неча бор таъкидлаганидек, “10-модданинг амал қилиш доираси қўшин дарвозасининг остонасида тўхтаб

121 Европа Кенгаши: Вазирлар Қўмитаси. 2010. Қўмитанинг иштирокчи-давлатларга ҳарбий хизматчиларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича СМ/Rec(2010)4 Тавсияси ва Изоҳловчи меморандум, 51-бет.

122 Ўша ерни қаранг.

123 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Уингроув (Wingrove) Қўшма Қироллигига қарши” иши (17419/90), 25.11.1996. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/webservices/content/pdf/001-58080>.

124 Dominika Bychawska-Siniarska. 2017. Protecting the right to freedom of expression under the European Convention on Human Rights: A handbook for legal practitioners. Council of Europe.
Ҳавола: <https://rm.coe.int/handbook-freedom-of-expression-eng/1680732814>, 51-6

қолмайди” (масалан, “Григориадес (Grigoriades) Грецияга қарши” иши). Яна бир раҳбар тамойилни Йоханнесбург тамойилларининг 12-тамойилида топса бўлади. Унга кўра, “давлат миллий хавфсизлик билан боғлиқ маълумотларни олишни тўлиқ ва мутлақ тақиқлаб қўйиши мумкин эмас, тақиқ фақатгина маълумотларнинг тор ва аниқ тоифасига тааллуқли бўлиши лозим”.¹²⁵ Тегишли маълумотларни олиш ва тарқатишга рухсат бериш давлатнинг асл, илк позицияси бўлиши лозим, шу билан бирга, муайян ҳолларда чекловлар қонунан ўрнатилиши мумкин. Масалан, ҳужжатлар қонуний тарзда маҳфий тоифага мансуб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, миллий хавфсизлик, мудофаани таъминлашга, халқаро муносабатлар масалаларига оид маълумотлар ҳам қонуний тарзда маҳфий деб эълон қилиниши мумкин, бунга етарли асос бор.¹²⁶ Лекин давлатлар бундай истисноларни қонунда аниқ белгилаб қўйиши лозим.

Ҳарбий хизматга чақирилган шахсларнинг баёнотлари жисмоний шахс ёки давлатнинг ваколатли вакили сифатида қилинганлигини ҳам фарқлаш лозим. Давлат учун бу фарқлаш ўта муҳим, чунки давлат ўз расмий функцияларини бажараётганда берилган изоҳлар шунга боғлиқ.¹²⁷ Ҳарбий хизматга чақирилган шахсларнинг ҳуқуқлари кафолатланган бўлиши керак бўлса-да, ҳарбий хизматнинг туслига кўра, улар қачон жисмоний шахс, қачон давлатнинг вакили сифатида фикр билдираётганини фарқлаш ҳамон қийинчилик туғдирмоқда, ва демак, жисмоний шахс сифатида фикр ифодалаш эркинлигини ҳимоя қилишда ҳам қийинчилик туғдирмоқда.

3. Масалага доир ишлар

“Йокшас (Jokšas) Литвага қарши”:¹²⁸ аризачи 2002 йилда Литванинг Қуролли Кучларида беш йиллик шартнома асосида хизмат қилган. Бу шартнома муайян шартларда амал қилиш муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин бўлган. Аризачи 2006 йилда газета мақоласида янги киритилаётган қонун интизомий жараёнда ҳарбий хизматчининг ҳуқуқларини етарлича ҳимоя қилмаслигини танқид қилган.

125 Ўша ерни қаранг, 53-б

126 Европа Кенгаши: Вазирлар Кўмитаси. 2010. Кўмитанинг иштирокчи-давлатларга ҳарбий хизматчиларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича CM/Rec(2010)4 Тавсияси ва Изоҳловчи меморандум, 53-бет.

127 Stefan Kirchner & Vanessa Maria Frese. 2014. The Freedom of Expression of Members of the Armed Forces Under the European Convention on Human Rights in Jokšas v. Lithuania. Baltic Journal of Law & Politics 7:1. 12– 28 -6.

128 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Йокшас (Jokšas) Литвага қарши” (25330/07), 12.11.2013. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/fre?i=001-128039>.

Ички суриштирув бошланган, лекин унда аризачи ҳарбий интизомни бузмаганлиги аниқланган. 2006 йилда эса аризачи нафақага чиқиш ёшига етганилиги муносабати билан у билан шартнома бекор қилинади. Аризачи бу устидан маъмурий судларга шикоят киритади, унга кўра шартнома унинг шахсий қарашлари деб бекор қилинган. Иш барча инстанциялардан ўтиб, Олий маъмурий судгача борган, у ерда ҳам аризачига нисбатан ҳеч қандай дискриминация бўлмагани, шартнома бекор қилиниши қарори ҳуқуқий асосга әгалигитасдиқланган. Маҳкама “ҳарбий интизомга реал таҳдид мавжуд ҳолатларда” фикр билдириш эркинлигини чеклаш ҳуқуқига давлатлар эга бўлса-да, давлатлар “ҳаттоки армия институт сифатида танқид қилинган тақдирда эркинликни чеклаш борасидаги ҳуқуқини суиистеъмол қилиши мумкин эмаслигини” тасдиқлаган. Лекин айнан шикоятдаги фактлар борасида Маҳкаманинг таъкидлашича, аризачининг мақоласи борасидаги аввалги ички суриштирув аризачини айби аниқланмаганлиги боис тўхтатилган, унга нисбатан ҳеч қандай интизомий чора кўрилмаган. Шунинг учун ҳам аризачи унга нисбатан Конвенциянинг нормалари бузилганлигини иддао қила олмайди, ва демак, у билан хизмат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги шикояти қониқтирилмайди.

“Энгель (Engel) ва бошқалар Нидерландларга қарши”:¹²⁹ қўмондонларини танқид қилиб ҳарбий хизматга чақирилган шахслар томонидан ёзилган мақолани тарқатишни тақиқлаш Маҳкама томонидан фикр ифодалаш эркинлигини чеклаш деб топилган. Шу билан бирга, Маҳкаманинг таъкидлашича, “тап ушбу шахсларни фикр ифодалаш эркинлигидан маҳрум қилиш ҳақида эмас, балким ушбу эркинликни суиистеъмол қилганлигини учун жазо ҳақида кетяпти”.¹³⁰ Ҳусусан, Маҳкаманинг айтишича, аризачилар ўзларининг ҳарбий казармалардаги вазият оғир ва таранг бўлиб турган пайтда ҳам ушбу мақолани тарқатишда фаол бўлган. Ушбу тафсилотларни ҳисобга олгани Маҳкаманинг қарорига кўра, Нидерландларнинг Олий ҳарбий судида ушбу шахслар ҳарбий интизомни бузишга ҳаракат қилаётгани борасида асосли гумонлар мавжуд бўлиб, интизом бузилишини олдини олиш учун уларга жазо берилиши зарурий чора бўлган. Шу асосда Маҳкама аризачиларнинг Конвенциянинг 10(2)-моддасида белгиланган ҳуқуқлари бузилмагани ҳақида қарорга келган.

“Австрия солдатларининг демократик имтилоғи (Vereinigung demokratischer Soldaten Österreichs) ва Губи (Gubi) Австрияга қарши”¹³¹ ишида давлат армияда

129 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Энгель (Engel) ва бошқалар Нидерландларга қарши” (5100/71; 5101/71; 5102/71; 5354/72; 5370/72), 08.06.1976. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/tur?i=001-5749>

130 Dominika Bychawska-Siniarska. 2017. Protecting the right to freedom of expression under the European Convention on Human Rights: A handbook for legal practitioners. Council of Europe. Ҳавола: <https://rm.coe.int/handbook-freedom-of-expression-eng/1680732814>. 19-6

131 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Австриянинг Демократик солдатлар уюшмаси (Vereinigung demokratischer Soldaten Österreichs) ва Губи (Gubi) Австрияга қарши” (15153/89), 19.12.1994, Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-57908>.

тарқатиладиган даврий матбуот рўйхатига армия раҳбариятини мунтазам танқид қилиб келадиган ҳусусий журнални қўшишдан бош тортган. Давлат мутассадиларига кўра, аризачиларнинг ушбу нашри давлатнинг мудофаа тизими ва ҳарбий шайлигига таҳдид бўлган. Маҳкаманинг тўхтамига кўра, давлатнинг бу қарори қуролли кучларни сафида тартибни сақлаш ҳавотири билан ҳақли равишда изоҳланса ҳам, лекин у мақсадга мувофиқ бўлмаган, чунки ушбу журнал “танқидий ва сатирик руҳда” бўлиши билан бирга, унда оммавий тартибсизликлар ёки зўравонликка чақирилмаган, шунчаки камчиликлар ва бу камчиликларни бартараф этиш йўллари аниқ кўрсатилган. Бу танқид ва таклифлар “демократик жамиятда ҳам, ушбу жамиятга хизмат қилаётган демократик тусдаги армияда ҳам мақбул бўлган” чегаралар доирасида изҳор қилингани Маҳкама томонидан эътироф этилган.¹³²

“Обзервер” (Observer) ва “Гардиан” (Guardian) Қўшма Қиролликка қарши”:¹³³ ушбу икки нашр 1986 йилда маҳсус хизматларнинг нафақадаги ходими Питер Райт (Peter Wright) ёзган хотиралардан парчаларни нашр қилиш ниятини эълон қилди. Китобнинг ўзи ҳали нашрдан чиқмаган эди. Унда Буюк Британиянинг маҳсус хизматларининг гўёки ноқонуний фаолияти ёритилган. Райтнинг айтишича, MI5 хизмати кўпгина, жумладан Франция, Германия, СССР, Индонезия каби давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва тадбирларига қарши маҳсус амалиётлар ўтказган. Шунингдек, Британия маҳсус хизматлари Суэц инқирози даврида Миср президенти Нассерни ўлдирмоқчи бўлган, Британиянинг ўша пайтдаги бош вазири Гарольд Уилсонга (Harold Wilson) қарши фитналар уюштирган. Прокурор судга нашрлар ушбу китобдан парчаларни чоп этишига доимий таъқиқ қўйиши борасида талаб киритган. Ушбу иш судда кўриб чиқилгунга қадар суд вақтинча таъқиқ чиқарган. 1987 йилида эса ушбу китоб АҚШда чоп этилган, унинг нусҳалари Буюк Британияда ҳам пайдо бўлган. Шунга қарамай вақтинча таъқиқ 1988 йилнинг октябригача, то Лордлар палатаси доимий таъқиқ ҳақидаги прокурор талабини қондиришдан бош тортмагунча, ўз кучини сақлаб қолган. “Обзервер” (The Observer) ва “Гардиан” (The Guardian) газеталари суднинг ушбу вақтинча таъқиқи устидан Европа судига арз қилган. Британия ҳукуматининг иддаосига кўра, таъқиқ чиқарилган даврда Питер Райт (Peter Wright) қўлидаги маълумот маҳфий тусда бўлган. Европа судининг қарорига кўра, вақтинчалик таъқиқ миллий хавсизликни ҳимоя қилиш, унга китоб нашри етказиши мумкин бўлган путурни олдини олиш каби ҳақли ҳавотир билан асосланган. Ушбу таъқиқ “демократик жамиятда ўринли эканлиги” борасидаги Маҳкаманинг ҳулосасига кўра, таъқиқ китоб АҚШда нашр этилишидан аввал ўринли

132 Dominika Bychawska-Siniarska. 2017. Protecting the right to freedom of expression under the European Convention on Human Rights: A handbook for legal practitioners. Council of Europe.
Ҳавола: <https://rm.coe.int/handbook-freedom-of-expression-eng/1680732814>. 58-6

133 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Обзервер” (Observer) ва “Гардиан” (Guardian) Қўшма Қироллигига қарши” иши” (13585/88), 26.11.1991. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/tur?i=001-57705>.

бўлган, лекин ундан кейин эмас, чунки энди бу маълумотларнинг маҳфийлиги қолмаган, демак уни жамоатчиликдан беркитишдан маъно йўқ эди. Тақиқ орқали маҳсус хизматларнинг самараси ва обрўсига кўмаклашиш иддаоси ушбу тақиқ учун етарли асос бўла олмаслиги таъкидланган.

“Хаджианастассиу (Hadjianastassiou) Грецияга қарши”:¹³⁴ ҳарбий зобит маҳфий тоифадаги маълумотни моддий манфаат эвазига ҳусусий ширкатга бериб юборгани учун шартли 5 ой қамоқ жазосига ҳукм этилган. Ҳарбий хизматчи муайян қурол ҳақида муайян маҳфий маълумотни тарқатиб юборган, шунинг учун ҳам миллий ҳавфсизликка жиддий путур етказганликда айбдор деб топилган.¹³⁵ Маҳкаманинг қарорига кўра, жазо фикрни ифодалаш эркинлигига нисбатан қўйилган муайян тарздаги чеклов бўлса ҳам, аслида “миллий ҳавфсизлик нуқтаи назаридан” асосли бўлган.¹³⁶ Маҳкамага кўра, барча далиллар жазо билан қилмиш ўртасида расо мутаносиблик мавжудлигига ишора қилмоқда, ва демак, 10-модда бузилмаган.

“Сацманн (Saszmann) Австрияга қарши”:¹³⁷ аризачи матбуот орқали ҳарбийларни итоатсизликка ва ҳарбий соҳадаги қонунчиликни бузишга чақиргани учун уч ой қамоқжазосига ҳукм этилган. Коммиясининганиқлашича, аризачига берилган жазо Австрия армиясида тартибни сақлаб туриш, миллий ҳавфсизликни ҳимоя қилиш нуқтаи назардан асосли бўлган, чунки “ҳарбийларни итоатсизликка ва ҳарбий соҳадаги қонунчиликни бузишга чақириш аслида Конституцияга зиддир, чунки қонунлар Конституцияга мувофиқ қабул қилинган, бундай аксил-конституциявий чақириклар демократик жамиятда мақбул эмас”.¹³⁸

“Григориадес (Grigoriades) Грецияга қарши”:¹³⁹ ҳарбий хизматга сафарбар этилган зобит ҳарбий хизматга чақирилган бошқа шахсларга нисбатан бир

134 Инсон ҳукуқлари Европа Маҳкамаси. “Хаджианастассиу (Hadjianastassiou) Грецияга қарши” (12945/87), 16.12.1992. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-57779>.

135 Dominika Bychawska-Siniarska. 2017. Protecting the right to freedom of expression under the European Convention on Human Rights: A handbook for legal practitioners. Council of Europe. Ҳавола: <https://rm.coe.int/handbook-freedom-of-expression-eng/1680732814>. 53-6

136 Инсон ҳукуқлари Европа Маҳкамаси. “Хаджианастассиу (Hadjianastassiou) Грецияга қарши” (12945/87), 16.12.1992. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-57779>, 45-47 боблар

137 Инсон ҳукуқлари Европа Маҳкамаси. “Ренате Сашманн (Renate Saszmann) Австрияга қарши” (23697/94), 27.02.1997. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-3488>.

138 Dominika Bychawska-Siniarska. 2017. Protecting the right to freedom of expression under the European Convention on Human Rights: A handbook for legal practitioners. Council of Europe. Ҳавола: <https://rm.coe.int/handbook-freedom-of-expression-eng/1680732814>. 57-6 ва Инсон ҳукуқлари Европа Маҳкамаси. “Ренате Сашманн (Renate Saszmann) Австрияга қарши” (23697/94), 27.02.1997. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-3488>.

139 Инсон ҳукуқлари Европа Маҳкамаси. “Григориадес (Grigoriades) Грецияга қарши” (121/1996/740/939), 25.11.1997. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/app/conversion/pdf/?library=ECHR&id=001-58116&filename=001-58116.pdf>

қатор суиистеъмолликларга гувоҳ бўлган, бу ўз навбатида унинг қўмондонлари билан орасида низо чиқарган. Унга нисбатан интизомий ва жиноий иш очилган. Жиноий айбловлар ўз тасдиғини топмаган, лекин интизомий жазо сифатида унга қўшимча муддат Қуролли кучлар сафида хизмат қилиш буюрилган. Шундан кейин у дезертирлик қилган ва ўз қўмондонига этиrozларини билдириб мактуб йўллаган. Мактубдаги баъзи иборалар деб унга нисбатан “Греция армиясини таҳқирлаш” айби билан яна иш очилган ва у уч ой қамоқ жазосига ҳукм этилган. Маҳкаманинг таъкидлашича, қоюқ зобитнинг мактубида “қизишиб билдирилган” ножӯя фикрлар уни жазолашга етарли асос ташкил этмайди, ва демак, унга нисбатан Конвенциянинг 10-моддаси бузилган.

“Шен (ŞEN) ва бошқалар Туркияга қарши”:¹⁴⁰ ушбу туркиялик аризачилар, ва уларнинг оиласи, ҳарбий ва шахсни тасдиқловчи гувоҳномаларига “исломий бosh кийимда” расмга тушгани учун ҳарбий муассасага киритилмаган. Улар шунингдек итоатсизлик ва “инқилобий исломий ғояларга” ва “диний секталарга” содиқлиги иддаолари билан ишдан ҳам бўшатилган. Ушбу фуқаролар Маҳкамага Туркия давлатига қарши Европа Конвенциясининг 9- ва 10-моддаларига мувофиқ шикоят аризасини киритган.

Маҳкаманинг таъкидлашича, ҳарбий хизматни танлаган аризачилар бу билан муайян ҳарбий интизом қоидаларига амал қилишни ўз иродасига биноан қабул қилган. Ҳарбий интизом эса моҳияттан баъзи чеклов ва тақиқларни тақозо этади, ҳусусан турли диний ташкилот ва оқимларга мансуб бўлмаслик мажбуриятини. Бу фуқароларни ҳарбий хизматдан бўшатиш қарори диний қарашларига эмас, балким секуляризм тамойилларини ва ҳарбий интизомни бузувчи юриш-туришига асосланиб қабул қилинган. Демак, Маҳкаманинг таъкидлашича, уларни хизматдан бўшатиб юбориш 9-моддасида белгиланган ҳуқуқни бузилишини ташкил этмайди. Ҳудди шу мулоҳазани Маҳкамага 10-моддага мувофиқ киритилган шикоят аризасига нисбатан ҳам қўллаган.

140 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Седат ШЕН (Sedat ŞEN) ва бошқалар Туркияга қарши” (45824/99), 08.07.2003. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-23320>.

Мажбурий ёки ЕИҲК 4-моддасига зид равишда бажарилиши шарт бўлган мехнатни тақиқлаш

1. Таърифи ва ҳуқуқий ҳужжатлар

ЕИҲК 4 (1)-моддасида мажбурий меҳнат тилга олинади, ҳусусан “Ҳеч ким мажбурий ёки бажарилиши шарт меҳнатга жалб этилмаслиги лозим”лиги айтилган.¹⁴¹ Мажбурий меҳнатнинг тақиқи аксар меҳнат билан боғлиқ ҳалқаро ҳужжатларда, шу жумладан мажбурий меҳнат бўйича конвенцияларда (ва улар билан боғлиқ Тавсияларда) кўзда тутилган. Мажбурий меҳнатни тақиқлаш бўйича қоидалар шунингдек Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида (“Ҳеч ким қулликда ёки эркисиз ҳолатда сақланмаслиги лозим”),¹⁴² Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пактда (“Ҳеч ким мажбурий ёки бажарилиши шарт меҳнатга жалб этилмаслиги лозим”) ҳам мавжуд. Мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенция (ММК)¹⁴³ мажбурий ёки бажарилиши шарт бўлган меҳнат сифатида “ихтиёрий равишда ўз хизматларини таклиф этмаган ҳар қандай шахсдан ҳар қандай жазолаш таҳдиidi остида талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизматни” тан олади.¹⁴⁴

Мажбурий меҳнатга жалб қилинмаслик фундаментал инсон ҳуқуқидир: ҳар бир давлат зўраки ёки мажбурий меҳнатни қўллашнинг барча шаклларини бекор қилишга интилиши лозим, Конвенция аъзолигидан қатъий назар. Мажбурий ҳарбий хизмат мажбурий меҳнат таърифига кирмайди, (муддатли) ҳарбий хизматни ўташ даврида амалга оширилган ишлар эса мажбурий меҳнат ҳисобланмайди.

Деярли барча давлатлар ММКга қўшилганлиги боис (178 давлат Конвенция аъзоси ҳисобланади), деярли барча давлатлар унинг қоидаларини бажаришга мажбур ва бу ҳақида ҲМТ ваколатли органларига мунтазам ҳисбот бериши лозим. Бу органларга Конвенциялар ва Тавсияларни татбиқ этиш бўйича эксперталар

141 Шунингдек, қаранг: ФСХХП, 8(за)-модда

142 ИХУД, 4-мода

143 Мажбурий меҳнат ҳақидаги Конвенция (1932 йилда кучга кирган).

144 Мажбурий меҳнат ҳақидаги Конвенция, 2-мода

Қўмитаси¹⁴⁵ ва Тамойилларни қўллаш бўйича Халқаро меҳнат конференциясининг Қўмитаси киради.¹⁴⁶ Улар иштирокчи-давлатларнинг ҳисоботларини ҳамда ишчи ёки иш берувчилар уюшмаларининг изоҳларини кўриб чиқади.

1930 йилда қабул қилинган ММКга қўшимча бўлмиш 2014 йилдаги Баённома ҳамда 29-рақамли ММКга Қўшимча зўраки ёки мажбурий меҳнатни қўллашнинг барча шаклларини имкон қадар қисқа муддатда бекор қилиш борасида аниқ тавсиялар бериш орқали мавжуд халқаро ҳужжатларни янада тўлдиради. Баённома, 7-моддага мувофиқ, илк Конвенциянинг 1-модданинг 2 ва 3 бандиларидағи ҳамда 3-моддадан тортиб то 24-моддасидаги муваққат қоидаларни бекор қиласиди.¹⁴⁷ Мажбурий меҳнатга таъриф берган Конвенциянинг 2-моддаси ўз кучида қолган, унга кўра “мажбурий ҳарбий хизмат мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди”. Баённоманинг 1-моддасида айтилишича: “Конвенцияда мажбурий меҳнатга берилган таъриф қайта маъқулланмоқда, ва, шу учун ушбу Баённомада кўзда тутилган чоралар ўз ичига меҳнатга мажбурлаш мақсадида амалга оширилган одам савдосига қарши аниқ ҳаракатларни ўз ичига олади”.¹⁴⁸ Ҳар бир аъзо-давлат зўраки ёки мажбурий меҳнатни қўллашнинг барча шаклларини имкон қадар бекор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бу мажбуриятага амал қилмаслик борасида ММК 25-моддасида шундай дейди: “Зўраки ёки мажбурий меҳнатга ноқонуний жалб қилиш жиноий тартибда таъқиб қилинади ҳамда ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси қонунда кўрсатилган санкцияларнинг чинакам самарадорлигини ва уларга қатъий риоя қилинишини таъминлаши шарт”.¹⁴⁹

145 Халқаро меҳнат ташкилоти, н.д. Конвенция ва Тавсияларни қўллаш бўйича эксперталар кенгashi. Ҳавола: <https://www.ilo.org/global/standards/applying-and-promoting-international-labour-standards/committee-of-experts-on-the-application-of-conventions-and-recommendations/lang--en/index.htm>.

146 Халқаро меҳнат ташкилоти, н.д. Мезонларни қўллаш бўйича эксперталар кенгashi. <https://www.ilo.org/global/standards/applying-and-promoting-international-labour-standards/conference-committee-on-the-application-of-standards/lang--en/index.htm>

147 1930 йилда қабул қилинган ММКга қўшимча бўлмиш 2014 йилдаги Баённома ҳамда 29-рақамли ММКга Қўшимча зўраки ёки мажбурий меҳнатни қўллашнинг барча шаклларини имкон қадар қисқа муддатда бекор қилиш борасида аниқ тавсиялар берган. Шунингдек, йиллар давомида Бошқарув органи, Халқаро меҳнат конференцияси ҳамда ХМТнинг бошқарув органлари “муваққат қоидалари” деб ном олган 1(2,3)-моддаси ҳамда 3-моддадан то 24-моддага бўлган қоидалар тўлиқ ўз кучини ёқотганини эътироф этган.

148 Мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенцияга 2014 йил қўшимча Протоколи (11 июнь 2014 йилда қабул қилинган, 9 ноябрь 2016 йилда кучга кирган), 1(3)-модда.

149 МХК, 25-модда

2. Мажбурий меҳнатга тақиқни қўллашга бўлган чекловлар

МТПР 8-моддасининг 3(с)-бандида айтилишича, “мажбурий ёки шарт бўлган меҳнат” атамаси ушбу бандда қўйидагиларни қамраб олмайди: ii) сиёсий ва диний-этник сабабларга кўра ҳарбий хизматни рад этиш тан олинаётган мамлакатларда ҳарбий тусдаги бирор бир хизмат, ҳудди шундай сабабларга асосан ҳарбий хизматни рад этаётган шахслар учун қонунда назарда тутилган бирор бир хизматни”. Ҳудди шундай тарзда, Конвенциянинг 4-моддасидаги 3(b)-бандига кўра, мажбурий меҳнатга “ҳарбий тусдаги ҳар қандай хизмат, ҳарбий хизматдан эътиқод асосида воз кечиш қонуний деб эътироф этиладиган мамлакатларда эса мажбурий ҳарбий хизмат ўрнига тайинланган хизмат” кирмайди. Шу асосда, Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси ҳам “ҳарбий хизматга чақириш” билан мажбурий ҳизматни фарқлайди,¹⁵⁰ “*Kitos (Chitos) Гречияга қарши*” ишида аниқ кўрсатилган; 4(3)(b) -моддаси ҳарбий хизматга чақирув ҳоллари билан чекланади. Натижада, ҳарбий хизматга чақирилган шахслар на миллий судларда, на Европа судида бу қоидаларни рўкач қила олади. Демак, бундай шахсларда, уларнинг бошқа ҳуқуқлари чекланмаган тақдирда, улар бажариши лозим бўлган меҳнатнинг тури ва ҳажми борасида шикоят киритишга ҳуқуқий асос мавжуд эмас. Бундан келиб чиқади-ки, ҳарбий хизматга чақирилган шахсларнинг ҳуқуқларининг баъзи бузилишлари 4-модда контекстида кўриб чиқилиши мумкин. Масалан, ҳарбий хизмат муддатини ҳуқуқий асоссиз чўзиб юбориш, ёки ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш, агарда бундай ноҳарбий ишлар миллий қонунчиликда кўзда тутилмаган бўлса.

ММК 2(а)-моддасида мажбурий меҳнат атамасига кирмайдиган иш янада торроқ ифодаланган: “мажбурий ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунлар кучига кўра талаб қилинадиган ва ҳақиқий ҳарбий тусдаги ишларга қўлланиладиган ҳар қандай иш ёки хизмат”. Яъни, кўриб чиқилаётган меҳнат ҳарбий тусда бўлмаса, улар муайян шарт-шароитларда 2-модданинг таъсир доирасига тушиши мумкин.

Мажбурий ҳарбий хизматни мажбурий меҳнат таърифидан олиб ташлаш лозимлиги борасида баҳслар тўхтамаяпти. Халқаро ярашув биродарлиги 2019 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар бошқармасига шикоят киритган.¹⁵¹ Қисқа қилиб айтганда, шикоятда ҳарбий хизматга чақирилган

150 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Van der Muscèle (Van der Mussele) Бельгияга қарши” (8919/80), 23.11.1983. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-57591>. 38-банд.

ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бир қатор муаммолар кўтарилиган. Эътиrozда қайд этилишича: “Ҳарбий хизмат мажбурий меҳнат таърифидан 1930 йилдаги ХМТ Конвенциясидан буткул олиб ташланган эди. Лекин, моҳияттан мажбуран бажарилаётган бундай хизматнинг мажбурий меҳнатдан фарқладиган ҳеч нарса йўқ. Бу истисно ўша пайт аксарияти муддатли ҳарбий хизматнинг миллий хавфсизликнинг муҳим қисми деб билган давлатларга ён босишдек кўринмоқда”.¹⁵² Ҳарбий хизматчиларнинг инсоний ҳуқуқлари борасидаги Европа Кенгашининг меморандумига кўра, ҳарбий хизматчилар мажбурий ёки зўраки меҳнатга жалб этилмаслиги лозим.¹⁵³ Бундан ташқари, унда “Ҳарбий хизмат ёки унинг ўрнига ўтилиши талаб этиладиган бошқа мажбурий хизмат мажбурий меҳнат сифатида кўрилмаслиги керак. Мажбурий ҳарбий хизмат ўрнига ўтиладиган хизматнинг муддати ва шароитлари жазоловчи тусда, ҳарбий хизмат шароитларига номутаносиб бўлмаслиги лозим” деб айтилган. Шунингдек, “давлат органлари профессионал ҳарбий хизматчиларга хизмат муддатини зўраки белгилаб бермаслиги керак, чунки бу уларнинг Қуролли кучлар сафидан бўшаш ҳуқуқини асоссиз чеклайди ва мажбурий меҳнатга тенглаштирилади”.¹⁵⁴ Меморандумда шунингдек миллий қонунчиликда чақирув асосидаги ҳарбий хизматнинг муддатларини аниқ кўрсатиб ўтиш тавсия этилган, бу мажбурий меҳнатни тақиқлаш борасидаги нормаларга кўпроқ мувофиқ бўлади.

Европа Кенгашининг меморандумида шунингдек айтилишича, “ҳарбий хизматчи қўмондонликнинг буйруқларини бажаришининг шартлиги қўмондонлик ушбу ҳарбий хизматчилардан шахсий манфаати йўлида фойдаланиш ҳуқуқига эканлигини англатмайди. Фавқуллода вазиятлар ёки офатлар даврида ҳарбийлар тез ёрдам ёки фуқаровий полиция таркибидаги хизматга жалб этилиши мумкин, лекин, умуман олганда, ҳарбийлар, айниқса ҳарбий хизматга чақирилган шахслар фақатгина улар олдида расман қўйилган вазифаларни бажариши лозим”.¹⁵⁵

Ҳарбий хизматга чақирилганлар фавқуллода ҳолатлар ёки табиий офатлар даврида бажариши лозим бўлган ишлар борасида давлатлар даражасида турли, ҳаттоқи баъзидан баҳсли қоидалар мавжуд. Баъзи давлатларда ҳарбийлар ҳарбий

резолюциясида кўзда тутилганидек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси томонидан тақдим этилган ёшларга оид инсон ҳуқуқлари ҳақидаги маълумотлар.

Ҳавола: https://www.ohchr.org/_layouts/15/WopiFrame.aspx?sourcedoc=/Documents/Issues/Youth/IFOR.doc&action=default&DefaultItemOpen=1

152 Ўша ерни қаранг, 1-бет

153 Европа Кенгashi: Вазирлар Кўмитаси. 2010. Кўмитанинг иштирокчи-давлатларга ҳарбий хизматчиларнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги CM/Rec(2010)4 Тавсияси ва Изоҳловчи меморандуми.

154 Ўша ерни қаранг, 8-бет, 14- ва 16-бандлар

155 Европа Кенгashi: Вазирлар Кўмитаси. 2010. Кўмитанинг иштирокчи-давлатларга ҳарбий хизматчиларнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги CM/Rec(2010)4 Тавсияси ва Изоҳловчи меморандуми. 32-бет

тусда бўлмаган вазифаларни бажаришига тўғри келади. Масалан, улар тозалаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларга ёрдам бериш ишларига жалб қилиниши мумкин.¹⁵⁶ Масалан, Россия Федерациясининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги” қонунининг 37-моддасида “ҳарбий хизматга чақирилганлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ички ишлар органларига ёрдам бериши, нормал ҳаётий фаолиятига таҳдид солаётган фавқулодда вазиятларнинг, аварияларни олдини олиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиши, ёки суд томонидан инсон, жамият ва давлат манфаати йўлида бажарган ҳар қандай бошқа фаолият мобайнида ҳарбий хизматни ўтаётган ҳисобланади” деб айтилган.¹⁵⁷ Бу қоида амалиётда профессионал ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга чақирилганлар одатий ҳарбий хизмат вазифалари доирасидан чиқадиган талабларни бажаришга мажбур бўлишини тақозо этади. Бундай талабларнинг мувофиқлигини ёки чегарасини белгилаб берувчи аниқ-тиниқ Халқаро стандарт ва регламентлар мавжуд бўлмагани учун, бу иш ҳамон ҳар бир давлатнинг ўзининиг вазифаси бўлиб қолмоқда, ва демак, ички ҳуқуқ компетенциясига киради. Муддатли ҳарбий хизмат бирламчи мажбурият бўлиб қолаверади, уни ўташ муддати чўзилса ҳам. Лекин бундай ҳолларда мутаносиблик тамойилига амал қилиш, ва зарурат туғилганда, компенсация бериш керак. Масалан, фавқуллода вазиятлар ҳолатида ҳарбий хизматга чақирилганлар қонунан узоқроқ хизмат қилишга мажбур ёки ҳарбий хизматга хос бўлмаган ишларга жалб этилиши мумкинdir.

3. Масалага доир ишлар

ММКга мувофиқ мажбурий ҳарбий хизмат мажбурий меҳнат таърифига киритилмагани учун,¹⁵⁸ Ҳарбий хизматга чақирилганлар ҳозирда хизматнинг ўташ шароитлари борасидаги шикоятларини асосан Европа конвенциясида кўзда тутилган бошқа, асосан 9-модда (дин ва эътиқод эркинлиги, жумладан эътиқоди деб ҳарбий хизматни ўташдан бош тортиш) ёки 14-моддалардаги (камситишдан ҳоли бўлиш) ҳуқуқларга мурожаат қилиш орқали киритиши мумкин. Масалан, қуйида

156 Масалан, Ўзбекистонда Куролли кучлар пандемия даврида санитар-гигиена ишларига ҳамда карантин обьектларини кўриқлашга жалб этилган. Хроленко, А., 2020. «Икс» Дней До Приказа: Почему Армии Узбекистана Не Страшен Коронавирус. Sputnik Узбекистан. Available from: <https://uz.sputniknews.ru/columnists/20200406/13865628/Iks-dney-do-prikaza-pochemu-armii-Uzbekista-na-ne-strashen-koronavirus.html>.

157 Consultant. 2020. Статья 37. Исполнение Обязанностей Военной Службы. Ҳавола: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_18260/c133ea4f8b0bae92750182a8748f87e45c560878/

158 ММК, 2(2а)-моддаси. Қаранг: Steven Greer. 1997. The exceptions to Articles 8 to 11 of the European Convention on Human Rights (Council of Europe Publishing). Ҳавола: [https://www.echr.coe.int/LibraryDocs/DG2/HRFILES/DG2-EN-HRFILES-15\(1997\).pdf](https://www.echr.coe.int/LibraryDocs/DG2/HRFILES/DG2-EN-HRFILES-15(1997).pdf), 5-бет.

муҳокама этилган “**Баятян (Bayatyan) Арманистонга қарши**” ишида¹⁵⁹ Маҳкама тарихда илк бор 9-моддада дини ёки эътиқоди деб ҳарбий хизматни ўташдан бош тортиш ҳуқуқи мавжудлигини эътироф этган.¹⁶⁰

“Китос (Chitos) Грецияга қарши”:¹⁶¹ аризачи ҳарбий хизматга чақирилган ва ҳизмат давомида Қуролли кучлар ҳисобига тиббиёт соҳасида ўқиган. Қонунчиликка кўра, аризачи шу билан муайян муддат Қуролли кучлар сафида хизмат қилиб бериш мажбуриятини бўйнига олган. Ёки компенсация сифатида давлатга муайян миқдордаги пулни тўлаб бериши керак эди. Аризачига кўра, Қуролли кучлар сафида муайян муддат қолиш ёки пулни қайтариб бериш талаби ўта оғир талаб бўлиб, уни мажбурий меҳнатга жалб этишдир, чунки бу талаб орқали унинг ишлаш эркинлигига ўта оғир юк тушмоқда ва номутаносиб чеклов қўйилмоқда.

Маҳкама “ҳарбий тусдаги хизмат” борасидаги 4(3)-моддага кўра истисно амал қилишини синчиклаб кўриб чиқди ва бу банд фақатгина мажбурий ҳарбий хизматга амал қилишини, ва демак, профессионал ҳарбий хизматчи томонидан бажариладиган вазифаларга доир эмаслигини аниқлади. Демак, эндиликда Маҳкама 4(2)-моддасининг бузилганлигини кўриб чиқиши мумкин эди. Аризачига кўра, у ҳеч қачон “ушбу хизматни кўнгилли бажариш таклифини бермаган”. Унинг эътироф этишича, у Қуролли кучлар зобити бўлишни ўзи истаган, шунинг учун бу қарор билан боғлиқ барча мажбуриятларга амал қилишга мажбур бўлган. Лекин у фақатгина умумий мақомни қабул қилган, унинг аризасини эса Конвенцияда белгиланган ҳуқуқларга зид мажбуриятларни ўз зиммасига олишга яққол розилик деб қабул қилиб бўлмайди. Бундан ташқари, олий қўмондонлик уни армияга яна беш йил ишлаб бериш мажбурияти ҳақида огоҳлантирмаган. Шунга қарамай, Маҳкаманинг қарорига кўра, аризачи унга берилган имтиёз ва маблағлар эвазига муайян мажбуриятларни ўз бўйнига олаётганини англаб турган. Бу мажбуриятлар мутаносиб бўлганлиги борасида эса, Маҳкаманинг қарорига кўра, давлат аризачидан Қуролли кучлардан бўшаш учун тўлаб беришни талаб қилаётган сумма аризачининг гарданига “номутаносиб юк юклаган”. Маҳкама бунда, жумладан, шикоят кўриб қицилаётган пайтда бу сумма устига салмоқли фоиз қўшилганлигини эътиборга олган. Демак, 4(2)-модданинг бузилиши аниқланган.

159 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Баятян (Bayatyan) Арманистонга қарши” ишида (23459/03), 07.07.2011. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-105611>.

160 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. 2020. Маълумотнома – Эътиқоди деб ҳарбий хизматни ўташдан бош тортиш. Ҳавола: https://www.echr.coe.int/Documents/FS_Conscientious_objection_ENG.pdf

161 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Китос (Chitos) Грецияга қарши” (51637/12), 19.10.2015. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-155209>.

Эркинлик, шахсий дахлсизлик ва адолатли судловга бўлган ҳуқуқ

1. Ҳуқуқ таърифи

Конвенциянинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ҳақидаги 5(1)-моддасига кўра, “ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким 5(1)-моддасида кўзда тутилган ҳоллардан ва қонунда белгиланган тартибдан ташқари озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ҳар бир маҳбусга уни ҳибсга олиш сабаблари ва ҳар қандай унга қарши қўйилаётган айб унга тушунарли тилда дарҳол маълум қилинади. Ҳар бир киши судьянинг ҳузурига ёки қонунга мувофиқ судлов ваколати берилган бошقا ваколатли шахс ҳузурига дарҳол олиб борилади ҳамда оқилона муддат мобайнинда судлов қилиниши ёки судгача озод қилиниши ҳуқуқига эга. Ушбу модда қоидалари бузилган ҳолда ҳибсга ёки қамоқقا олиниш жабрдийдаси бўлган ҳар ким компенсация олиш ҳуқуқига эга.¹⁶² 5-модданинг икки аҳамияти бор: унда ҳибсга олиш ва эркинликдан маҳрум этишнинг ҳуқуқий асослари келтирилган, ҳамда озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ҳимояси борасидаги процессуал чоралар ва кафолатлар белгиланган.¹⁶³

Конвенциянинг адолатли судловга ҳуқуқ борасидаги 6(1)-моддасига кўра, “ҳар ким ўзининг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчлари ҳақида низо чиққан тақдирда ёки унга ҳар қандай жиноий айблов эълон қилинганда ишнинг қонун асосида ташкил этилган мустақил ва одил суд томонидан оқилона муддатда адолатли ва очик муҳокама қилиниши ҳуқуқига эга”. Бу моддада кўзда тутилган мажбуриятга кўра, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши қонуний тартибда кўриб чиқилиб айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс камида қўйидаги ҳуқуқларга эга: а) ўзига қўйилган айбловнинг хусусияти ва асоси ҳақида ўзига тушунарли тилда дарҳол ва батафсил хабардор қилиниш; б) ўз ҳимоясини тайёрлаш учун етарлича вақт ва имкониятга эга бўлиш; с) ўзини шахсан ёки ўзи танлаган ҳимоячи орқали ҳимоя қилиш, ҳимоячининг хизматига ҳақ тўлаш учун маблағи етарли бўлмагандা, одил судлов манфаатлари тақозо этган тақдирда, ўзига бепул тайинланган ҳимоячининг

162 ИХЕК, 5-модда

163 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. 2020. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенциясининг 5-моддасини кўллаш бўйича йўриқнома – Эркинлик ва дахлсизликка бўлган ҳуқуқ. Ҳавола: https://www.echr.coe.int/Documents/Guide_Art_5_ENG.pdf.

хизматидан фойдаланиш; d) ўзига қарши кўрсатув бераётган гувоҳларни сўроқقا тутиш ёки бу гуноҳларнинг сўроқ қилиниши ҳуқуқига эга бўлиш ҳамда ўзига қарши кўрсатув бераётган гувоҳлар учун бўлган шартларда ўз фойдасига гувоҳлар қақирилиши ва сўроқ қилиниши ҳуқуқига эга бўлиш; e) агар у содда ишлатилаётган тилни тушунмаса ёки бу тилда сўзламаса таржимоннинг текин ёрдамидан фойдаланиш.¹⁶⁴

Конвенциянинг адолатли судловга ҳуқуқ борасидаги 6-моддасининг қоидаларига шу нарса келиб чиқаяпти-ки, Конвенциянинг 5-моддасига мувофиқ ҳарбий хизматчининг эркинлиги чекланиши мумкин бўлса ҳам, бу чекланиш билан боғлиқ ҳар қандай жиноий иш юритиш, бўлсин у интизомий ёки жиноий, адолатли судлов кафолатининг амалига тушиши лозим. Европа Кенгаши (ЕК) шуни акс этар экан, “жиноий иш юритишда иштирок этаётган суд органларининг холислиги ва мустақиллигини” таъминлаш мақсадида “прокуратура органлари ва суд ҳукмини чиқарувчилар ўртасида аниқ чизик ўtkазилиши” кераклигини таъкидлаган.¹⁶⁵ Бунга мисол “Фети Демирташ (Feti Demirtaş) Туркияга қарши” иши бўлиши мумкин. Бу ишда Маҳкамама “жиноий иш бўйича ҳукм чиқараётган ҳарбий судьялар суд ишида иштирок этаётган томонлардан бири бўлмаслигини таъминлаш” лозимлигини таъкидлаган, чукни бу “судьяларнинг мустақиллиги ва холислигига путур етказади”.¹⁶⁶ Маҳкамама бунда аввал қўрилган “Купер (Cooper) Қўшма Қироллигига қарши” ишига таянган. Унда Олий Палата ҳарбий трибунал 6-модданинг талабларига жавоб беришини кўриб чиқсан. Маҳкамага кўра, ҳарбий трибунал мустақил ва холис ҳисобланиши мумкин, чунки трибунал аъзоларининг тайинлови ва хизмат муддати борасидаги аниқ қоидалар, ташки босимга қарши кафилликлар мавжуд ва тарафкашликнинг олдини олишга қаратилган механизмлар ишда. Маҳкаманинг таъкидлашича, ҳарбий трибунал тасарруфидаги жиноий иш юритишнинг мустақиллигини кафолатлайдиган шундай механизмлардан асосийси суд жараёнида муҳим роль ўйнайдиган инсон ҳарбий хизматчи эмаслигидир.¹⁶⁷

“Георгиадис (Georgiadis) Грецияга қарши” ишида Маҳкамама 6(1)-моддага мувофиқ, барча инсонларни, шу жумладан ҳарбий хизматчиларни ҳам, ўзига қўйилган айбловнинг хусусияти ва асоси ҳақида батафсил хабардор қилиш ҳамда ўз ҳимоясини тайёрлаш учун етарлича вақт ва имко бериш мажбурияти мавжудлигини эътироф этган. Маҳкамага кўра, “Фуқаровий ҳуқуқларни томонларнинг кўрсатмасини эшитмасдан белгилаш жараёнини 6-модданинг 1-бандига мувофиқ

164 ИХЕК, 6-модда

165 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Фети Демирташ (Feti Demirtaş) Туркияга қарши” (5260/07), 17.04.2012. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-108617>.

166 Ўша ерни қаранг.

167 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Купер (Cooper) Қўшма Қироллигига қарши” (48843/99), 16.12.2003. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-61549>.

деб топиб бўлмайди”.¹⁶⁸ Айни ишда Маҳкамама аризачида ҳарбий трибунал қароридан юқори инстанцияга шикоят қилиш имкони бўлмаганлигини эътироф этган, Маҳкамага кўра, айбдор деб топилган ҳарбий хизматчилар юқори турувчи органга ўз аппеляциясини бериш имкониятига эга бўлиши лозим.¹⁶⁹

Европаконвенцияси¹⁷⁰ каби инсон ҳуқуқларитўғрисидагиминтақавий ҳужжатлардан ташқари эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ҳамда адолатли судловга ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси каби қатор Халқаро ҳужжатларда ҳам мустаҳкамланган.¹⁷¹

Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ҳамда адолатли судловга ҳуқуқ Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ҳам эътироф этилган. Пактнинг 9-моддасида таъкидланишича “ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Ҳеч ким қонунда белгиланганидан бошқача асос ва тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас”.¹⁷² Пактнинг 14- ва 16-моддалари адолатли судловга ҳуқуқни таъминлайди. 14(1)-моддада адолатли судловга бўлган асосий ҳуқуқ,¹⁷³ 14(2)-моддада айбсизлик презумпцияси эътироф этилган, 14(3)-моддада эса айблов кўриб чиқилаётганда тўлиқ тенглик асосида минимал кафолатлар таъминланиши эътироф этилган. Модданинг 4-бандида судланган ҳар бир киши унинг судланганлиги ва ҳукм юқори суд инстанцияси томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгалиги, 7-бандида жинояти учун узил-кесил

168 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Георгиадис (Georgiadis) Грецияга қарши” (21522/93), 29.05.1997. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-58037>. 40-банд

169 Ўша ерни қаранг.

170 Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ҳамда адолатли судловга ҳуқуқ бошқа минтақавий ҳужжатларда, ҳусусан Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка конвенциясининг 3,4 ва 6 моддаларида, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясининг 3,4,5,6,7, 8, 9 ва 10 моддаларида ҳам эътироф этилган.

171 Айбсизлик презумпцияси ИХУД 6,7,8 ва 11-моддасида эътироф этилган. 10-моддасида иш мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланган. 3-моддасида ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгалиги эътироф этилган.

172 ФСХХП, 9-модда

173 ФСХХП 14(1)-моддасида айтилишича, барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгdir. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқилаётганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга мувофиқ тузилган нуғузли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очик ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга. Демократик жамиятда ахлоқ юзасидан, жамият тартиби ёки давлат ҳавфсизлиги нуқтаи назаридан ёки буни томонларнинг шахс ий ҳаёти манфаатлари талаб этганида ёки суд фикрига кўра бу қандайдир даражада қатъиян зарур деб топилганида, яъни омма кўз ўнгидаги бўладиган жараён судлов манфаатларига ҳалал берадиган алоҳидаҳолларда матбуот ходимлари ва омма барча мажлисларга ёки шу мажлисларнинг бир қисмига киритилмаслиги мумкин; бироқ жиноий ёки фуқаролик иши бўйича чиқарилган ҳар қандай суд қарори ошкора бўлиши керак. Балоғат ёшига етганларнинг манфаатлари бошқача талаб этганда ёки никоҳ борасидаги низоларга ёки болаларга васийлик қилишга алоқадор ишлар бундан мустасно.

судланган ёки оқланган бирор-бир шахс ўша жинояти учун иккинчи бор судланиши ёки жазоланиши мумкин эмаслиги белгиланган.¹⁷⁴

Пактнинг 14(1)-моддасига кўра, “барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгdir. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқилаётганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқлананаётганида қонунга асосан тузилган ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга”. Пактнинг 16-моддасига кўра, ”ҳар бир инсон қаерда туришидан қатъи назар унинг субъектлик мақоми тан олиниши ҳуқуқига эга”. ФСХХП барча иштирокчи-давлатлар учун мажбурий тусга эга. Иштирок этувчи ҳар бир давлат “ушбу Пактда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай қонун ҳужжатларини ёки бошқа тадбирларни қабул қилиш учун зарур чораларни кўриш мажбуриятини олиши” Пактнинг 2-моддасида белгиланган.¹⁷⁵ Конвенцияга кўра, ҳарбий хизмат озодликдан маҳрум этишни ташкил этмайди, чунку ҳарбий хизмат 4 (36)-моддасида яққол руҳсат этилган.¹⁷⁶ Ички интизом билан боғлиқ масалалар муаммо чиқармайди, то тегишли санкциялар озодликдан маҳрум этишни ёки жиноий таъқибга сазовор деб топилган бошқа жазони ташкил этмагунча. Ҳарбий хизматчини чеклаш, оддий фуқародан фарқли ўлароқ, озодликдан маҳрум этишни ташкил этадими, йўқми, бу чеклаш иштирокчи давлатнинг қуролли кучларидаги кундалик ҳаёт тарзидан нақадар фарқланишига боғлиқ. Буни баҳолаётганда эътиборга олиниши керак бўлган факторлар ичига жазо ёки чоранинг ижро шакли, унинг туси, давомийлиги ва оқибатлари киради.¹⁷⁷ Маҳкамама амалиёти кўрсатишича, ишдан ташқари вақтда уй қамоғи етарли чора эмас, куну-тун камерада сақлаш ҳамда ишдан четлаштириш каби “қатъий” чоралар эса етарлидир.¹⁷⁸

5-модданинг руҳидаги эркинликдан маҳрум қилишдан иборат ҳар қандай ҳибсга олиш ўз-ўзидан процессуал кафалатларни келтириб чиқаради, жумладан судлов ваколатига эга, озод этиш ҳуқуқига ҳамда ҳибсга олининшни қонунийлигини савол

174 ФСХХП, 16-модда

175 ФСХХП, 2-модда

176 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Энгель (Engel) ва бошқалар Нидерландларга қарши” (5100/71; 5101/71; 5102/71; 5354/72; 5370/72), 08.06.1976. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/tur?i=001-57479>. 59-банд

177 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Энгель (Engel) ва бошқалар Нидерландларга қарши” (5100/71; 5101/71; 5102/71; 5354/72; 5370/72), 08.06.1976. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/tur?i=001-57479>. 59-банд

178 Karen Reid. 2015. A Practitioner’s Guide to the European Convention on Human Rights (5th Edition, Sweet and Maxwell), 362-б.; Карапн: Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Энгель (Engel) ва бошқалар Нидерландларга қарши” (5100/71; 5101/71; 5102/71; 5354/72; 5370/72), 08.06.1976.

Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/tur?i=001-57479>. 59-63 – бандлар; Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Пуллатли (Pulatlı) Туркияга қарши” (38665/07), 26.07.2011.

Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-104638>, 32-банд

остига олиш ҳукуқига зобитнинг олдига дарҳол олиб келиниш ҳукуқи каби.¹⁷⁹ "Худ (Hood) Қўшма Қироллигига қарши" ишида ҳибсга олинган сафдорнинг қўмондони судловни амалга ошириш учун етарлича мустақил ёки холис инсон деб топилмаган, чунки зобит ўзининг тасарруфидаги бўлинмада ички интизом ва тартиб учун жавобгар бўлган ҳамда тайинланадиган жазонинг ижрочиси бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозим-ки, Конвенциянинг 5(1)-моддасида ҳибсга олинган шахсларнинг адвокатга ҳукуқи яққол белгиланган бўлмаса-да, Маҳкаманинг эътироф этишича, ҳибсга олиниши қонунийилиги устидан шикоят қилишни берадиган 5(4)-моддасида кўзда тутилган ҳукуқ ҳибсга олинган шахс ҳукуқий ёрдам олиш ҳукуқи мавжудлигини англатади.¹⁸⁰ Бу ҳақида қатор миллий ва Халқаро ҳужжатларда, жумладан Европа Кенгашинининг қайта кўриб чиқилган Пенитенциар қоидаларнинг 23.1. бандида айтилган.

БМТ ҳужжати бўлмиш шаклидан қатъий назар ҳибсга олинган ёки тутқунликда ушлаб турилган инсонларнинг ҳимоясига оид Тамойиллар Йиғиндисининг 18(4)-тамойили ҳибсдаги ёки тутқунликдаги шахсларга ўз ишончли вакили билан кузатувдан ҳоли шаклда суҳбатлашиш ҳукуқини беради.¹⁸¹ Европа конвенциясига келсақ, адолатли судловга ҳукуқ борасидаги 6-моддасида яққол айтилишича, “ҳар ким ўзининг фуқаролик ҳукуқлари ва бурчлари ҳақида низо чиқсан тақдирда ёки унга ҳар қандай жиноий айблов эълон қилинганда ишнинг қонун асосида ташкил этилган мустақил ва одил суд томонидан оқилона муддатда адолатли ва очиқ муҳокама қилиниши ҳукуқига эга”.¹⁸²

Ўзининг CM/Rec(2010)4-тавсиясида Европа Кенгashi барча иштирокчи-давлатларни “ҳарбий хизматчиларга ҳам нисбатан ушбу тавсиялар қўлланишини таъминлаш мақсадида ўз миллий қонунчилиги ва суд амалиётини ушбу тамойилларга мувофиқлаштиришга” чақирган. Гарчи бу чақириқ тавсия бўлиб, ва демак, мажбурий тусда эга бўлмаса-да, уларнинг баъзилари 5- ва 6-моддалардаги кўзда тутилган кафолатларни ўз ичига олган, шунинг учун ҳам давлатлар уларни бажариши шарт. Бунга, масалан, ҳарбий хизматчини у ҳисбга олинишининг сабаблари ҳақида

179 Karen Reid. 2015. A Practitioner’s Guide to the European Convention on Human Rights (5th Edition, Sweet and Maxwell), 362-6.

180 Европа Кенгashi: Вазирлар Қўмитаси. 2010. Қўмитанинг иштирокчи-давлатларга ҳарбий хизматчиларнинг инсон ҳукуқлари борасидаги CM/Rec(2010)4 Тавсияси ва Изохловчи меморандуми. 34-бет; Инсон ҳукуқлари Европа Маҳкамаси. “Буамар (Boammar) Бельгияга қарши” (9106/80), 29.02.1988. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng/?i=001-57445>. 60-банд.

181 Қаранг: БМТ Шаклидан қатъий назар ҳибсга олинган ёки тутқунлика ушлаб турилган инсонларнинг ҳимоясига оид Тамойиллар Йиғиндисининг 18(4)-тамойили, ҳавола: <https://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/DetentionOrImprisonment.aspx>.

182 ИХЕК, 6(1)-модда; ФСХХП 14(1)-модда.

дарҳол огоҳлантириш мажбуриятини ҳам кириб кетади.¹⁸³ “Георгиадис (*Georgiadiis*) Грецияга қарши” ишида Маҳкама бунинг аҳамиятини алоҳида урғулаган. Маҳкамага кўра, ҳарбий трибуналлар ўз қарорига етарлича асос келтирмаган, ва демак, 6(1)-моддани бузган.¹⁸⁴ Худди шундай ҳолосага “Залян (*Zalyan*) ва бошқалар Арманистонга қарши” ишида ҳам келинган. Маҳкамага кўра, айбланувчига у нега ҳибсга олинганилиги ҳақида дарҳол билдирилмаган, ҳамда у иложи борича тезроқ судга ҳам олиб борилмаган. Демак, унга нисбатан 5(2)-ва 5(3)-моддалари бузилган.¹⁸⁵

Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи шунингдек Европа конвенцияси 4-Протоколининг 2-моддасида мустаҳкамланган ҳаракатланиш ҳуқуқи билан ҳам боғланиши мумкин.¹⁸⁶ Бу модда мамлакатни тарк этиш ҳуқуқини кафолатлади, бунда у фуқаро билан ҳарбий хизматчи орасида фарқни ажратмайди.¹⁸⁷ Ҳарбий хизмат талаблари туфайли ҳарбий хизматчиларнинг ҳаракатланиш ҳуқуқига нисбатан кенг чекловлар киритилиши мумкин, шунинг учун ҳам бундай чекловлар одатда 5-модданинг таъсир доирасига кирмайди.¹⁸⁸ Шу билан бирга, Маҳкама ўз амалиётида қайд этганидек, собиқ ҳарбийларга, мақсад ва давомийлигидан қатъий назар, давлатдан чиқиш мутлақ тақиқи демократик жамиятда шарт бўлмаган ҳамда миллий хавфсизлик манфаатларига жавоб бермаган.¹⁸⁹ Шунингдек, Маҳкама ўз амалиётида таъкидлаганидек, шахс давлат сири ташувчиси эканлигини рўкач қилиб мамлакатни тарк этиш ҳуқуқини чеклаш зарурият ёки мутаносиблик мезонларига ҳам тўғри келмайди.¹⁹⁰ Баъзи вазиятларда ҳарбийларнинг сафарига бўлган талаблар оддий фуқаро сафарига бўлган талабдан анча жиддийроқ бўлса-да, бундай чекловлар улар ҳимоя бўлган функцияга мутаносиб бўлиши лозим.¹⁹¹

183 Европа Кенгаши: Вазирлар Кўмитаси. 2010. Кўмитанинг иштирокчи-давлатларга ҳарбий хизматчиларнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги CM/Rec(2010)4 Тавсияси ва Изоҳловчи меморандуми. 9-бет

184 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Григориадес (Grigoriades) Грецияга қарши” (121/1996/740/939), 25.11.1997. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/app/conversion/pdf/?library=ECHR&id=001-58116&filename=001-58116.pdf>. 43-банд.

185 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Залян (*Zalyan*) ва бошқалар Арманистонга қарши” (36894/04 и 3521/07), 17.06.2016. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-161408>.

186 Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари Конвенциясидаги баъзибир ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш борасидаги № 4 Протокол ва Биринчи Протокол (16 сентябрь 1963 йилда қабул қилинган, 2 май 1968 йилда кучга кирган).

187 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Солтысяк (*Soltysak*) Россияга қарши” (4663/05), 20.06.2011. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-103354>. 54-банд.

188 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Энгель (*Engel*) ва бошқалар Нидерландларга қарши” (5100/71; 5101/71; 5102/71; 5354/72; 5370/72), 08.06.1976. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/tur?i=001-57479>. 59-банд.

189 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Бартик (*Bartik*) Россияга қарши” (55565/00), 21.03.2007. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-78792>. 47-52 – бандлар.

190 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Солтысяк (*Soltysak*) Россияга қарши” (4663/05), 20.06.2011. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-103354>. 51-банд.

191 Ўша ерни қаранг, 53-банд.

2. Эркинлик ва шахсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқни чеклаш ёки унга тўсқинлик қилиш

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро ва минтақавий ҳужжатларда эркинлик ва шахсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқ чекланиши мумкин бўлган ҳолатлар кўзда тутилган. Евropa конвенцияснинг 5(1)-моддасида ушбу ҳолларнинг рўйхати келтирилган:¹⁹² а) ваколатли суд томонидан ҳукм қилинган шахснинг қамоқда қонуний сақланиши; б) қонунга мувофиқ чиқарилган суд ҳал қилув қарорини бажармаганлик учун ёки қонун билан белгилаб қўйилган ҳар қандай мажбурият бажарилишини таъминлаш мақсадида шахснинг қонуний ушлаб турилиши ёки қамоқقا (ҳибсга) олиниши; с) шахснинг, токи у ҳуқуқбузарликни содир этишда асосли гумон бўйича ваколатли орган олдида ҳозир бўлиши учун ёки у ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш ёки унинг ҳуқуқбузарлик содир этилганидан кейин яширинишига тўсқинлик қилиш зарур деб ҳисоблашга етарлича асослар бўлган тақдирда, амалга оширилган қонуний ушлаб турилиши ёки қамоқقا олиниши; д) вояга етмаган шахснинг тарбиявий назорат қилиш зарур деб ҳисоблашга етарлича асосида қамоқقا олиниши ёки унинг, токи у ваколатли орган олдида ҳозир бўлиши учун амалга оширилган қонуний қамоқقا олиниши; е) юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида шахсларнинг қонуний қамоқقا олиниши, шунингдек руҳий касаллар, ичкиликка мубтало бўлганлар, гиёҳвандлар ёки дайдиларнинг қонуний қамоқقا олиниши; ф) шахснинг мамлакатга ноқонуний кириб келишини бартараф этиш мақсадида ёхуд ўзига нисбатан чиқариб юбориш ёки ушлаб туриш чоралари кўрилаётган шахснинг қонуний ушлаб турилиши ёки қамоқقا олиниши.¹⁹³ Ҳеч ким ушбу ҳоллардан ва қонунда белгиланган тартибдан ташқари озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Гарчи мутаносиблик 5(1)-моддасида тилга олинмаган бўлса-да, Маҳкамама конкрет эркинликтан маҳрум этиш ҳолати мутаносиблик мезониги таҳлил қиласиди. ФСҲХП 9-моддасида эркинликни чеклаш ҳуқуқи мумкин бўлган вазиятлар белгиланмаган бўлса-да, унда “ҳеч ким қонунда белгиланганидан бошқача асос ва тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас” деб айтилган.¹⁹⁴ Бу ҳуқуқни чеклаш миллий қонунчиликда кўзда тутилган бўлиши керак, бу эса ушбу чекловни қўлланишига олиб келадиган сабаблар барча учун очиқ норматив ҳужжатда акс этган бўлишини тақозо этади. Шунингдек, ижродаги сустеъмол ва ўзбошимчаликни олдини олиш учун чеклов формулировкаси аниқ ва лўнда бўлиши, бошқача талқинга имкон қолдирмаслиги

192 Инсон ҳуқуқлари Евropa Маҳкамаси. 2020. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Евropa конвенцияснинг 5-моддасини қўллаш бўйича йўриқнома – Эркинлик ва дахлсизликка бўлган ҳуқуқ. Ҳавола: https://www.echr.coe.int/Documents/Guide_Art_5_ENG.pdf. 26-банд

193 ИХЕК, 5(1)-модда.

194 ФСҲХП, 9-модда.

керак.¹⁹⁵ Ҳуқуқлар чеклов даражасини белгилаётганда, 9(1)-моддасига мувофиқ, мутаносибликни назарга олган ҳолда чекланиши лозим.¹⁹⁶ Маҳкамама “Энгель (Engel) ва бошқалар Нидерландларга қарши” ишида эътироф этганидек, “Ҳарбий интизом 5-модда 1-бандининг амал доирасидан чиқмайди”.¹⁹⁷ Яъни, ҳарбий интизом билан боғлиқ озодликдан маҳрум этиш доимо ушбу модданинг талабларига жавоб бериши шарт. Шу билан бирга, Европа Кенгаши ҳаракатланиш эркинлигига қўйиладиган чекловлар кенг бўлиши мумкинлигини, ҳар қандай давлат ўз ҳарбий интизом тизимини ташкил этиши, бунда ихтиёр тўлиқ ўзидалигини эътироф этган.¹⁹⁸ Европа Кенгаши шунингдек “давлатлар ҳарбий интизомга тааллуқли 5-модда борасида истиснолар киритганини” ҳамда “ҳарбий интизом жазо сифатида қисқа муддатга ҳибсга олинишини талаб қилиши мумкинлигини” таъкидлаган.¹⁹⁹

Конвенциянинг 5(3)-моддаси давлатларга қамоқقا олинган ҳар бир киши судьянинг ҳузурига ёки қонунга мувофиқ суд ҳокимияти берилган бошқа манфаатдор шахс ҳузурига дарҳол олиб боришни ҳамда оқилона муддат мобайнида суд муҳокамаси бўлишини таъминлаш ёки судгача озод қилиш маъсулиятини юклайди. “Де Йонг (De Jong), Балjet (Baljet), ван ден Бринк (van den Brink) Нидерландларга қарши” ишида таъкидланганидек, бу ҳуқуқ барчага, шу жумладан ҳарбий хизматчиларга ҳам тааллуқлидир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Комиссияси ўзининг хулосасида урғулаганидек, Конвенциянинг 5(1)-моддасига мувофиқ ушланган айбланувчи 5(3)-моддасида кўзда тутилган судлов ваколати берилган шахс ҳузурига зудлик билан олиб борилиши ўта муҳим. Комиссиянинг қўшимча қилишича, зудлик масаласи ҳар бир ишда унинг ҳусусияти, ҳарбий хизмат ва ҳарбий юстиция талабларига биноан баҳоланади.²⁰⁰ Қамоқقا олинган ҳарбий хизматчилар “оқилона муддат мобайнида суд муҳокамаси бўлиши ёки судгача озод қилиниши ҳуқуқига эга”.²⁰¹ Бундай “суд муҳокамаси” ҳарбий трибунал, миллий суд ёки халқаро суд бўлиши мумкин, лекин

195 Sarah Joseph and Melissa Castan. 2013. The International Covenant on Civil and Political Rights: Cases, Materials, and Commentary (Oxford University Press, 3rd Edition), 31-6, 1.83-банд.

196 Ўша ерни қаранг, 31-б, 1.84-банд.

197 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Энгель (Engel) ва бошқалар Нидерландларга қарши” (5100/71; 5101/71; 5102/71; 5354/72; 5370/72), 08.06.1976. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/tur?i=001-57479>. 57-банд.

198 Ўша ерни қаранг, 59-банд.

199 Европа Кенгаши: Вазирлар Кўмитаси. 2010. Кўмитанинг иштирокчи-давлатларга ҳарбий хизматчиларнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги СМ/Rec(2010)4 Тавсияси ва Изоҳловчи меморандуми.

200 Инсон ҳуқуқлари Европа Комиссияси. “Де Йонг (De Jong), Балjet (Baljet), ван ден Бринк (van den Brink) Нидерландларга қарши” (8805/79, 8806/79, 9242/81). Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/app/conversion/pdf?library=ECHR&id=001-73414&filename=DE%20JONG%2C%20BALJET%20AND%20VAN%20DEN%20BRINK%20v%20THE%20NETHERLANDS.pdf>

201 Европа Кенгаши: Вазирлар Кўмитаси. 2010. Кўмитанинг иштирокчи-давлатларга ҳарбий хизматчиларнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги СМ/Rec(2010)4 Тавсияси ва Изоҳловчи меморандуми. 9-10 – бетлар.

“Фети Демирташ (Feti Demirtas) Туркияга қарши” ишида бўйича хulosаларида Маҳкамама ҳарбий трибуналлар доимо ҳам мустақил ва холис бўлмаслиги таъкидланган. Маҳкаманинг урғулашича, аризачи Ҳарбий-ҳаво қўшинларининг трибунал ҳузурига олиб борилган, лекин тўлалигича ҳарбий зобитлардан ташкил топган бундай трибунални “суд жараёнидаги томонлардан бири” деб ҳисоблаш мумкин.²⁰²

Ҳар кимнинг, жумладан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганларнинг ҳамadolатли судловга бўлган ҳуқуқи Конвенциянинг 6-моддасида белгиланган кафолатларга мувофиқдир. Лекин, судга бўлган ҳуқуқ мутлақ ҳуқуқ эмас ва чекланиши мумкин, агарда чекловлар қонуний мақсадни кўзлаётган бўлса, ҳамда восиатал мақсадга мувофиқ бўлса. Шунга қарамай, **“Голдер (Golder) Кўшма Қироллигига қарши”** ишидаги Маҳкамама хulosаси тасдиқлаганидек, судга ҳуқуқ фақатгина ҳуқуқнинг моҳиятини бузмаган ҳамда Конвенцияда кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга зид бўлмаган қисмидагина чекланиши мумкин.²⁰³ Бу тусдаги чекловлар ҳам фуқаровий, ҳам ҳарбий контекстда қўлланишини мумкин деб айтса бўлади.

Жиноятда айбланаётган ҳар кимнинг, жумладан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганларнинг ҳам сукут сақлаш ва ўзига қарши кўрсатма бермаслик ҳуқуқи мутлақ ҳуқуқ эмас. **“Джон Мюррей (John Murray) Кўшма Қироллигига қарши”** ишидаги Маҳкаманинг ҳulosаларига кўра, муайян шароитларда сўров ёки судлов жараёнида айбланувчининг сукут сақлаши қарши томоннинг фойдасига ўйнаши мумкин.²⁰⁴ Бу тусдаги чекловлар ҳам фуқаровий, ҳам ҳарбий контекстда қўлланишини мумкин деб айтса бўлади. Шунга қарамай, Маҳкаманинг қарорига кўра, шундай ҳulosоса чиқараётганда маслаҳатчиларга (присяжные, jury) раислик қилаётган судья тегишли тартибда инструктаж бериши лозим.²⁰⁵

202 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Фети Демирташ (Feti Demirtaş) Туркияга қарши” (5260/07), 17.04.2012. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-108617>.

203 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Голдер (Golder) Кўшма Қироллигига қарши”. (4451/70), 21/02/1975. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-57496>.

204 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Джон Мюррей (John Murray) Кўшма Қироллигига қарши” (18731/91), 08/02/96. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-57980>.

205 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Кондрон (Condron) Кўшма Қироллигига қарши”. (35718/97), 02/05/2000. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-58798>.

3. Масалага доир ишлар

“Георгиадис (Georgiadis) Грецияга қарши” иши:²⁰⁶ сobiқ ҳарбий ҳарбий хизматдан боштортгани сабабли ноқонуний ҳибсда сақланганлиги учун товон пули тўланмаган деб ариза киритган. Товон пули тўламаслик ҳақидаги ҳарбий трибунал қарорининг устидан шикоят киритилиши мумкин бўлмагани учун, миллий қонунчиликда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситаси қолмаган. Маҳкаманинг қарорига кўра, аризачи товон пули бўйича судлов ҳуқуқидан воз кечмаган.²⁰⁷

Бундан ташқари, ҳарбий трибунал ўз қарорини етарлича асослаб бера олмаган. Шунинг учун Маҳкама “бу ҳулоса аризачининг товон пулига бўлган ҳуқуқи учун айниқса муҳим бўлгани учун, трибуналдан етарлича асос келтириши” сўраган. Маҳкама қарорига кўра, ҳарбий трибуналнинг қарори 6-модданинг бузилиши бўлгани учун, аризачининг 13-модда бузилганлиги ҳақидаги шикоятини кўриб чиқиш учун зарурат қолмаган.

“Залин (Zalyan) ва бошқалар Арманистонга қарши” иши:²⁰⁸ арз икки сobiқ ҳарбий хизматчи томонидан киритилган. Биринчи аризачига кўра, улар икки сафдорнинг ўлимида айбланиб ноқонуний тарзда қамоқда узоқ муддат ушлаб турилган ва демак 5(1)-моддадаги ҳуқуқлари бузилган. Ҳукумат аризачи интизомий жазо сифатида ҳибсда ушлаб турганини иддао қилса-да, Маҳкаманинг хулосасига кўра, аризачи аслида жиноий иш доирасида ушлаб турилган ва демак 5(1)-моддаси бузилган. Шунингдек, иккинчи аризачи ишида Маҳкама “аризачини ҳибсда ушлаб туриш муддати белгиланмаганини, бу эса муддатсиз қамоқда сақлашни олдини олиш мажбуриятига зидлигини” ҳамда “айбланувчини иш материаллари билан танишириш каби 5(1)-моддага умуман алоқаси бўлмаган баҳоналар билан ҳибсга олишга руҳсат берилганини” аниқлаган.²⁰⁹ Шунингдек, Маҳкама маҳбусга уни ҳибсга олиш сабабларини дарҳол маълум қилиш, қамоққа олинган ҳар бир киши судьянинг ҳузурига дарҳол олиб бориш ҳақидаги 5-модданинг 2- ва 3-бандларида кўзда тутилган ҳуқуқлари бузилганлигини аниқлаган.

206 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Георгиадис (Georgiadis) Грецияга қарши” (21522/93), 29.05.1997. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-58037>.

207 Ўша ерни қаранг, 40-банд.

208 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Залин (Zalyan) ва бошқалар Арманистонга қарши” (36894/04 ва 3521/07), 17.06.2016. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-161408>.

209 Қаранг: Baranowski v. Poland, 28358/95, § 57, ECHR 2000-III, ва Jēčius v. Lithuania, 34578/97, § 59, ECHR 2000-IX.

“Булду (Buldu) ва бошқалар Туркияга қарши” иши:²¹⁰ Конвенциянинг 3, 5, 7, 9 ва 13-моддалари бузилганлиги устидан шикоят эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортган, уни ўрнига муқобил хизматга боришни тайёрлигини билдирган жабрдийдалар томонидан киритилган. Тўрт аризачидан бири унга нисбатан 6(1)-модда бузилганлигини ҳам билдирган. Айтишича уни ҳарбий трибуналда “дезертирилк”да айблашган, лекин у ўзини оддий фуқаро деб билган, ҳарбий хизматчи эмас. Туркия ҳукумати бу қарор устидан шикоят киритган бўлса ҳам, Маҳкама фуқарони ҳарбий трибуналда судлаш орқали ушбу аризачига нисбатан 6(1)-модда бузилганлигини тасдиқлаган. Маҳкама ўз қарорини фақатгина ҳарбийлардан ташкил топган ҳарбий трибунал фуқаровий арзларни кўриб чиқишида холис бўлмаслиги мумкинлиги билан асослаган. Ҳарбийлар фуқарони суд қилиши 6(1)-моддасида белгиланган “мустақил ва одил суд томонидан оқилона муддатда адолатли ва очиқ муҳокама қилиниши” ҳукуқига зиддир.

“Пўлатли (Pulatli) Туркияга қарши” иши:²¹¹ Конвенциянинг 5- ва 6-моддалари бузилганлиги устидан шикоят холис суд эмас, бевосита раҳбари бўлмиш қўмондонининг қарори асосида қамоққа олинган сафдор томонидан киритилган. У руҳсатсиз ҳарбий қисмни тарқ этишда айбланган ва етти кун хибсга қўмондони қарори асосида олинган. Европа Маҳкамаси бу қарорни холис ва мустақил суд эмас, бевосита қўмондон (ва демак, манфаатдор шахс) қабул қилганини ҳисобга олиб, 5(1)-модда бузилганлигини аниқлаган. Шунингдек Маҳкама Туркияда қўмондонлар томонидан соддалаштирилган тартибда ҳукм чиқариш урф бўлганини, бу ҳукмлар устидан шикоят киритиш тизимли чекланганлиги ҳисобга олиб Пўлатлининг эркинлик ва шахсий даҳлсизликка бўлган ҳукуқи бузилган деган ҳulosага келган.

“Фети Демирташ (Feti Demirtas) Туркияга қарши” иши:²¹² Конвенциянинг 3, 6 ва 9-моддалари бузилганлиги устидан шикоят эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортган аризачи томонидан киритилган. Аризачи зўрлик билан армияга сафарбар этилган, у ҳарбий мақомни рад этган. Иш бўйича ҳulosаларида Маҳкаманинг урғулашича, аризачи Ҳарбий-ҳаво қўшинларининг трибунал ҳузурига олиб борилган, лекин тўлалигича ҳарбий зобитлардан ташкил топган бундай трибунал “суд жараёнидаги томонлардан бири” деб ҳисобланиши лозим. Шу учун ҳам Маҳкама аризачининг “трибунал холис бўлмаганлиги ҳақидаги” шубҳаларини асосли деб топган ва 6(1)-моддаси бузилганлиги ҳақидаги аризасини қониқтирган.

210 Инсон ҳукуқлари Европа Маҳкамаси. “Булду (Buldu) ва бошқалар Туркияга қарши” (14017/08), 03/09/2014. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-144352>.

211 Инсон ҳукуқлари Европа Маҳкамаси. “Пўлатли (Pulatli) Туркияга қарши” (38665/07), 26.07.2011. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-104638>.

212 Инсон ҳукуқлари Европа Маҳкамаси. “Фети Демирташ (Feti Demirtaş) Туркияга қарши” (5260/07), 17.04.2012. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-108617>.

Фикр, виждон ва дин эркинлигига асосланган тарзда диний ёки бошқа эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортиш ҳуқуқи

1. Ҳуқуқ таърифи ва ҳуқуқий ҳужжатлар

Диний ёки бошқа эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортиш ҳуқуқи ИХУД 18-моддасида кўзда тутилган фикр, виждон ва дин эркинлигига асосланган. Бу ҳуқуқ шунингдек инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бошқа Халқаро ва минтақавий ҳужжатларда ҳам кўзда тутилган. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенциясида фикр, виждон ва дин эркинлиги борасида шундай дейилади: “Ҳар ким фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини алмаштириш эркинлигини ҳамда ўз дини ёки эътиқодига якка тартибда ҳам, бошқалар билан оммавий ёки хусусий тартибда ибодат қилиш, таълим олиш, диний ва ибодат маросимларини адо этишда ҳам амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади”.²¹³

ФСҲХП,²¹⁴ ИҲАҚ,²¹⁵ Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка хартияси²¹⁶ ва ЕИ асосий ҳуқуқлар бўйича Хартияси²¹⁷ ҳам виждон ва дин эркинлигини қамраб олган. Гарчи ҳеч бир халқаро ҳужжатда, шу жумладан ФСҲХПда ҳам эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортиш ҳуқуқи яққол келтирилмаган бўлса-да, 1993 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси бундай ҳуқуқ Пактнинг 18-моддасидан келиб чиқиши мумкинлигини эътироф этган, чунки ҳарбий хизмат мобайнida ўлимга сабаб бўлиши мумкин бўлган кучни қўллаш мажбурияти жиддий равишда виждон

213 ИҲЕҚ, 9(1)-модда.

214 ФСҲХП, 18 (1)-моддасида айтилишича, ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ ўз ихтиёри билан ўзига маъқул динни қабул қилиш ва эътиқод қилиш эркини, якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргалиқда, ошкора ёки хусусий тартибда сифинишига бориш, диний ва бошқа урфодатларни ва маросимни бажариш эркини ҳам ўз ичига олади. 2. Ҳеч ким ихтиёрий равишида ўз дини ва эътиқодига эга бўлиш ёки қабул қилиш эркини камситадиган мажбурий ҳолатга дучор этилмаслиги лозим.

215 ИҲАҚ, 12(1)-модда.

216 ИҲҲАҚ, 8-модда.

217 Европа Иттилоқининг асосий ҳуқуқлар тўғрисидаги Хартияси (1 декабрь 2009 йилда кучга кирганд), 10-модда.

ва дин эркинлигига зид бўлиши мумкин²¹⁸. Шунинг учун ҳам, эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортиш ҳуқуқи ҳосила ҳуқуқ сифатида таснифланади.²¹⁹ Қўмита ушбу ҳуқуқни ва “ҳарбий хизмат мобайнида ўлимга сабаб бўлиши мумкин бўлган кучни қўллаш мажбуриятини” бир-бирига зид деб топган. Бу талқин ҳарбий хизматни ўташдан тўлалигича, шу жумладан жанговор бўлмаган вазифаларни бажаришдан ҳам, бош тортган шахс ҳақидаги тушунчадан фарқланади.²²⁰ Қўмита аввалроқ (“Вестерман (Westerman) Нидерландларга қарши” ишида, № 682/1996 Билдириш) ҳарбий хизмат мобайнида ўлимга сабаб бўлиши мумкин бўлган кучни қўллаш мажбуриятини чеклашни қонуний деб топган. ФСҲХП бўйича халқаро мажбуриятларга келсак, Қўмита фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги туфайли диний ёки бошқа эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортиш ҳуқуқини эътироф этишда муҳим ўрин эгаллади. Қўмита нафақат ҳарбий хизматдан бош тортиш ҳуқуқи Пактнинг 18-моддасидан келиб чиқиши мумкинлигини эътироф этган, балким бу борадаги иштирокчи-давлатларнинг ҳисоботига ўз якуний ҳulosаларни ҳам тақдим этган.²²¹ Булар ичига эътиқоди деб ҳарбий хизматдан озод қилишнинг асослари; бундай озодликни олиш жараёни; муқобил хизматнинг давомийлиги ва шартлари ҳамда муқобил хизматдан бош тортганларнинг ҳуқуқлари; ҳарбий хизмат берган айни имтиёз ва ҳуқуқларни муқобил хизмат ҳам бериши; ҳамда ҳарбий хизматни ўтамаганлик учун такрорий жазо белгиланишининг мумкинлиги кирган.²²² Баъзи давлатларда мустақил қарор қабул қилиш жараёни мавжуд эмаслиги,²²³ муқобил хизмат номутаносиб тарзда узоқ давом этиши²²⁴ ҳамда эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортиш ҳуқуқини тан олиш таҳқирловчи тарзда ўтиши²²⁵ борасида ҳавотир билдирилган.

218 CCPR No. 22 Умумий Изоҳи: 18-модда. 1993 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 48-сессиясида қабул қилинган. 11-банд.

219 БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, 2012. Эътиқоди деб ҳарбий хизматни ўташдан бош тортиш. Ҳавола: https://www.ohchr.org/Documents/Publications/ConscientiousObjection_en.pdf, 7-6.

220 Ўша ерни қаранг, 10-6.

221 Ўша ерни қаранг, 14-6.

222 Масалан, қаранг: БМТ Инсон ҳуқуқлари Қўмитасининг йиллик ҳисоботларини. Венесуэлла (A/48/40, банд. 291); Австрия, Эквадор ва Беларусь (A/47/40, бандлар. 110, 247 ва 536); Испания (A/46/40, банд. 172); Португалия (A/45/40, бандлар. 156 ва 251); Норвегия ва Нидерландлар (A/44/40, бандлар. 83 ва 219); Финляндия ва Венгрия (A/41/40, бандлар. 210 ва 398); Исландия, Австралия ва Перу (A/38/40, бандлар. 113, 150 ва 269); Норвегия (A/36/40, банд. 358); Канада (A/35/40, банд. 169).

223 Масалан, қаранг: БМТ Инсон ҳуқуқлари Қўмитасининг Истроил бўйича (A/58/40, банд. 85) йиллик ҳисоботини.

224 Масалан, қаранг: БМТ Инсон ҳуқуқлари Қўмитасининг Латвия (A/59/40, банд. 65) ва Грузия (A/57/40, банд. 78) бўйича йиллик ҳисоботларини.

225 БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, 2012. Эътиқоди деб ҳарбий хизматни ўташдан бош тортиш. Ҳавола: https://www.ohchr.org/Documents/Publications/ConscientiousObjection_en.pdf, 14-6.

Қўмита эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортиш масаласини кўпгина бошқа қарорларида ҳам кўриб чиқсан. Илк бор Қўмита ФСҲХП 18-моддасини “Йоон (Yoon) ва бошқалар Корея Республикасига қарши” ишида²²⁶ кўриб чиқсан. Бу ишда Қўмита эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортиш ҳуқуқи 18-моддага асосланганлигини ҳамда Пактнинг барча иштирокчи-давлатларига қўлланишини эътироф этган. “Юнг (Jung) ва бошқалар Корея Республикасига қарши” ишида²²⁷ ҳамда “Чжонг (Jeong) ва бошқалар Корея Республикасига қарши” ишида²²⁸ Қўмита аввалги ҳулосаларини қайта тасдиқлаган ҳолда “эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортиш ҳуқуқи фиклаш, виждон ва дин эркинлигининг ажралмас қисмидир. Бу ҳуқуқ ҳар кимга мажбурий ҳарбий хизматдан бош тортиш ҳуқуқини беради, агар бундай хизмат унинг дини ёки бошқа эътиқодига зид бўлса”.

Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси ҳарбий хизматдан бош тортиш ҳуқуқини ilk бор 2011 йилда “Баятян (Bayatyan) Арманистонга қарши” ишида эътироф этган.²²⁹ Европа Кенгаши аъзо давлатларининг миллий ҳуқуқий тизимларидаги ҳамда Халқаро майдондаги воқеалар ривожини инобатга олган Маҳкамаси бу ишда аввалги мантиғидан яққол четлашган ҳолда қарор чиқарган.²³⁰ Ушбу ҳуқуқнинг амал доирасига тушиши учун инсон “армияда хизмат қилиш мажбурияти ҳамда ўзининг виждони ёки чин дилдаги диний ёки бошқа эътиқоди ўртасида жиддий ва ҳал қилиб бўлмайдиган иҳтилофни бошидан кечираётган бўлиши” лозим;²³¹ ҳамда урушда ҳар қандай шаклда иштирокка ёки қуролланишга қарши қатъий, ўзгармас ва чин қалбдан чиқаётган эътиroz бўлиши лозим.²³²

Диний ёки бошқа эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортишни тан олиш энди давлатнинг “на чекловчи, на жазоловчи” тусда бўлмиш муқобил фуқаровий хизматни таклиф этиш ҳуқуқини,²³³ ҳамда эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортаётган инсоннинг мақомини белгилашда “самарали ва енгил тартибни”, шу жумладан қарор етарлича мустақил орган томонидан қабул қилинишини таъминлаш мажбуриятини келтириб чиқарди.²³⁴

226 Инсон ҳуқуқлари Қўмитаси. Communication Nos. 1321/2004 ва 1322/2004

227 Инсон ҳуқуқлари Қўмитаси. Communication Nos. 1593-1603/2007.

228 Инсон ҳуқуқлари Қўмитаси. Communication Nos. 1642-1741/2007.

229 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Баятян (Bayatyan) Арманистонга қарши” ишида (23459/03), 07.07.2011. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-105611>.

230 Ўша ерни қаранг, 101-банд.

231 Ўша ерни қаранг, 110-банд.

232 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. 2016. “Энвер Айдемир (Enver Aydemir) Туркияга қарши” иши бўйича ҳуқуқий изоҳ (26012/11). Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=002-11230>.

233 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Адян (Adyan) ва бошқалар Арманистонга қарши” (75604/11), 12.01.2018. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-177429>.

234 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Савда (Savda) Туркияга қарши” (42730/05), 12.09.2012. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-111414>; Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Папавасилакис

Қоида тариқасида, Маҳкамама ўз амалиётида қўйидагиларни таҳлил этади: аризачи эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортган шахс таърифига тушишини; эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортган шахслар муаммосини ҳал қилувчи муқобилликлар, шу жумладан жазоловчи тусда бўлмаган муқобил хизматнинг мавжудлигини; эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортган инсонларга нисбатан фарқли ёндашув ёки уларга берилган жазо учун расо асос ва қонуний мақсадга мувофиқлигини, ҳамда бундай ёндашув ёки жазо демократик жамиятда умуман лозимлигини. Бу қирралар қўлланаётган қонунлар инсон ҳуқуқлари ҳамда давлат манфаатлари ўртасида адолатли мувозанатни таъминлашини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади. Маҳкамама шунингдек қўллаш мумкин бўлган ҳуқуқий база мавжудлигини ўрганиб чиққан. Буни Маҳкамама ушбу масала одатда таҳқирламаслик ҳақидаги 14-модда,²³⁵ кейинчалик эса адолатли судловга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги 6(1)-модда²³⁶ билан боғлиқ бўлганлиги билан изоҳлаган. Ҳарбий хизматчилар дини ёки эътиқоди деб жазога тортилган ҳолларда, уларнинг аризалари 9-моддага мувофиқ кўриб чиқилар эди. Бу ҳолатлар аввалам грек армиясида диний уламоларга, турк армиясида эса исломий фундаменталист деб ҳисобланган шахсларга нисбатан тазийклар билан боғлиқ бўлган.²³⁷ Шахсий эътиқодни ҳурмат қилиш шунчалик муҳим масала-ки, у ёки бу динга ёки эътиқодга ўтиш аслида ва ўз-ўзидан жазо ёки ҳайдашга сабаб бўлмаслиги керак.²³⁸

(Papavasilakis) Грецияга қарши" (66899/14), 15.09.2016. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-166850>. Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. "Дягилев Россияга қарши" (49972/16). 07/09/2020. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-201649>.

- 235 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. "Н. (N.) Швецияга қарши" ишига қаранг, № 10410/83, 11.10.1984. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-74737>; Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. "Петерс Нидерландларга қарши" (21132/93), 06/04/1994. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-1835>; Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. "Тлимменос (Thlimmenos) Грецияга қарши" (34369/97), 06/04/2000. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-58561>.
- 236 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. "Фети Демирташ (Feti Demirtaş) Туркияга қарши" (5260/07), 17.04.2012. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-108617>; Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. "Савда (Savda) Туркияга қарши" (42730/05), 12.09.2012. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-111414>.
- 237 Қаранг, масалан: Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. "Калач Туркияга қарши" (20704/92), 01/07/1997. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-58042>; Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. "Лариссис ва бошқалар Грецияга қарши" (140/1996/759/958-960), 24/02/1998. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-58139>
- 238 Karen Reid. 2015. A Practitioner's Guide to the European Convention on Human Rights (5th Edition, Sweet and Maxwell), 368-6.

2. Эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортиш ҳуқуқини чеклаш ёки ундан фойдаланишга тўсқинлик қилиш

“Ўз дини ёки эътиқодига амал қилиш эркинлигига қонунда назарда тутилган ҳамда демократик жамиятда жамоат хавфсизлиги манфаатларида, жамоат тартибини, соғлиқни сақлаш ёки маънавиятни муҳофаза қилиш ёхуд бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган чеклашларгина белгиланади”.²³⁹ Айни шу каби чекловлар ИҲАК²⁴⁰ ва ФСҲХПда ҳам кўзда тутилган.²⁴¹ Эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортган шахс учун ҳарбий хизматга муқобил хизматни ўташ имконияти мавжуд эмаслиги фақатгина “зарурий ижтимоий эҳтиёж” билангина оқланиши мумкин²⁴², бундай муқобил хизматнинг мавжуд эмаслигини шунчаки “давлатнинг ҳудудий даҳлсизлигини ҳимоя қилиш зарурияти”²⁴³ баҳонаси билан оқлаб бўлмаслигини Маҳкамама тизим даражасида яққол кўрсатиб ўтган. Алоҳида давлатлар даражасида эса Маҳкамама бирор шахс давлат томонидан эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортган шахс деб топилишига тўсқинлик қилинаётганлигини ушбу шахснинг 9-моддада кўзда тутилган ҳуқуқларини чеклаш деб баҳолайди ва асослашни талаб этади (лекин давлатнинг қарор чиқариш тартиби унинг 9-модда бўйича мажбуриятларига мос келиш шарти билан, “ўзбошимчалик ёки яққол зулм” бундан мустасно, давлатнинг важларини қабул қиласи). (“Дягилев Россияга қарши” ишига қаранг, гарчи ушбу матн ёзилаётган пайт ишни Олий Палатага бериш талаби кўриб чиқилаётган бўлса-да).

Шуни ҳам алоҳида қайдэтиш керак-ки, қонуний асосда чекловлар фақатгина шахсан ва ҳусусий тартибда ўз эътиқодига амал қилиш ҳуқуқига нисбатан киритилиши мумкин, аммо бу эътиқодда собит туришга эмас.²⁴⁴ Ҳар қандай эътиқодда бўлиш ҳамда ўз динини ёки эътиқодини исталган пайтда ўзгартириш мутлақ ва шартсиз

239 ИҲЕК, 9(2)-модда.

240 ИҲАК, 12(2,3)-моддаси.

241 ФСҲХП, 18(3)-моддасида дин ёки эътиқодга сифиниш эркига фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқини сақлаш учун, шунингдек, бошқа шахс ларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар билангина дахл қилиниши мумкин.

242 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Баятян (Bayatyan) Арманистонга қарши” ишида (23459/03), 07.07.2011. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-105611>.

243 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Мушфиг Маммадов (Mushfig Mammadov) ва бошқалар Озарбайжонга қарши” (14604/08), 17.01.2020. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/en-g?i=001-197066>.

244 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. 2020. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенциясининг 9-моддасини кўллаш бўйича йўриқнома. Ҳавола: https://www.echr.coe.int/Documents/Guide_Art_9_ENG.pdf, 25-банд.

ҳуқуқдир. Давлат шахсларни муайян қарашларга мажбурлаб ёки мавжуд шахсий қарашларни ўзгартиришга мажбурлаш орқали бу ҳуқуққа тўсқинлик қилиши мумкин эмас.²⁴⁵

3. Масалага доир ишлар

Инсон ҳуқуқлари бүйича Европа Маҳкаманинг 2000 йилгача бўлган амалиётида эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортиш ҳуқуқи тан олинмас эди. Бир неча ишлар 4(3)(b)-моддасига биноан (масалан, “Г. З. (G. Z.) Австрияга қарши” ишига, № 5591/72, 02.04.1973 ёки “К. (Х.) Германияга қарши” ишига қаранг, № 7705/76, 05.07.1977) кўриб чиқилиши моҳияттан ножоиз деб топилган эди. Кейинги қарорларида эса Маҳкама 9-модда бўйича аризаларни фақатгина 14-модда билан боғлиқликда кўриб чиқар эди ва муқобил фуқаровий хизмат мавжудлигини рўкач қилиб уларни қониқтирумас эди (“Н. (Н.) Швецияга қарши” ишига қаранг, № 10410/83, 11.10.1984).

Эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортиш ҳуқуқини алоҳида ҳуқуқ сифатида тан олиш 2000 йилдангина бошланган. Бу эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортишни фикр, виждон ва дин эркинлигига бўлган ҳуқуқнинг бир қирраси дея қабул қилишни деярли барча иштирокчи-давлатларнинг умумий ижмосига айланганидан сўнг содир бўлди.²⁴⁶

“Тлимменос (Thlimmenos) Гречияга қарши”:²⁴⁷ Иегова шоҳиди бўлмиш аризачи умумий сафарбарлик пайтида ҳарбий формани кийишдан бош тортгани учун судланган. Қамоқ муддатини ярмини ўтаган аризачи ҳисобчи лавозимига ҳужжатларни топширган, лекин унга оғир жиноятчиликда айбланиб судлангани учун рад жавоби берилган. Гарчи Гречия қонунчилигига ҳарбий хизматдан бош тортгани учун судланган шахслар учун ўзини эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортган шахс сифатида тан олинишини сўраб арз киритиш, ва шу асосда айблов ҳукмини олиб ташлаш ҳуқуқи кўзда тутилган бўлса-да, аризачига нисбатан бу ҳуқуқ рад этилган. Аризачи у ва бошқа оддий жиноят учун судланганлар ўртасида

245 Масалан, қаранг: Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Иванова (Ivanova) Болгарияга қарши” (52435/99), 12/07/2007. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-80075>, 79-банд; Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Мокуте (Mockuté) Литвага қарши” (66490/09), 27/05/2018. Ҳавола: <https://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-181202>, 119-банд.

246 Karen Reid. 2015. A Practitioner’s Guide to the European Convention on Human Rights (5th Edition, Sweet and Maxwell), 368-6.

247 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Тлимменос (Thlimmenos) Гречияга қарши” (34369/97), 06/04/2000. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-58561>.

ҳеч қандай фарқ кўрсатилмаганидан шикоят қилган. Маҳкама бу ишда эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортганлар учун тегишли қонунчиликка истисноларни киритмаган давлатни 9-моддада кўзда тутилган ҳуқуқларни бузилишида айбдор деб топган.

“Юлке (Ülke) Туркияга қарши” иши:²⁴⁸ аризачи ўзини пацифист деб эълон қилган ва шу асосда ҳарбий хизматни ўташдан бош тортган. Бунинг натижасида у бир неча бор жавобгарликка тортилган. Маҳкама аризачини ёнини олиб, эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортган шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган тегишли қонунчилик базасининг мавжуд эмаслигини 3-модданинг бузилиши сифатида эътироф этган. Тегишли қонунчиликнинг мавжуд эмаслиги ўз навбатида ушбу аризачини ҳарбий хизматга мажбурлаш мақсадида қўлланган жазолар номутаносиб бўлганига олиб келган.

“Баятян (Bayatyan) Арманистонга қарши” иши:²⁴⁹ Европа конвенциясининг 9-моддаси эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортиш ҳуқуқини бериш/бермаслиги айнан шу иш мобайнода илк бор кўриб чиқилган²⁵⁰. Иегова шоҳиди бўлмиш аризачи ҳарбий хизматни ўтишга рози бўлмаган, лекин муқобил фуқаровий хизматни ўтишдан бош тортмаган. У пайтда Арманистонда бундай муқобил хизмат мавжуд бўлмаганлиги сабабли, аризачи унга нисбатан 9-модда бузилганлиги ҳақида шикоят киритган. Европа Кенгаши аъзо давлатларининг миллий ҳуқуқий тизимларидаги ҳамда Халқаро майдондаги воқеалар ривожини инобатга олган Маҳкама бу ишда аввалги мантиғидан яққол четлашган ҳолда қарор чиқарган. Ушбу ҳуқуқнинг амал доирасига тушиши учун инсон “армияда хизмат қилиш мажбурияти ҳамда ўзининг виждони ёки чин дилдаги диний ёки бошқа эътиқоди ўртасида жиддий ва ҳал қилиб бўлмайдиган иҳтилофни бошидан кечираётган бўлиши” лозим;²⁵¹ ҳамда урушда ҳар қандай шаклда иштирокка ёки қуролланишга қарши қатъий, ўзгармас ва чин қалбдан чиқаётган эътиroz бўлиши лозим.²⁵² Баятян ишида барча ушбу шартлар мавжуд бўлиб, давлат буларни инобатга олишни ўз қонунчилигига кўзда тутмаган, ва демак, инсон ҳуқуқлари ва давлат манфаатлари ўртасида адолатли мувозанатни сақламаган. Маҳкама эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортган шахсни жазога тортиш унинг диний

248 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси, “Улке (Ülke) Туркияга қарши” (39437/98), 24/04/2006. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-72146>.

249 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Баятян (Bayatyan) Арманистонга қарши” ишида (23459/03), 07.07.2011. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-105611>.

250 БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, 2012. Эътиқоди деб ҳарбий хизматни ўташдан бош тортиш. Ҳавола: https://www.ohchr.org/Documents/Publications/ConscientiousObjection_en.pdf, 15-6.

251 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Баятян (Bayatyan) Арманистонга қарши” ишида (23459/03), 07.07.2011. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-105611>. 110-банд.

252 Ўша ерни қаранг.

эътиқодига аралашиш билан тенг эканлигини ҳам эътироф этган. Натижада Маҳкама тарихда илк бор дини ёки эътиқоди деб ҳарбий хизматни ўташдан бош тортаётган инсонни жазолаш 9-модданинг бузилиши деб баҳолаган.

“Эржеп (Erçep) Туркияга қарши”:²⁵³ Иегова шоҳиди бўлмиш аризачи ҳарбий хизматни ўташдан бош тортгани учун дезертирлик моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилган. Аризачи ўзига нисбатан 9-модда бузилганлиги ҳақида шикоят киритган. Маҳкама “Баятян (Bayatyan) Арманистонга қарши” ишида қўлланган мантиқни бу ишда ҳам айни қўллаган.²⁵⁴ Маҳкама давлатда тегишли қонунчилик ҳамда муқобил хизмат мавжуд эмаслигини ҳисобга олган ҳолда “аризачининг эътиқодини ҳисобга олмай жазолаш демократик жамиятда зарурый чора ҳисобланмаслигини” эътироф этган.

“Фети Демирташ (Feti Demirtaş) Туркияга қарши” иши:²⁵⁵ Иегова шоҳиди бўлмиш аризачи ўз эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортса ҳам, ҳарбий хизмат мажбуран сафарбар этилган. Армияда у ҳарбий формани кийишдан бош тортгани учун ҳарбий трибуналга тортилган. Тергов жараёнида унга нисбатан таҳдиidlар ва зулм ўтказилганини иддао қилаётган аризачи ўзига нисбатан 9-модда бузилганлиги ҳақида шикоят киритган. Бу ишда ҳам Маҳкама давлатда тегишли қонунчилик ҳамда муқобил хизмат мавжуд эмаслигини ҳисобга олган ҳолда “аризачининг эътиқодини ҳисобга олмай жазолаш демократик жамиятда зарурый чора ҳисобланмаслигини” эътироф этган. Маҳкама шунингдек унга нисбатан 6(1)-моддаси бузилганлигини қайд этган.

“Савда (Savda) Туркияга қарши” иши:²⁵⁶ аризачи ўзини пацифист деб эълон қилган ва шу асосда ҳарбий хизматни ўташдан бош тортган. Мажбуран ҳарбий хизматга сафарбар этилганда у ҳарбий қисмни ўз бошимча тарк этган. Бунинг натижасида у бир неча бор жавобгарликка тортилган ва “шахснинг асоциал бузилишлари” диагнози билан ҳарбий хизматдан ҳайдалган. Маҳкама аризачини ёнини олиб, эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортган шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган тегишли қонунчилик базасининг мавжуд эмаслигини 3-модданинг бузилиши сифатида эътироф этган. Тегишли қонунчиликнинг мавжуд эмаслиги ўз навбатида ушбу аризачини ҳарбий хизматга мажбурлаш мақсадида қўлланган

253 Инсон ҳукуқлари Европа Маҳкамаси. “Эрчеп Туркияга қарши” (43965/04), 22/11/2011. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=002-313>.

254 Инсон ҳукуқлари Европа Маҳкамаси. “Баятян (Bayatyan) Арманистонга қарши” (23459/03), 07.07.2011. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-105611>.

255 Инсон ҳукуқлари Европа Маҳкамаси. “Фети Демирташ (Feti Demirtaş) Туркияга қарши” (5260/07), 17.04.2012. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-108617>.

256 Инсон ҳукуқлари Европа Маҳкамаси. “Савда (Savda) Туркияга қарши” (42730/05), 12.09.2012. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-111414>.

жазолар номутаносиб бўлганига олиб келган. Шунингдек унга нисбатан 9- ва 6(1)-моддалар бузилганлиги аниқланган.

“Энвер Айдемир (Enver Aydemir) Туркияга қарши” иши:²⁵⁷ аризачи ҳарбий хизматга сафарбар этилгач ўзини эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортган шахс деб эълон қилган. Тергов даврида аризачи Туркияning дунёвий қонунларини тан олмаслигини, шариат қонунлари бўйича яшашни исташини ва шу учун “дунёвий Туркия Республикасига оид ҳарбий формани кийишдан бош тортишини” билдирган. Аризачининг айтишича, ҳибсда сақланаётгандан уни ҳарбий формани кийишга мажбур қилишган ва бошқа шаклларда қийиноқقا солишган. Шикоятни кўриб чиқсан Маҳкаманинг таъкидлашича, ушбу ҳуқуқнинг амал доирасига тушиши учун инсон “армияда хизмат қилиш мажбурияти ҳамда ўзининг виждони ёки чин дилдаги диний ёки бошқа эътиқоди ўртасида жиддий ва ҳал қилиб бўлмайдиган иҳтилофни бошидан кечираётган бўлиши” лозим; ҳамда қалбida ҳар қандай шаклда урушда иштирокка ёки қуролланишга қарши қатъий, ўзгармас ва самимий эътиroz бўлиши лозим. Аризачи келтирган далиллар аризачининг эътиқоди ҳар қандай шаклдаги ҳарбий хизматга ёки қуролланишга эмас, фақатгина “дунёвий давлатнинг” ҳарбий хизматига йўл қўймаслигига ишора қилган. Натижада, Маҳкама аризачи кўнглида “ҳарбий иштирок ёки қуролланишнинг ҳар қандай шаклига қарши қатъий, ўзгармас ва самимий эътиroz” мавжудлигини сезмаган.²⁵⁸ Шунинг учун ҳам Маҳкама аризачининг 9-модда бузилганлиги ҳақидаги шикоятини қониқтиргмаган, лекин терговда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги туфайли унга нисбатан 3-модда бузилганлигини эътироф этган.

“Папавасилакис (Papavasilikis) Гречияга қарши” иши:²⁵⁹ Гречия фуқароси бўлмиш аризачи ўзини Иегова шоҳиди деб эълон қилган, лекин чўқинтирилмаган. У зўравонликнинг ҳар қандай шаклига қарши эканлигини айтиб, муқобил фуқаровий хизматни ўташ учун мурожаат қилган. Гречия қонунчилигига кўра, муқобил хизматни ўташга Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги маҳсус кенгашнинг суҳбатидан сўнг рухсат берилади. Унинг мурожаати ушбу кенгашда кўриб чиқилган ва рад этилган, ўзига эса кейинчалик итоатсизлик айлови қўйилган ва жарима тўлаттирилган. Маҳкаманинг фикрича, “эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортган шахсларнинг мақомини белгилаш тартиби нисбатан мустақил ва очик бўлишини таъминлаш давлатнинг мажбуриятидир. Бундай тартиб

257 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Энвер Айдемир (Enver Aydemir) Туркияга қарши” (26012/11), 07.09.2016. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-163456>.

258 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. 2016. “Энвер Айдемир (Enver Aydemir) Туркияга қарши” иши бўйича ҳуқуқий изоҳ (26012/11). Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=002-11230>.

259 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Папавасилакис (Papavasilikis) Гречияга қарши” (66899/14), 15.09.2016. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-166850>.

самарали бўлишининг шартларидан бири уни ижро этаётган шахсларнинг давлат органларидан мустақиллигидир”.²⁶⁰ Маҳкама шунингдек эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортган шахслар асосли равишда айнан ҳарбий трибуналда судланишдан хавфсирашига муайян асослар мавжудлигини эътироф этган, чунки судялари ҳарбий хизматчи бўлмиш бундай трибуналлар суд томонларидан бирига айланиб қолиши ҳам мумкин (Фети Демирташ (Feti Demirtaş) ишига қаранг). Трибуналда фуқаролар ва ҳарбий хизматчилар тенг равишда акс этилмаганини ҳисобга олиб,²⁶¹ Маҳкама Греция давлати 9-моддага мувофиқ ўз мажбуриятини самарали бажармаганини қайд этган.

“Адян (Adyan) ва бошқалар Арманистонга қарши”:²⁶² Иегова шоҳидлари бўлмиш бир гуруҳ шикоятчилар ҳам ҳарбий, ҳам муқобил хизматни ўташдан бош тортгани учун қамалган. Уларнинг аризасига кўра, таклиф этилган муқобил хизмат тўлиқ фуқаровий тусда бўлмаган, чунки ушбу хизматга ҳарбий органлар бошчилик қилган. Маҳкаманинг ҳулосасига кўра, фақатгина муқобил хизматнинг мавжудлиги давлат 9-моддаси бўйича ўз мажбуриятларини бажарди деб ҳисоблашга етарли эмас, бундай муқобил хизмат чиндан ҳам ҳарбий хизматга муқобил бўлиши ва моҳиятан на жазоловчи, на чекловчи тусда бўлиши шарт. Гарчи муқобил хизматни ўтаётган шахслар бажараётган ишлар фуқаровий тусда бўлганини Маҳкама қайд этган бўлса-да, “бажарилаётган ишнинг тури муқобил хизмат чиндан ҳам фуқаровий тусда эканлигини аниқлашда кўпгина факторлардан бири, холос. Назорат ва бошқарувни ким амалга ошираётгани ҳам муҳим”.²⁶³ Муқобил хизмат ҳарбий тизимдан етарлича ажратилмаганини, ҳамда муддати (24 ой) ҳарбий хизматга (12 ой) нисбатан узунроқ эканлигини, ва демак, буюк эҳтимол ила, таҳқирловчи ёки чекловчи тусда эканлигини ҳисобга олган ҳолда Маҳкама 9-модда бузилганлигини қайд этган.

“Мушфиг Маммадов (Mushfig Mammadov ва бошқалар Озарбайжонга қарши” иши:²⁶⁴ Иегова шоҳиди бўлмиш бир гуруҳ аризачи ҳарбий хизматни ўтишга рози бўлмаган, лекин муқобил фуқаровий хизматни ўтишдан бош тортмаган. Бундай муқобил хизмат Озарбайжонда мавжуд бўлмаган. Шу сабабли ҳарбий хизматдан бош тортишда давом этаётган бу шахслар қамоқ жазосига тортилган.

260 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. 2016. “Папавасилакис (Papavasilikis) Грецияга қарши” иши бўйича ҳуқуқий изоҳ (66899/14). Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=002-11317>.

261 Ўша ерни қаранг.

262 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Адян (Adyan) ва бошқалар Арманистонга қарши” (75604/11), 12.01.2018. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-177429>.

263 Ўша ерни қаранг, 68-пункт.

264 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Мушфиг Маммадов (Mushfig Mammadov) ва бошқалар Озарбайжонга қарши” (14604/08), 17.01.2020. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/en-g?i=001-197066>.

Маҳкамама Озарбайжон давлати муқобил фуқаровий хизматни ўз қонунчилигига кўзда тутмаган, ва демак, инсон ҳуқуқлари ва давлат манфаатлари ўртасида адолатли мувозанатни сақламаган деб топди. Маҳкамама эътиқоди деб ҳарбий хизматдан бош тортган шахсни жазога тортиш унинг диний эътиқодига аралашиш билан тенг эканлигини ҳам эътироф этган. Натижада Маҳкамама дини ёки эътиқоди деб ҳарбий хизматни ўташдан бош тортаётган инсонларни жазолаш 9-модданинг бузилиши деб баҳолаган. Маҳкамама шунингдек Озарбайжон давлатига тегишли ўзгартиришларни ўз қонунчилигига киритиш мажбуриятини юклаган.

Йиғин ва уюшмалар эркинлиги

1. Таърифи ва ҳуқуқий ҳужжатлар

“Хельсинки Якунловчи акти ҳамда ЕХХК/ЕХХТ кўпгина бошқа келишувларида барча иштирокчи-давлатлар тинч йиғинларни ҳимоя қилиш ва алоҳида шахсларнинг бошқалар билан уюшиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш мажбуриятини ўз бўйнига олган, гарчи бу шахслар йиғилишларда ҳукуматни танқид қилаётган ёки умуман олганда, хуш кўрилмаган фикрларни баён этаётган бўлса ҳам.²⁶⁵ Йиғинлар ва уюшмалар эркинлигини миллий ва халқаро ҳужжатларда битиб қўйиш узоқ анъанага эга. Жереми Бентам (Jeremy Bentham) ўзининг 1776 йилдаги “Ҳукумат борасида фикрлар” асарида уюшиш эркинлигини “норозилар ўз кайфиятини тарқатиш, норозиликнинг барча кўринишини қўллаш ҳақидаги режаларини мувофиқлаштириш эминлиги, бунда ҳуқуқий нуқтаи назардан ижроия органларининг аралашуви жоиз бўладиган исён кўтариш ҳоллари мустасно” деб таърифлаган.²⁶⁶ Шундан бери йиғинлар ва уюшмалар эркинлигининг тушунчаси анча ўзгарган ва ҳозирги пайтда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги барча муҳим ҳужжатларда эътироф этилган.

265 Европада ҳамкорлик ва хавфсизлик комиссияси. Йиғинлар ва уюшмалар эркинлиги. Ҳавола: <https://www.csce.gov/issue/freedom-association-and-assembly>.

266 “Йиғин ва уюшмалар эркинлиги”. Правительства стран мира: Глобальное руководство по правам и обязанностям граждан. Encyclopedia.com. (30 сентября 2020 года). Ҳавола: <https://www.encyclopedia.com/international/legal-and-political-magazines/freedom-assembly-and-association>; қаранг. Бентам, Джереми (Bentham, Jeremy) – Дополнительная библиография [мурожаат санаси: 10 июль 2020 года]. Ҳавола: <https://www.encyclopedia.com/people/philosophy-and-religion/philosophy-biographies/jeremy-bentham>.

Йиғилиш эркинлиги мақсади сиёсий, диний ёки маънавий, ижтимоий ва бошқа бўлмиш оммавий ёки ҳусусий йиғинларни, маршлар, юришлар, намойишлар, иш ташлашларни қамраб олади. Буларга, ҳар қандай йиғилиш фақат тинч ўтиши шартидан бошқа, ҳеч қандай тақиқ қўйиш мумкин эмас. Тасодифий ғалаёнларнинг вужудга келиши йиғин бу эркинлик кафолатлаган ҳимоядан маҳрум этилишини англатмайди.²⁶⁷

Аммо Конвенция қадриятларига зид фаолият билан шуғулланаётган уюшмалар 11-моддада кўзда тутилган ҳимоя доирасига тушмайди, чунки 17-моддада Конвенцияда эътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликларни бекор қилиш ёки уларни Конвенцияда назарда тутилганидан кўпроқ даражада чеклашга қаратилган бирон-бир фаолият билан шуғулланиш ёки бирон-бир ҳаракатни содир этиш ҳуқуқига эга деб талқин қилиниши мумкин эмас деб айтилган.²⁶⁸

Уюшиш эркинлиги муштарак манфаатни кўзлаб фаолият юритадиган ташкилотни тузиш учун бошқалар билан уюшиш ҳуқуқини белгилайди. Бу эркинлик, жумладан ўз аъзоларининг манфаатини ҳимоя қилиш учун касабалар уюшмасини тузиш ҳуқуқини кўзда тутади. Касабалардан бошқа яна икки ташкилот тури алоҳида аҳамиятга эга: сиёсий партиялар ва диний ташкилотлар.²⁶⁹

Конвенциянинг 11(1)-моддасида айтилишича, ҳар ким тинч йиғинлар эркинлиги ҳамда бошқалар билан уюшиш эркинлиги ҳуқуқига эга, шу жумладан касаба уюшмалари тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун шундай уюшмаларга аъзо бўлиш ҳуқуқига эга.²⁷⁰ ИХУД 20-моддасида айтилишича: (1) ҳар ким тинч йиғилишлар ва уюшмалар эркинлиги ҳуқуқига эга ва (2) ҳеч ким бирор бир уюшмага мажбуран киритилиши мумкин эмас. ФСҲХП 21-моддасида тинч йиғинларга ҳуқуқ тан олинган. БМТ йиғинлар ва уюшмалар эркинлиги бўйича Махсус маърузачи лавозимини жорий этган. Махсус маърузачи йиғинлар ва уюшмалар эркинлиги борасидаги глобал, миintaқавий ва маҳаллий жараёнларни кузатиш; ушбу ҳуқуқни таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; ушбу ҳуқуқдан фойдаланаётган инсонларга нисбатан тазийқ, таҳдид, зўравонлик, таҳқирлаш ва зулм қилиш ҳоллари хақида БМТга маълумот бериш ваколатига эга.²⁷¹

267 Европа Кенгаши. Йиғин ва уюшмалар эркинлиги. Ҳавола: <https://www.coe.int/en/web/echr-toolkit/la-liberte-de-reunion-et-dassociation>

268 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. 2020. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенциясининг 11-моддасини қўллаш бўйича йўриқнома: Йиғин ва уюшмалар эркинлиги. Ҳавола: https://www.echr.coe.int/Documents/Guide_Art_11_ENG.pdf, 109-банд.

269 Европа Кенгаши. Йиғин ва уюшмалар эркинлиги. Ҳавола: <https://www.coe.int/en/web/echr-toolkit/la-liberte-de-reunion-et-dassociation>

270 ИХЕК, 11(1)-моддаси

271 Қаранг. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси. Ҳавола: <https://www.ohchr.org/EN/Issues/AssemblyAssociation/Pages/SRFreedomAssemblyAssociationIndex.aspx>

Йиғинлар ва уюшмалар эркинлиги фикр, виждон ва дин эркинлиги (9-модда) ҳамда ўз фикрини ифодалаш эркинлиги (10-модда) билан чамбарчас боғлиқ. Конвенциянинг 10- ва 11-моддалари демократик жамиятнинг асоси бўлиб, чекловчи тарзда талқин қилиниши мумкин эмас.²⁷² Фикр ва уни ифодалаш эркинликларининг ҳимояси 11-модданинг энг муҳим қисмларидандир.²⁷³ Шунинг учун ҳам, 11-модда 10-модда контекстида кўрилиши лозим, бунда йиғилиш эркинлигидан кўзланган мақсад ўз фикрини эмин баён қилиш, норозиликни билдириш ва умумжамоавий масалаларни муҳокама қилиш учун платформа сифатида ҳизмат қилишдир.²⁷⁴

2. Йиғинлар ва уюшмалар эркинлигини чеклаш ёки ундан фойдаланишга тўсқинлик қилиш

Йиғинлар ва уюшмалар эркинлигига ҳуқуқ мутлақ эмас.ФСҲХП 4-моддасига кўра, “фавқулодда ҳолат юз берган вақтда, миллат ҳаёти хавф остида қолган ва бу ҳолат ҳақида расмий эълон қилинганда” давлатлар Пакт бўйича олган ўз мажбуриятларидан чекиниш учун чоралар кўриши мумкин, жумладан йиғинлар ва уюшмалар эркинлиги борасида ҳам. Бу чекинишни аҳвол кескинлиги талаб этган бўлиши ҳамда бу чоралар халқаро ҳуқуқлар борасидаги бошқа мажбуриятларга хилоф бўлмаслиги ва ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини ва ижтимоий аҳволи жиҳатидан камситишга олиб келмаслиги керак.²⁷⁵

ФСҲХП 21-моддасида йиғилиш ҳуқуқидан фойдаланишда ҳеч бир чеклашга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Қонунга мувофиқ қўйилган ва демократик жамиятда давлат ва жамият хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли саломатлиги ва ахлоқи ёки бошқа шахслар ҳуқуқлари ва эркинлиги манфаатлари учун зарур бўлган чекланишлар бундан мустасно. 22(2)-моддасида эса ҳудди шундай қоида уюшиш эркинлиги борасида мустаҳкамланган.

Европа конвенциясининг 11-моддасига кўра йиғинлар ва уюшмалар эркинлиги муҳим уч қисмдан иборат: тинч йиғилишлар эркинлиги, бошқалар билан уюшиш эркинлиги ҳамда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларини тузиш

272 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. 2020. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенциясининг 11-моддасини қўллаш бўйича йўриқнома: Йиғин ва уюшмалар эркинлиги. Ҳавола: https://www.echr.coe.int/Documents/Guide_Art_11_ENG.pdf, 1-банд

273 Ўша ерни қаранг, 3-боб.

274 Ўша ерни қаранг, 4-боб.

275 ФСҲХП, 4-модда.

ва аъзоси бўлиш эркинлиги. 11 -моддага кўра: “Бу ҳуқуқларни амалга оширишга ҳеч қандай чеклашлар қўйилмайди, қонунда назарда тутилган ҳамда демократик жамиятда миллий хавфсизлик ва жамоаттартиби манфаатларида, тартибсизликлар ва жиноятларнинг олдини олиш мақсадида, соғлиқни ва маънавиятни муҳофаза қилиш ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган чеклашлар бундан мустасно. Ушбу модда давлатнинг қуролли кучлари, полицияси ёки маъмурий органлари таркибига кирувчи шахслар томонидан бу ҳуқуқларнинг амалга оширилишига қонуний чеклашлар жорий этилишига тўсқинлик қилмайди”.²⁷⁶

Бу эса ҳарбий хизматга чақирилган шахсларга нисбатан ушбу норманинг қўлланиш доирасини яққол белгилаб беради. Маҳкама амалиётида кейинчалик изоҳланишича, давлат ҳарбий хизматчиларнинг йигин ва уюшмалар эркинлигига бўлган ҳуқуқини ҳурмат қилиши лозим, лекин, шу билан бирга, 11-модда 2-бандига кўра, давлат қуролли кучлари, полиция ёки маъмурий органлар таркибига кирувчи шахслар томонидан бу ҳуқуқларнинг амалга оширилишига қонуний чеклашлар жорий этиши мумкин.²⁷⁷ Ҳозиргача Европа Маҳкаманинг амалиётида йиғилиш эркинлигига эмас, асосан давлат хизматчиларининг уюшиш эркинлигига бўлган чекловлар кўриб чиқилар эди.²⁷⁸ Конвенциянинг 11-моддасида кўзда тутилган ҳуқуқларни чеклаш “демократик жамиятда жоизлиги” масаласига келсак, давлат қуролли кучлари, полиция ёки маъмурий органлар таркибига кирувчи шахслар томонидан бу ҳуқуқларнинг амалга оширилишига қонуний чеклашлар жорий этиши мумкинлигини Маҳкама тасдиқлади. Лекин 11-моддадаги истиснолар фақатгина муайян ҳолларда, яъни бу қатламнинг уюшиш эркинлигини чеклаш учун жўяли ва салмоқли сабаблар бўлсагина татбиқ этилиши мумкин. Жоизликни белгилашда Иштирокчи-давлатлар чекланган ихтиёр эркинлигига эга.²⁷⁹ Маҳкама одатда “демократик жамиятдаги жоизлик” масаласини кўриб чиқишни бу чеклов “долзарб ижтимоий заруриятга” жавоб тариқасида бўлганлигини аниқлашдан бошлайди. Масалан, касаба уюшмасини тузишга қўйилган чеклов бу уюшма давлат ёки демократик жамиятга бевосита таҳдид эканлиги ҳақида асосли далиллар билан оқланиши керак. Бундай таҳдиднинг мавжудлиги аввало бу борада кенг ихтиёр эркинлигига эга давлат органлари томонидан баҳоланади. Лекин шунга қарамай, бу ихтиёр Маҳкама томонидан суд назоратини ўрнини боса олмайди.²⁸⁰

276 ИХЕК, 11(2)-модда.

277 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. 2020. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенциясининг 11-моддасини қўллаш бўйича йўриқнома: Йигин ва уюшмалар эркинлиги. Ҳавола: https://www.echr.coe.int/Documents/Guide_Art_11_ENG.pdf.

278 Ўша ерни қаранг.

279 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. Тум Хабер Сен (Tüm Haber Sen) ва Чинар (Çınar) Туркияга қарши” (28602/95), 21.05.2006. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-72521>.

280 William A. Schabas. 2015. The European Convention on Human Rights: A Commentary. Oxford University Press.

Тўсқинлик шунингдек мутаносиблик мезонига мос бўлиши лозим. Давлат органлари келтираётган сабаблар долзарб ва етарли бўлиши ҳамда тегишли фактларни муносиб баҳолашга асосланиши керак.²⁸¹

Муайян ҳарбий хизматчи ва бошқа давлат хизматчисига келсак, Маҳкамама лўнда қилиб, уларга 11(2)-моддасига биноан қўйилаётган чекловлар 11-моддасида кўзда тутилган эркинликлардан “фойдаланишгагина” тааллуқли бўлиши кераклигини урғулаган. Бу дегани, кўрилган чоралар “уюшма тузиш ҳуқуқининг моҳиятини” бузмаслиги керак (масалан, қаранг. “Демир (Demir) Туркияга қарши” ишига). Масалан, ҳарбий хизматчиларга касаба уюшмасини тузиши ва унга аъзо бўлишини тўлиқ тақиқлаш мумкин эмас эди (қаранг. “Демир (Demir) Туркияга қарши”, “Адефдромил (Adefdromil) Францияга қарши”, “Мателли (Matelly) Францияга қарши” ишларига). Ва аксинча, уларнинг иш ташлашга бўлган ҳуқуқини чеклаш ёки бу ҳуқуққа тўсқинлик қилиш жоиздир (қаранг. “Огневенко Россияга қарши”, п. 72). Қандай бўлмасин, истиснолар ҳарфтан талқин қилиниши лозим, далиллар сифатида “салмоқли ва ишончли сабаблар” зарур (қаранг. “Демир (Demir) Туркияга қарши” ишига). Маҳкамама, армиянинг жамиятдаги ўрнини ҳисобга олган ҳолда қуролли кучларнинг сиёсий бетарафлиги ҳар қандай демократик жамиятнинг қонуний мақсади эканлигини эътироф этади, ва демак, ҳарбий хизматга чақирилганларнинг уюшишга бўлган ҳуқуқига муайян чекловлар қўйилишини жоиз деб ҳисоблади.²⁸² Бу қараш “Эрдель (Erdel) Германияга қарши” ишида²⁸³ намоён бўлган: аризачи Германия маҳсус хизматининг эътибор марказида турган сиёсий партиянинг аъзоси бўлгани учун уни ҳарбий хизматга сафарбар этиш ҳақидаги қарор бекор қилинган эди. Ҳарбий қўмондонлик ва маъмурий судлар бу қарор келажакда ўнг экстремистик ғоялар таъсиригатушиб қолган Германия солдати содир этиши мумкин бўлган жиноятларни олдини олиш учун жоиз бўлган деб топган. Маҳкамама қуролли кучларнинг сиёсий бетарафлиги жоиз мақсад эканлигини, Учинчи рейхда содир этилган воқеалар сабабли, бу бетарафлик Германияда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини, ГФР конституцияси “ўзини ўзи ҳимоя қила оладиган демократия” тамойили асосида тузилганини инобатга олиб ҳарбий қўмондонликнинг бу қарорини қонуний деб топган. Натижада, аризачининг шикояти асоссиз деб қондирилмаган.

Қуролли кучларда тартиб ва интизомни сақшлаш чоралари ҳам қонунийдир. Бу қараш, юқорида муҳокама этилган, “Энгель (Engel) ва бошқалар Нидерландларга қарши” ишида ўз аксини топган.²⁸⁴ Маҳкамага кўра, 10- ва 11-моддалари чамбарчас

281 Ўша ерни қаранг.

282 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. Эрдель (Erdel) Германияга қарши” (30067/04), 13.02.2007. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-79618>.

283 Ўша ерни қаранг.

284 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. Энгель (Engel) ва бошқалар Нидерландларга қарши” (5100/71; 5101/71; 5102/71; 5354/72; 5370/72), 08.06.1976. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/tur?i=001-57479>.

боғлиқлиги ҳарбий интизомни сақлаб туриш зарурати йиғинлар ва уюшмалар эркинлигига муайян чекловлар қўйилиши мумкинлигини англатади.

Конвенцияда кўзда тутилган ушбу умумий тамоилилардан бошқа, уюшиш эркинлиги билан боғлиқ масалалар қандай кўриб чиқилиши борасида давлатлар ўртасида муштарак қараш мавжуд эмас. ЕХХТ/ДИИҲБ-DCAF Ҳарбий хизматчиларининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари бўйича Маълумотномасида бу борада учта асосий ёндашув қайд этилган: баъзи давлатларда бундай уюшмалар ва ташкилотлар бутунлай тақиқланган, баъзиларида давлат томонидан молиялаштириладиган уюшмалар мавжуд, баъзиларида эса тўлиқ мустақил ҳарбий уюшма ёки касабалар фаолият юритади.²⁸⁵ Ҳарбий қўмондонлик қуролли кучларда касаба уюшмаларини тузишга рухсат беришга турли даврларда унчалик ҳайриҳо бўлмаган.²⁸⁶ Маҳкама ҳарбий хизматда баъзи чеклашлар бўлиши мумкинлигини эътироф этган ҳолда, ҳарбий хизматга чақирилганлар ўз манфаатини ҳимоя қилиш йўлида уюшишини қонунан тўлиқ тақиқлаш ҳам жоиз эмаслигини таъкидлаган. Давлатлар 11-моддада кўзда тутилган эркинликларни чеклашга қаратилган ноқонуний чораларни қўллашдан тийилиши лозим. Йиғинлар ва уюшмалар эркинлиги демократия билан чамбарчас боғлиқ бўлгани учун бу эркинликни чеклаш учун ўта жўяли сабаблар бўлиши шарт.²⁸⁷ 11-модданинг асосий мақсади ушбу моддада келтирилган эркинликлардан фойдаланаётган шахсни давлат органларининг тазийқидан ҳимоя қилиш бўлгани учун, давлатга бу ҳуқуқларни таъминлаш борасида қўшимча позитив мажбуриятлар юкланиши мумкин.²⁸⁸

Европа Кенгашининг тавсиясига кўра, ҳарбий хизматчилар ўз манфаатини акс этаётган ташкилотларни тузиш ва уларга аъзо бўлиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Бундай ҳуқуқ уларга берилмаган тақдирда, чекловнинг важларини қайта кўриб чиқиш ва номутаносиб ёки ортиқча тўсиқларни олиб ташлаш керак. Шунингдек, қонуний тарзда тузилган ташкилот ва уюшмалардаги аъзолик учун ҳарбий хизматчиларга интизомий чоралар кўрилмаслиги керак²⁸⁹. Касбий ҳарбийлар ва

285 ЕХХТ/ДИИҲБ-DCAF. 2008. Ҳарбий хизматчиларининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари бўйича Маълумотнома. Ҳавола: <https://www.dcaf.ch/sites/default/files/publications/documents/HandbookHumanRightsArmedForces-080409.pdf>

286 Jennifer Mittelstadt. 2011. “The Army is a Service, Not a Job”: Unionization, Employment, and the Meaning of Military Service in the Late-Twentieth Century United States. In International Labor and Working-Class History. Cambridge University Press.

287 William A. Schabas. 2015. The European Convention on Human Rights: A Commentary. Oxford University Press.

288 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. 2020. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Европа Конвенциясининг 11-моддасини қўллаш бўйича йўриқнома – Йиғин ва уюшмалар эркинлиги. Ҳавола: https://www.echr.coe.int/Documents/Guide_Art_11_ENG.pdf

289 Европа Кенгashi: Вазирлар Қўмитаси. 2010. Қўмитанинг иштирокчи-давлатларга ҳарбий хизматчиларининг инсон ҳуқуқлари бўйича CM/Rec(2010)4 Тавсияси ва Изоҳловчи меморандум, 51-бет.

муддатли ҳарбий хизматга чақирилганларнинг йиғинлар ва уюшмалар эркинлиги ўртасида фарқлаш лозим бўлса-да, лекин 11-модданинг умумий тамойиллари бу икки турдаги ҳарбий хизматчиларга тенг қўлланиши керак.

3. Масалага доир ишлар

Қўйида келтирилган ҳолатлар асосан фикр ифодалаш эркинлигига тааллуқли бўлса ҳам, кўпинча ҳам 10 -модда, ҳам 11 -модда қўлланилади.

“Эрдель (Erdel) Германияга қарши” иши (ишни кўриб чиқиш жоизлиги борасида суд қарори):²⁹⁰ касби ҳуқуқшунос бўлмиш аризачи, Германия маҳсус хизматининг эътибор марказида турган сўл қанот Die Republikaner сиёсий партиясининг аъзоси бўлган. Конституция ва демократик тизимга қарши эканлигига гумонланаётган сиёсий ташкилотда аъзолиги деб уни ҳарбий хизматга сафарбар этиш ҳақидаги аввалги тўхтам бекор қилинган эди. Ҳарбий қўмондонлик ва маъмурий судлар бу қарор келажакда сўл экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолган Германия солдати содир этиши мумкин бўлган жиноятларни олдини олиш учун жоиз бўлган деб топган. Маҳкама қуролли кучларнинг сиёсий бетарафлиги жоиз мақсад эканлигини, Учинчи рейхда содир этилган воқеалар сабабли, бу бетарафлик Германияда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини, ГФР конституцияси “ўзини ўзи ҳимоя қила оладиган демократия” тамойили асосида тузилганини инобатга олиб ҳарбий қўмондонликнинг бу қарорини қонуний деб топган. Натижада, аризачининг шикояти асоссиз деб қондирилмаган.

“Адефдромил (Adefdromil) Францияга қарши” ва “Мателли (Matelly) Францияга қарши”:²⁹¹ бу икки қарор бир кунда чиқарилган. Аризачилар ҳарбий интизомга зид эканлиги важи билан Франция қуролли кучлари таркибида касаба уюшмаларни тузишни тақиқловчи миллий қонунчилик устидан шикоят киритган. Маҳкаманинг қарорига кўра, ишчиларнинг ҳеч қайси категорияси 11-модданингамалдоирасидан четлаштирилмаслиги керак, 11(2)-модданинг қўшимча қоидалари ҳарфан талқин этилиши лозим ҳамда чекловлар йиғинлар ва уюшмалар эркинлигига ҳуқуқни

290 Инсон ҳуқуқлари Евropa Маҳкамаси. Эрдель (Erdel) Германияга қарши” (30067/04), 13.02.2007. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-79618>.

291 Инсон ҳуқуқлари Евropa Маҳкамаси. “Адефдромил Францияга қарши” иши (32191/09). 02/10/2014. Ҳавола: <https://hudoc.echr.coe.int/app/conversion/docx/pdf?library=ECHR&id=002-10127&filename=CEDH.pdf>; “Мателли (Matelly) Францияга қарши” иши (10609/10). 02/10/2014. Ҳавола: <https://hudoc.echr.coe.int/app/conversion/docx/pdf?library=ECHR&id=002-10126&filename=CEDH.pdf>

“амалга оширилишига” қўйилиши мумкин, моҳиятига эмас. Давлат легитим мақсадни – қуролли кучлар сафида тартиб ва интизомни сақлашни кўзлаганлиги эътироф этилган ҳолда, бу тақиқ на мутаносиб, на демократик жамиятда жоиз бўлган. Демак, чекловнинг важларини қайта кўриб чиқиш ва номутаносиб ёки ортиқча тўсиқларни олиб ташлаш керак.

Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи

1. Ҳуқуқ таърифи

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар бўйича Конвенциясига Протоколнинг 1-моддасида хусусий мулкка бўлган ҳуқуқ қўйдагича эътироф этилган: “Ҳар бир жисмоний ёки юридик шахс мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга”.²⁹² Европа конвенциясидан ташқари қатор бошқа муҳим Халқаро ҳужжатларда мулкка бўлган ҳуқуқ эътироф этилган, шу жумладан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 17-моддасида,²⁹³ Инсон ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка хартиясининг 14-моддасида,²⁹⁴ Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясининг 21-моддасида²⁹⁵ ва Инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича Америка декларациясининг 23-моддасида.²⁹⁶

Бошқа халқаро конвенциялар ҳам хусусий мулкка бўлган ҳуқуқни қонун олдида тенглик ва аёллар ҳуқуқи контекстида эътироф этади. Жумладан, Барча турдаги ирқий камситишни бартараф этиш ҳақидаги БМТ Конвенциясининг 5-моддасида ҳар қандай инсон ирқи, миллати ёки дини бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз қонун олдида тенг ҳуқуқларга, ҳусусан “якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига” ҳамда “ворислик ҳуқуқига” эга.²⁹⁷

292 Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари Конвенциясига Протокол (1954 йилда қабул қилинган).
Ҳавола: https://www.echr.coe.int/Documents/Convention_ENG.pdf

293 ИХУД, 17(1)-модда ҳамда 17(2)-модда.

294 ИХХАХ, 14-модда: “Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Бу ҳуқуқ фақатгина қонунга кўра ва жамоат манфаатлари мақсадида чекланиши мумкин”.

295 ИҲАҚ, 21(1)(2)(3)-модда.

296 Инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги Америка декларацияси (2 май 1948 йилда қабул қилинган). Ҳавола: https://www.oas.org/dil/access_to_information_human_right_American_Declaration_of_the_Rights_and_Duties_of_Man.pdf, 23-модда.

297 Барча турдаги ирқий камситишни бартараф этиш ҳақидаги халқаро конвенция (1969 йилда қабул қилинган). Ҳавола: <https://www.ohchr.org/en/professionalinterest/pages/cerd.aspx>, 5-модда.

Аёлларга нисбатан барча турдаги камситишни бартараф этиш ҳақидаги БМТ Конвенциясида аёллар ҳам, эркаклар каби, барча ҳуқуқларга, жумладан “мулкка эгалик қилиш, уни сотиб олиш, бошқариш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларига” эгалиги эътироф этилган.²⁹⁸

Харбий хизматга чақирилган инсонларнинг ҳуқуқларига келсак, Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг иштирокчи-давлатларга ҳарбий хизматчиларнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги СМ/Rec(2010)4 Тавсияларида шундай дейилади: “Ҳарбий хизматчиларнинг, ҳусусан муддатли ҳарбий хизмат ўтаётганларнинг хизматга сафарбар этилишидан олдин олиб қўйилган мол-мулки хизмат муддати тугагач, уларга қайтарилиши шарт”.²⁹⁹ Европа Кенгашининг Парламент ассамблеясининг 2006 йилдаги қарорида ҳарбий хизматчиларнинг минимал ҳуқуқлари эътироф этилган, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи шу жумладан.³⁰⁰ ЕХХТ Копенгаген йиғилишининг ҳужжатига кўра ҳам иштирокчи-давлатлар “ҳар бир инсоннинг якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини” таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган.³⁰¹ Шуни қайд этиш керак-ки, юқоридаги ҳужжатларда мулк ҳуқуқи аллақачон эгалик қилинаётган ёки тасарруфдаги мулк, ёки қонуний йўл билан орттирилган мулк билан боғлиқ тарзда тушунилади. Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси қоида сифатида “эгалик объектини” нафақат моддий мулк, балким иқтисодий манфаат, моддий қийматга эга бўлган шартномавий ҳуқуқлар, давлатдан зиённи қоплаш талаби ва жамоавий ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ арзлар деб ҳам талқин этади.³⁰²

298 Аёлларга нисбатан барча турдаги камситишни бартараф этиш ҳақидаги конвенция (1981 йилда қабул қилинган). Ҳавола: <https://www.ohchr.org/en/professionalinterest/pages/cedaw.aspx>, 16(h)-мода.

299 Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг иштирокчи-давлатларга ҳарбий хизматчиларнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги СМ/Rec(2010)4 Тавсиялари

300 Европа Кенгаши Парламент ассамблеясининг 1742 (2006) Тавсиялари, Ҳавола: http://assembly.coe.int/nw/xml/XRef/Xref-XML2HTML-en.asp?file_id=1742&lang=en, п. 10.1.8.

301 Документ Копенгагенского совещания Конференции по человеческому измерению СБСЕ. 29.06.1990. Ҳавола: <https://www.osce.org/odihr/elections/14304?download=true>, п. 9.6.

302 Gudmundur Alfredsson and Asbjørn Eide. 1999. The Universal Declaration of Human Rights: A common Standard of Achievement. Martinus Nijhoff Publishers, 367-6.

2. Мулкка бўлган ҳуқуқни чеклаш ёки ундан фойдаланишга тўсқинлик қилиш

Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи жисмоний шахслар ҳуқуқи сифатида белгиланган бўлса-ла, у мутлақ ҳуқуқ эмас; давлатлар ушбу ҳуқуқقا нисбатан кенг доирадаги чекловларни жорий этиш ҳаққи бор. Шунинг учун ҳам бу ҳуқуқ одатда энг мослашувчан инсон ҳуқуқларидан саналади. Бу ҳуқуқни чеклаш одатда қонуний йўл билан жамоа манфаатини ифодалаш орқали бўлади, шу жумладан солиқлар, бошқа йиғим ва жарималарни ундириш контекстида.

Масалан, Конвенцияда (унга қўшимча Протоколнинг “A1P1” деб танилган 1-моддасида), ИХҲАХ ва ИҲАКларда бу ҳуқуқни чеклаш кўзда тутилган, агарда бу “жамият манфаатларига” мос келса,³⁰³ “жамоа учун зарурий” бўлса³⁰⁴ ёки “жамият ёки ижтимоий манфаатларга фойдали” бўлса,³⁰⁵ ёки “умумий манфаат йўлида”,³⁰⁶ ёки солиқ, йиғин ва жарималарни ундириш мақсади кўзланган бўлса.³⁰⁷

Конвенцияга келсак, A1P1 ҳимоясидаги ҳуқуқларни чеклаш фақатгина одатий, жумладан чеклов қонуний бўлиши ва кўзланган мақсадга мутаносиб бўлиши каби мезонларга мувофиқ жорий этилиши мумкин. Бундан ташқари, агарда турли гуруҳларга (шу жумладан, ҳарбий рутбасига қараб фарқланувчи гуруҳларга - “Энгель (Engel) Нидерландларга қарши” ишига қаранг) “мулк объектига” нисбатан турли ҳуқуқ ва имтиёзлар берилса, 14-моддадаги тенглик ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида бу фарқлар ҳам асосланиб берилиши лозим. Бу қоидалар ҳарбий хизматга чақирилган шахсларга ҳам тааллуқли, гарчи ҳарбий объектларда баъзи нарсаларга эгалик қилиш ҳуқуқига чеклов киритилиши мумкин бўлса-да.

303 Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари Конвенциясига қўшимча Протокол (1954 й).
Ҳавола: https://www.echr.coe.int/Documents/Convention_ENG.pdf, 1-модда.

304 ИХҲАХ, 14-модда.

305 ИҲАК, 21 -модда.

306 Ўша ерни қаранг.

307 Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари Конвенциясига қўшимча Протокол (1954 й).
Ҳавола: https://www.echr.coe.int/Documents/Convention_ENG.pdf, 1-модда.

Шахсий ва оилавий ҳаёт, ёзишмалар дахлсизлиги ҳуқуқи

1. Ҳуқуқ таърифи

Шахсий ҳаётнинг дахлсизлик ҳуқуқи шахс давлат ёки оммавий ахборот воситаларининг аралашувисиз яшаш ҳуқуқини англатади. Шунингдек, бу шахсий маълумотлар (жумладан, ёзишмалар, расмлар, расмий ва тиббий маълумотлар) сир сақланиши лозимлигини англатади, қонунда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.³⁰⁸

Маҳкамалар “шахсий ҳаётни” кенг талқин қиласди, бунга ҳозирда ўз жинсий ориентациясини, турмуш тарзини, ташқи кўриниши ва кийимини ўзи белгилаш ҳамда баданни ким кўриши ва у билан алоқага киришишни назорат қилиш ҳуқуқи ҳам кириб кетган. Бундан келиб чиқади-ки, масалан, давлат органларига инсонни бошқалар ҳам ҳозир бўлган касалхонанинг палатасида яланғоч қолдириши ёки унинг рухсатисиз қон олиши ман этилади.³⁰⁹

Шахсий ҳаёт тушунчаси шунингдек ўзлигини такомиллаштириш ва бошқалар билан дўстона ёки бошқа турдаги муносабатларга киришиш ҳуқуқини ҳам қамраб олади. Бунга иқтисодий, маданий, ижтимоий фаоллик ва дамнинг асосий кўринишларида иштирок ҳуқуқи кириб кетади. Баъзи ҳолатларда давлат органлари инсонларга жамоа ҳаётидан самарали иштирокини таъминлаш мақсадида шахсий ҳаётга ҳуқуқига кўмаклашиш позитив мажбуриятига эга бўлиши мумкин.³¹⁰ Ва ниҳоят, шахсий ҳаётга бўлган ҳуқуқ (камида, Конвенцияга мувофиқ тарзда) жисмоний дахлсизлик ҳуқуқидан ҳам иборат. Ҳуқуқнинг ушбу қирраси давлатнинг позитив мажбуриятларини келтириб чиқариши мумкин, айниқса давлатнинг мутлақ тасарруфидаги (масалан, қамоқдаги ёки ҳарбий хизматдаги) шахсларга нисбатан.

308 Тенглик ва инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия. Шахсий ва оилавий ҳаётга ҳурмат. Ҳавола: <https://www.equalityhumanrights.com/en/human-rights-act/article-8-respect-your-private-and-family-life>.

309 Масалан, Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Йаллоҳ (Jalloh) Германияга қарши” (54810/00), 11.07.2006. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-76307>; Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “М. А. К. (М. А. К.) ва Р. К. (Р. К.) Кўшма Қироллигига қарши” (45901/05 ва 40146/06), 23.06.2010. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-97880>.

310 Тенглик ва инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия. Шахсий ва оилавий ҳаётга ҳурмат. 8-модда. Ҳавола: <https://www.equalityhumanrights.com/en/human-rights-act/article-8-respect-your-private-and-family-life>.

Шунинг учун ҳам, “Демир (Demir) Туркияга қарши” ишида Маҳкама Туркия давлатига мутаносиблик тамойилига мувофиқ “зарурий тиббий хизмат кўрсатиш орқали.... ҳарбий хизматга чақирилган шахсларнинг соғлиғи ва фаровонлигини муносиб таъминлаш учун алоҳида чоралар кўришни” таклиф қилган.

Оилавий ҳаётган бўлган ҳуқуқ ҳам шахсларга давлат аралашувисиз оилавий муносабатларни қуриш ҳуқуқини беради. Бу ўз ичига оилада яшаш ҳуқуқини, бу имконсиз пайтларда эса мунтазам муносабатларга киришиш ҳуқуқини олади. “Оилавий ҳаёт” никоҳда бўлмаган жуфтнинг муносабатларини, асраб олинганд бола ва асраб олганлар муносабатини, ҳамда бола тарибя қилаётган ота ёки она ва уларнинг тарбияланувчисининг муносабатларини қамраб олади.³¹¹

Европа конвенциясининг 8-моддасига кўра, ҳар ким ўзининг шахсий ва оилавий ҳаёти, ўзининг турар жойи ва ўзининг хат-хабарлари ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқнинг амалга оширилишида давлат маъмурлари томонидан аралашувга йўл қўйилмайди, бундай аралашув қонунда назарда тутилган ҳамда демократик жамиятда миллий хавфсизлик ва жамоат тартиби, мамлакатнинг иқтисодий фаровонлиги манфаатларида, тартибсизликлар ёки жиноятларни бартараф этиш мақсадида, соғлиқни сақлаш ёки маънавиятни муҳофаза қилиш ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно.

ИХУД 12-моддасига кўра, ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралashiш, уйжойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидағи сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга. Ҳарбий хизматга чақирилган шахсларга келсак, уларнинг бу ҳуқуқини амалга оширишига ҳарбий интизом, субординация қоидалари ва ҳарбий хизматнинг ўзига хослиги таъсир қиласди.

2. Шахсий ва оилавий ҳаётга бўлган ҳуқуқни чеклаш ёки бу ҳуқуқни амалга оширишдан тўсиш

Ҳарбий хизматга чақирилган шахснинг мақоми ҳарбий хизмат даврида қонунан ўзгаради. Эндиликда бундай шахс ҳарбий хизматни ўташни тартибга солувчи миллий қонунчилик талабларига бўйсуниши керак бўлади. Коида тариқасида, ҳарбий обьектда ҳарбий хизматни ўтаётган шахснинг оилавий ва шахсий ҳаёти хизмат пайтида қонунан чекланиши мумкин. Турли давлатларда одатда ҳарбий хизматга чақирилган шахсларга белгиланган вақтдан ташқари даврда қисм ҳудудини тарк этиш, оила аъзоларига қўнғироқ қилиш ёки улар билан бошқа тартибда алоқа ўрнатиш тақиқланади. Шу билан бирга, ҳарбий хизматга чақирилган шахс хизмат жойини тарк этишга ёки юқори турувчи қўмондонга қўнғироқ қилишга рухсатни исталган пайтида талаб қилиш ҳуқуқи бор. Ҳарбий хизматга чақирилган шахсга хизматчилик даврида никоҳланиш ёки оила тузишга, болалик бўлишга рухсат бериш борасида баҳслар ҳамон давом этмоқда. Бу борадаги ҳар қандай чеклов ёки тўсиқнинг қонунийлигини индивидуал тарзда ва аввалроқ юқорида келтирилган мезонларга мувофиқ баҳолаш лозим. Яъни, шахсий ва оилавий ҳаёт, ёзишмалар, яшаш жойи дахлсизлигига нисбатан чекловлар қўйган давлат бундай тақиқловчи чоралар миллий хавфсизлик ёки жамоатчилик тартибини сақлаш каби айтилган эзгу мақсадларга нақадар мутаносиб эканлигини асослаб бериши лозим. Чора мақсадга мувофиқ ва тегишли муаммони ҳал қилишга зарурый бўлсагина “мутаносиб” ҳисобланади. Давлатларга бундай чекловларни ўрнатишда муайян ихтиёр эркинлиги берилган.

Ҳарбийхизматчилар 8-моддада белгиланган ҳуқуқларидан возкечмайди.³¹² Масалан, Маҳкама ҳарбий хизматчиларнинг шахсий ҳаётини давлат органлари томонидан суриштирилишини, жумладан уларнинг жинсий ориентациясини суриштиришни ва шу суриштирув асосида ҳарбий хизматчиларни маъмурий тартибда хизматдан бўшатишни бир неча бор ножоиз деб топган.³¹³ Бундай ҳатти-ҳаракатлар 8-моддада кўзда тутилган ҳуқуқларни номутаносиб тарзда чеклаш деб топилган.³¹⁴

312 Karen Reid. 2015. A Practitioner’s Guide to the European Convention on Human Rights (5th Edition, Sweet and Maxwell), p. 366.

313 Ўша ерни қаранг.

314 Масалан: Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Смит (Smith) ва Грэйди (Grady) Кўшма Қироллигига қарши” (33985/96 ва 33986/96), 27.12.1999. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-58408>; Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Лустиг-Прин (Lustig-Prean) ва Беккет (Beckett) Кўшма Қироллигига қарши” (31417/96 ва 32377/96), 27.12.1999. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-58407>.

“П. Т. (Р. Т.) Молдовага қарши” ишида³¹⁵ аризачи турли давлат органлариға ҳарбий хизматдан озод этилганлиги ҳақида топширадиган маълумотномада у айнан қандай касаллик туфайли хизматдан озод этилганлиги ошкор ёзилгани устидан, 8-моддага мувофиқ, шикоят киритган. Маҳкама қарорига кўра, учинчи шахсларга тақдим этиладиган маълумотномада касаллик тури ҳақида маълумот бериш аризачининг 8-моддада белгиланган ҳуқуқларининг бузилишига олиб келган. Бу чора мутаносиблик мезонига мутлақ тўғри келмаслиги қайд этилган. Асослик масаласи шунингдек 8-модданинг амал қилиш доирасига тушадиган муносабатдаги фарқлар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, “Глор (Glor) Швейцарияга қарши” ишида аризачи соғлиғи деб ҳарбий хизматга лаёқатсиз деб топилган, лекин унинг ўзи ҳарбий хизматни ўташни истаган. Миллий қонунчиликка кўра, энди у “озод этилиш солиғини” тўлаши лозим эди. Маҳкама “шахсий ҳаёт” тушунчасининг кенглигини ҳисобга олган ҳолда, инсон соғлиғига қараб солиқ жорий этиш 8-модданинг амал қилиш доирасига тушади деб топган. Маҳкаманинг эътироф этилишича, жисмоний имконияти чекланган инсонларни ҳарбий хизматдан озод қилиш учун солиқ киритиш ҳарбий хизматни ўташга имконияти борлар ва бунга имконияти йўқлар ўртасида “муайян адолатни” ўрнатишини кўзлаган. Шу билан бирга, солиқ ҳажмини, аризачининг ҳарбий хизматга сафарбар бўлиш истагини ҳамда миллий қонунчиликда унинг каби шароитда бўлган инсонлар учун ҳарбий хизматни ўташ ҳақидаги нормалар мавжуд бўлмаганлигини ҳисобга олган ҳолда, Маҳкама Швейцария давлати жамоат манфаатлари билан аризачининг ҳуқуқлари ўртасида етарлича мувозанатни сақламаган деб топган. Ва демак, 14-моддадаги ҳуқуқ (8-модда билан боғлиқ ҳолда) давлат томонидан бузилган.

Мутлақо бошқача мисолни кўрайлик. Маҳкама “Константин Маркин Россияга қарши” ишида Россия давлатининг ёндашуви 14-модданинг (8-модда билан боғлиқ ҳолда) бузилишига олиб келган деб қарор қилди. Бу ёндашувга кўра, ҳарбий хизматчи бўлмиш аёлларга бола қарови учун уч йиллик таътил берилади, лекин эркак ҳарбий хизматчиларга бундай таътил берилмайди.³¹⁶ Маҳкама “қуролли кучларнинг алоҳида мақомини” инобатга олишга ҳаракат қилган, лекин чеклов “шахсий ҳаётнинг ўта нозик қирраси” борасида бўлгани “чеклов учун ўта жиддий асослар керак”. Айнан шу иш контекстидаги аниқ мисоллар билан далилланган “қуролли кучларнинг жанговорлигига реал таҳдид” бўлганлигини исботлашни тақозо этган.³¹⁷ Маҳкама Давлат тақдим этган фактларда бундай жиддий далиллар мавжудлигини кўрмади; ҳусусан, Давлат ўз қарорларини анъанавий гендер тасаввурлар ёки аёлнинг бола тарбиясидаги алоҳида ўрни борасидаги стереотиплар билан асослагани, ва демак,

315 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “П. Т. (Р. Т.) Молдовага қарши” (1122/12), 26.08.2020. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-202520>.

316 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Константин Маркин Россияга қарши” (30078/06), 22.03.2012. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-109868>.

317 Ўша ёрни қаранг, 137-боб.

эркак ҳарбий хизматчиларга бола қарови учун таътил бериш қуролли кучларнинг жанговор шайлигига жиддий путур етказиши иддаосига етарлича далиллар келтирилмаган деб топилди.³¹⁸

Никоҳ тузиш ва оила қуриш ҳуқуқи

1. Ҳуқуқ таърифи

Никоҳтузишваоилақуришҳуқуқитегишлимиллийқонунчилик билан кафолатланган. Бу ҳуқуқ Асосий эркинлик ва ҳуқуқлар бўйича Хартияниг 9-моддасида эътироф этилган. Европа конвенциясининг 12-моддасига кўра, никоҳ ёшига тўлган эркаклар ва аёллар бу ҳуқуқнинг амалга оширилишини тартибга солувчи миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ никоҳ тузиш ва оила қуриш ҳуқуқига эга.³¹⁹

ИҲУД 16-моддасида айтилишича: “Балоғат ёшига етган эркаклар ва аёллар ирқи, миллати ёки диний белгилари бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтишга ва оила қуришга ҳақли. Улар никоҳдан ўтишда, никоҳда турган вақтларида ва уни бекор қилиш вақтида бир хил ҳуқуқдан фойдаланади. 2. Никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина никоҳ тузилиши мумкин. 3. Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли”.

ФСҲҲП 23(2)-моддасида айтилишича, балоғат ёшига етган эркаклар ва аёлларнинг никоҳдан ўтишва оила қуриш ҳуқуқи тан олинади.

318 Ўша ерни қаранг, 142–144- боблар.

319 ИҲЕК, 12-модда.

2. Никоҳ тузиш ва оила қуриш ҳуқуқини чеклаш

Никоҳ тузиш ва оила қуриш ҳуқуқи тегишли миллий қонунчилик билан, ҳусусан фуқароларнинг муайян категориялари (масалан, яқин қариндошлар) ўртасида оила қуришни тақиқлайдиган қонунлар билан тартибга солинади. Давлат ушбу ҳуқуқни чеклаш ҳуқуқига эга, лекин бундай чекловлар ҳуқуқнинг моҳиятига зид ва ўзбошимчалик билан ўрнатилган тусда бўлмаслиги лозим. ИХУД 12-моддасидаги ҳуқуқлар шахсий ва оилавий хаёт дахлсизлигини кафолатловчи Конвенциянинг 8-моддаси билан чамбарчас боғлиқ. Оила ва муносабатларга оид ҳуқуқлар фойдасига келтириладиган далиллар контекстида 12-модда 8-моддага нисбатан камроқ ишлатилади.

Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар

Ҳарбий хизматга чақирилғанларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари асосан иккита ҳалқаро шартнома билан тартибга солинади: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар түғрисидаги ҳалқаро Пакт³²⁰ ва Европа Ижтимоий хартияси (1961 й). Ушба хартия 1996 йилда қайта кўриб чиқилган. Хартияning янги таҳрири аста-секинлик билан илк версиянинг ўрнини босмоқда. Янги хартияга биринчи хартиядаги барча ҳуқуқлар кириб кетган ҳамда янги ҳуқуқлар (масалан, уй-жойга бўлган ҳуқуқ) қўшилган. Хартияning 20(1)-моддасига кўра, Томонлар Хартияning биринчи қисмини “рўёбга чиқаришга интилинидиган мақсадлар баёноти” деб қабул қилиш, иккинчи қисмидан эса муайян ўзи учун мажбурий моддалар йиғиндисига амал қилиш мажбуриятини олади. Бу йиғинди айнан қайси моддалардан иборат эканлиги ҳақида ҳар бир давлат Европа Кенгашининг бош котибини хабардор қиласи. Бу эса (мана шунисин ноодатий) Хартия томонлари, айнан қайси моддаларни ўзи учун мажбурий деб эълон қилғанлигига қараб, турли даврларда турли мажбуриятларга эга бўлишини англаради.

Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар давлатнинг позитив мажбуриятларини келтириб чиқаради, чунки давлат Пактда эътироф этилган ҳуқуқларни рўёбга чиқариш йўлида барча қўлидан келган чораларни кўриши шарт. “Пактнинг нормалари тегишли тартибда миллий қонунчиликда тан олиниши лозим. Ҳуқуқи бузилган шахс ёки шахслар гуруҳига ўз ҳуқуқини тиклаш учун имконият ёки ҳуқуқий химоя воситалари берилиши лозим. Давлатнинг ҳисобдорлигини таъминлаш учун тегишли воситалар жорий этилиши лозим”.³²¹ Пакт талабларини бажариш мажбуриятидан риоя қилиниши шарт бўлган бир неча тамойиллар келиб чиқмоқда. Буларга мажбуриятни бажаришни таъминлашга етарли чора-тадбирларнинг танлаш зарурати, ҳамда суд орқали ҳимоя имконини таъминлаш зарурати; бошқа ҳуқуқларни таъминлашда

320 Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар түғрисидаги ҳалқаро пакт (1976 йилда кучга кирган).

321 Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича БМТ Қўмитаси: “Умумий тусдаги изоҳ № 9: Пактнинг ички қўлланиши”, E/C.12/1998/24, Ҳавола: <https://www.refworld.org/docid/47a7079d6.html>, 2-банд.

энг самара берган воситаларни инобатга олиш заруратилар киради. Агарда фойдаланилаётган воситаларда бошқа ҳуқуқлар билан солиштирганда катта фарқ бўлса, бундай фарқ учун жиддий сабаблар бўлиши лозим.³²²

Муносиб уй-жой ҳамда турмуш шароитига бўлган ҳуқуқ

1. Ҳуқуқ таърифи ва ҳуқуқий ҳужжатлар

Муносиб уй-жой ҳамда турмуш шароитига бўлган ҳуқуқ Пактнинг 11-моддасида мустаҳкамланган. Хартиянинг 31(1)-моддаси ҳам иштирокчи-давлатларга “муносиб, талабларга жавоб берадиган уй-жойга бўлган ҳуқуқни таъминлаш” мажбуриятини юклайди. Вазирлар Қўмитаси ҳарбий хизмат шароитида муносиб уй-жой талаби айнан нимани англатишини изоҳлаган. Унга кўра, уй-жой муносиб ёруғлик, вентиляция (жумладан, иситиш тизими) тизимига эга бўлиши, тоза ва яроқли ҳолатда бўлиши, тегишли тарзда жиҳозланган бўлиши ҳамда у ерда яшаётган ҳар бир шахс учун етарли тураг майдонга эга бўлиши лозим. Бундан ташқари, ҳарбий хизматчи яшаётган жой хатто умумий ётоқхоналарда ҳам унинг шахсий ҳудуди деб ҳисобланиши лозим. Гигиена ва соғлиқ мулоҳазаларига кўра, ҳожатхона ётоқдан алоҳида бўлиши ва мунтазам тозаланиб туриши лозим.

Эркак ва аёллар алоҳида жойлаштирилиши лозим. Муносиб уй-жой шароитини таъминлаш қийин бўлган вазиятларда, давлат органлари иложи борича дуруст шароитни таъминлашда барча чораларни кўриши шарт. Казарма ташқарисида ёки ҳарбий амалиётлар даврида санитар-гигиена талаблари пастроқ бўлиши тушунарли ҳолат, лекин, давлат органлари санитар-гигиена шароитини иложи борича муносиб тарзда таъминлаши лозим.³²³

322 Ўша ерни қаранг, 7-б

323 Европа Кенгаши: Вазирлар Қўмитаси. 2010. Қўмитанинг иштирокчи-давлатларга ҳарбий хизматчиларнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги CM/Rec(2010)4 Тавсияси ва изоҳловчи меморандуми, 57-б

2. Муносиб уй-жой ҳамда турмуш шароитига ҳуқуқни чеклаш

Муносиб уй-жой ҳамда яшаш шароитига бўлган ҳуқуқ, сиёсий ва фуқаровий ҳуқуқлардан фарқли ўлароқ, моҳияттан чекловларга тушмайди. Аксинча, бу ҳуқуқни жўяли чоралар воситасида иложи борича максимал равишда рўёбга чиқаришга интилмоқ лозим. Демак, ҳарбий хизматга чақирилган шахсларга хизмат даврида муносиб уйжой ҳамда турмуш шароитини таъминлашда жўяли чоралар кўриш заруратига қарамай, бу ҳуқуқ тўлиқ ҳажмда нақадар рўёбга чиқарилиши ҳарбий тайёргарлик ва/ёки амалиётнинг конкрет ҳусусиятларига боғлиқдир.

Юқорида қайд этилганидек, янгиланган Хартияning 31-моддасида жараёнга ёндашув кўзда тутилган, аниқ ҳуқуқ ёки натижа эмас. Бундан ташқари, Хартияда “тегишли равишида рўёбга чиқарилиши” кўзда тутилган ҳуқуқлар қонунчиликда белгиланган тарзда ва демократик жамиятда жоиз деб топилган усулда чекланиши мумкин.

Иш жойида иззатни ҳимоясига, соғлиқни ҳимоясига, жисмоний тегажоқликдан ҳимояга ва хавфсиз ишга бўлган ҳуқуқлар

1. Ҳуқуқ таърифи ва ҳуқуқий ҳужжатлар

Иш жойида иззатни ҳимоясига, соғлиқни ҳимоясига, жисмоний тегажоқликдан ҳимояга ва хавфсиз ишга бўлган ҳуқуқлар Европа ижтимоий хартиясининг 2-моддасида (адолатли иш шароитига бўлган ҳуқуқ), 3-моддасида (хавфсизлик ва гигиена шартларига жавоб берадиган ишга ҳуқуқ) ва 11-моддасида (соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқ) ҳамда 26-моддада (иш жойида иззатини ҳимоя қилинишига бўлган ҳуқуқ, бу ўз ичига жисмоний тегажоқликдан ҳимояни ҳам олади) эътироф этилган. Иш жойида иззатини ҳимоя қилинишига бўлган ҳуқуқ борасида янгиланган Хартияning 26-моддаси шундай дейди: “Иш жойида иззатини ҳимоя қилинишига

бўлган ҳуқуқни самарали таъминлаш мақсадида, иш берувчи ва меҳнаткашлар ташкилотлари билан келишилган ҳолда Томонлар: 1) иш жойида жинсий тегажоқлик ҳақида хабардорликни ошириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларига кўмаклашиш ҳамда меҳнаткашларни бундай ҳатти-харакатдан ҳимоя қилишга қаратилган чораларни кўриш; алоҳида меҳнаткашларга қарши иш жойида мунтазам қайтарилаётган камситувчи, ҳақоратловчи ва таҳқирловчи ҳатти-харакатларнинг ножоизлигини тарғиб этиш ва бундай ҳатти-харакатдан ҳимоя қилиш чораларини кўриши лозим”.

Пактнинг 7-моддасида иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг адолатли ва қулай шартшароитга эга бўлган меҳнат қилиш ҳуқуқини, жумладан а) барча меҳнаткашларга муносиб турмуш тарзини таъминлайдиган ҳаққа; б) хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берувчи иш шароитига; д) дам олиш, бўш вақт имкониятининг бўлиши ва оқилона чекланган иш вақти ҳамда ҳақ тўланадиган таътил, шунингдек, байрам кунлари учун ҳаққа бўлган ҳуқуқни тан олади. Бундан ташқари, Пактнинг 12-моддасида ҳар бир кишининг жисмоний ва руҳий саломатлик жиҳатдан олий даражага этиши ҳуқуқини эътироф этилади. Халқаро меҳнат ташкилотининг бир неча конвенциялари ҳам ушбу ҳуқуқларнинг баъзиларини, жумладан иш вақтига, байрам кунлари ва таътилга,³²⁴ меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига³²⁵ бўлган ҳуқуқларни эътироф этади.

Евropa Кенгашининг Вазирлар Қўмитаси 2010 йилда ушбу ҳуқуқларни қуролли кучлар сафида таъминлаш бўйича аниқ тавсиялар берган.³²⁶ Жинсий тегажоқлик борасида, тавсияларда шундай дейилади: “Давлатар иш жойида жинсий тегажоқлик ёки инсоннинг иззатига тегадиган, шу жумладан раҳбарият ва ҳамкаслар томонидан қилинадиган ҳар қандай ҳатти-харакатни тақиқловчи чоралар кўриши

324 Саноат ташкилотларида ҳафталик татил тўғрисидаги Конвенция (№ 14) (1923 йилда қабул қилинган); Савдо ва бошқа муассасалarda ҳафталик татил тўғрисидаги Конвенция (№ 106) (1959 йилда қабул қилинган); Савдода ва идораларда ҳафталик татил тўғрисидаги Тавсия (R103) (1957 йилда қабул қилинган); Тўлиқ бўлмаган иш вақти тўғрисидаги Конвенция (№ 175) (1998 йилда қабул қилинган); Иш вақтини кисқартириш тўғрисидаги Тавсия (R182) (1994 йилда қабул қилинган); Иш вақтини кисқартириш тўғрисидаги Тавсия (R116) (1962 йилда қабул қилинган).

325 Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ва саноат соҳаси тўғрисидаги Конвенция (№ 155) (1983 йилда қабул қилинган); Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ва саноат соҳаси тўғрисидаги Тавсия (R164) (1981 йилда қабул қилинган); Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги Конвенцияга 2002 йилдаги Протокол (№ 155) (2005 йилда қабул қилинган); Саноатда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати тўғрисидаги Конвенция (№ 161) (1988 йилда қабул қилинган); Саноатда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати тўғрисидаги Тавсия (R171) (1985 йилда қабул қилинган); Меҳнаткашларнинг иш жойида соғлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Тавсия (R97) (1953 йилда қабул қилинган); Меҳнаткашлар учун санитар-жойлар тўғрисидаги Тавсия (R102) (1956 йилда қабул қилинган); Кашибий хасталиклар, саноатда уларни ва баҳтсиз ходисаларни рўйхатга олиш ва хабардор қилиш бўйича Тавсия (R194) (2002 йилда қабул қилинган).

326 Евropa Кенгаши: Вазирлар Қўмитаси. 2010. Қўмитанинг иштирокчи-давлатларга ҳарбий хизматчиларнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги CM/Rec(2010)4 Тавсияси ва изоҳловчи меморандуми, 59-бет.

лозим. Қуролли кучлар сафида жинсий тегажоқликка ёки зўравонликка ўрин бўлмаслиги керак, бундай ҳатти-харакатни содир этган шахсларга нисбатан самарали жазоловчи чоралар кўрилиши кўзда тутилган бўлиши лозим. Давлатлар иш жойида жинсий тегажоқлик ҳақида хабардорликни ошириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларига кўмаклашиши лозим”.³²⁷ Бу борада Маҳкамада тегишли амалиёт бўлмаган, лекин “Лялякин (Lyalyakin) Россияга қарши” ишида³²⁸ Инсон ҳуқуқлари Европа суди ҳарбий хизматга чақирилган шахсни асоссиз яланточ қилиб қўйишни З-модданинг (Қийноқларни, шафқатсиз ёки қадр-қимматни таҳқирловчи муносабатни тақиқлаш) бузилиши деб топган. Бунда Маҳкама жинсий зўрланганлик ҳақидаги шикоятни муҳокама қилмаган.

Ҳарбий хизматга чақирилган шахсларда шунингдек дам олиш ҳуқуқи бўлиши керак. Вазирлар Қўмитасининг тавсияларида қайд этилишича, гарчи ҳарбий хизматнинг ҳусусияти ва ҳарбий хизматчиларнинг хавфсизлиги ва соғлиғи учун бўладиган таҳдидлар оддий ҳаёт шароитида имконсиз бўлган муайян чекловларни киритишга асосли сабаб бўлса-да, лекин бундай чекловларнинг давомийлиги иложи борича қисқа бўлиши, ва бу чекловлар ҳуқуқдан мутлақ маҳрумиятни англатмаслиги лозим.³²⁹ Ҳарбий амалиёт ёки дала машқлари каби фавқуллода ҳолатларда ҳарбий хизматчилар муносаби дам олишини таъминлаш доимо ҳам имкони бўлмайди, лекин бундай, ҳеч қандай дамсиз давом этадиган даврлар узоқ чўзилмаслигини таъминлаш лозим.³³⁰

Соғлиқни ҳимояси ва хавфсиз меҳнат борасида тавсияларда “ҳарбий хизматчилар соғлиғига путур етказиши мумкин бўлган заарли экологик факторлар таъсирига асоссиз равишда қўйилмаслиги керак” дейилади. Бу борада ҳам давлатлар жўяли чоралар кўришига мажбурдир.³³¹ “Бундан ташқари, давлатлар баҳтсиз ҳодисалар, ҳаво ифлосланиши, ядровий таҳдид, асбест билан боғлиқ таҳдидлар ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ таҳдидларни олдини олиш чораларини кўриши лозим”.³³²

Шунингдек, давлатлар ҳарбий техникадан фойдаланиш билан боғлиқ баҳтсиз ҳодисаларни камайтиришга қаратилган чораларни кўриши лозим. Қизиги, бу

327 Ўша ерни қаранг.

328 Инсон ҳуқуқлари Европа Маҳкамаси. “Лялякин (Lyalyakin) Россияга қарши” (31305/09), 14.09.2015. Ҳавола: <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-152726>.

329 Европа Кенгаши: Вазирлар Қўмитаси. 2010. Қўмитанинг иштирокчи-давлатларга ҳарбий хизматчиларнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги СМ/Rec(2010)4 Тавсияси ва Изоҳловчи меморандум, 60-бет.

